26 НОЯ 1991



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ўзбекистан адабиёти ва санъати 1991

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

22 НОЯБРЬ, № 47 (3151) ЖУМА

«ИШЛАШ КЕРАК, ЎҚИШ ЭСА ҚОЧМАЙДИ...»

Республика Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси ўз ишини якунлади, 30 га яқин муҳим масалалар муҳокама этилиб, кўпдан-кўп қонун ва ҳужжатлар қабул қилинди.

Уч кун давом этган қизғин мунозараларни ойнаи жаҳон орқали кузатган ҳар бир киши сессия ишини, депутатлар фаоллигини бемалол баҳолай олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги масала муҳокамаси аввалги сессияда ноибларнинг деярли чарчаб бўлишган бир пайтга тўғри келган эди. Бу гал эса мунозара беллашувлари ҳали қизимай турибоқ масала, юлдузлар сони хусусидаги тортишувни айтмаганда, енгилгина ҳал бўлди-қолди. Эҳтимол, янглишаётгандирман, аммо, назаримда депутатларимизнинг кўпчилиги учун ой ва юлдузларнинг қандай жойлаштирилиши, нечта бўлиши мутлақо аҳамиятсиздай бўлиб туюлди менга. Лекин, нима бўлганда ҳам, халқимиз ўз байроғига эга бўлди. Келажак унинг рамзларига эҳтимол ўз таҳририни киритар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳасини қизғин муҳокама қилдилар. Лойиҳа биринчи ўқишга нисбатан анча пухталанганлиги яққол сезилиб турди. Шунга қарамай қонун моддаларига зарур ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси Э. Халиловнинг баҳсли мунозараларга оид шарҳларига асосан қўшилиш мумкин. Аммо айрим ўринларда шарҳлар қуруқ рад этишдан иборат бўлганлигини сезиш ҳам қийин бўлмади. Хусусан, депутат И. Турсуновнинг Президент сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси партиясиз киши бўлмоғи керак, деган ўринли таклифи деярли эътиборсиз қолиб кетди.

Олий Кенгаш қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба кунига белгиланди. Худди шу куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилади.

Республикамиз мустақил давлат шаклини олаётган экан, олдимизда оқилона ҳал этилиши, ягона тўғри йўллари топилиши лозим бўлган қатор муаммолар вужудга келмоқда. Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритиладиган тушунча эмас. Уни сақлай олишга, мустаҳкамлашга тайёрмизми? Қийинчиликларига дош бера оламизми? Мустақил давлат ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Унинг ўзига хос шаклу шамойиллари мавжуд. Давлат бўлар эканмиз, аниқ ҳудудимиз, муомала бирлигимиз, мудофаа воситаларимиз бўлмоғи зарур.

Бундай тарихий вазифаларни ҳал этиш учун бизга халқимизнинг якдиллиги, хоҳиш-иродаси билан бирга кучли Президент ва кучли Парламент ҳам зарур. Халқ ўз жумҳурраисини ўзи танласа, унга ваколат берса, олий Кенгаш бугунги янгича шароитларда қайтадан шаклланса, шубҳасиз, мустақиллик йўлидаги одимларимиз янада салмоқли бўлади. Ваколат эгасининг халқ олдидаги масъулияти янада ортади.

Шу ўринда баъзи кишиларда «Президентликни жорий этдик, хўш, нима ўзгарди, ўзгариш бўлмаганидан кейин уни парламент сайлади, нимаю, халқ сайлади нима?», деган мулоҳаза туғилиши табиий. Собиқ иттифоқ кўзда тутиладиган бўлса, бу мулоҳазани инкор қилиш қийин. Михаил Сергеевичнинг президентлиги мамлакатни асосан хароб қилди, холос. Бошбошдоқлик, талон-тарож, пораҳўрлик, ватанфурушлик бизнинг бу улуғ мамлакатимизда ҳали ҳеч қачон бугунгидек равнақ топмаган эди. Ҳукумат йўқ ҳисобида: олган олганники, ўмарган ўмарганники.

Бизда, шукрлар бўлсинким, аҳвол бир мунча дуруст. Республика раҳбариятининг мустақил, қатъиятли сиёсий йўли туфайли жумҳуриятимиз янги сифат босқичига кўтарилмоқда. Ўнлаб демократик ислоҳотларни бемалол Президентимиз номи билан боғлаш мумкин. Шиддатли ўзгаришлар даврида сиз ва биз каби Президент Каримов ҳам ўзгариб бормоқда. Аммо бу ўзгариш Михаил Сергеевичнинг исёндан кейинги «ўзгариши»дан тамомила фарқ қилади. Каримов қарашларидаги ўзгаришлар уни халққа яқинлаштирмоқда.

Сессия ишини тўла ёритиш, фикрлар ранг-баранглигини тўла ифодалаш учун кўп ёзиш керак. Бу жуда қийин иш. Аммо ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғидаги бир ҳолатни четлаб ўтиш мутлақо мумкин эмас.

Анча мукаммал тайёрланган лойиҳада ўқувчиларни машғулотлар чоғи, яъни ўқишни тўхтатиб қишлоқ хўжалиги ишларига (пахтага) жалб этиш мумкин эмаслиги эътироф этилган. Қарангки, айни шу ҳолат жуда қизғин мунозарага сабаб бўлди. Ўқувчиларга мўмай ишчи кучи сифатида қараб ўрганганимиз, «мактаб ёпилса нима қипти, план тўлиши керак» дейдиган раҳбарлар ҳамон мавжудлиги сезилиб қолди. Чунки, баъзи депутатлар «бу қанақаси, ўқувчиларни ишлатиш керак, ўқиш қочмайди, ишлашсин, пахта илмини ўрганишсин», деб туриб олишди.

Тўғри, меҳнат тарбияси керак. Ёшлигидан меҳнат қилиб ўрганган бола, ҳарқалай, ёмон одам бўлмайди. Аммо меҳнат мажбурий, ўқиш, дам олиш, жисмоний чиниқиш, бу дунёда меҳнат билан бирга яна бир қанча маънавий заруратлар ҳам борлигини англаш ҳисобига бўлмаслиги керак. Яхши ўқимаган боладан эртанги куннинг яхши меҳнатчиси ҳам чиқмаслиги мумкин.

Узоқ тортишувдан кейин масала овозга қўйилди ва қонуннинг мазкур моддаси лойиҳада акс эттирилган таҳрирда қабул қилинди.

Ушбу ҳол менга жумҳуриятимиздаги бугунги ижтимоий ҳолатнинг ойнасидай туюлиб кетди.

БИРЛАШИШ УЧУН... АЖРАЛИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДИБЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ



ЎЗБЕКИСТОН ёзувчиларининг X қурултойида ижодкорлар ўртасида бўлиниш юз берганди. Бир қанча адиблар уюшма раҳбарлари фаолиятига норозилик сифатида қурултойдан чиқиб кетгандилар. Шундан кейин бир гуруҳ ёзувчилар янги уюшма — Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқини тузиш ҳаракати билан чиқдилар. Улар ўз мақсадларини матбуот орқали билдирдилар. Қисқа фурсат ичида бу иттифоқнинг ҳаракат дастури, тузуги (устави) лойиҳалари ишлаб чиқилди.

15 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Таъсис қурултойини Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов кириш сўзи билан очди.

— Бизнинг мақсадимиз, ниятимиз адиблар иттифоқини ташкил этиш орқали Ёзувчилар уюшмасини иккига бўлиш, ижодкорларни икки гуруҳга ажратиш эмас, аксинча, уни бугунги кун талабларига жавоб берадиган янги уюшмага айлантириб, бу уюшмага ҳалол, пок, адабиётга сидқидилдан хизмат қиладиган ижодкорларни бирлаштиришдан иборатдир, — деди у. — Янги уюшманинг мақсади яқинда бир гуруҳ ижодкорларнинг «Халқ сўзи» рўзномасида эълон қилинган Ўзбекистон ёзувчиларига мурожаатида тўла ифодалаб берилди.

Шундан кейин таъсис қурултойида Э. Воҳидов, Ҳ. Даврон, С. Раҳмон, Ҳ. Султонов, Б. Бойқобилов, У. Азимовдан иборат ишчи ҳайъати сайланди. Қурултойнинг котибияти, таҳрир ва мандат ҳайъатлари тасдиқланди, кун тартиби белгиланди.

Бу орада бир гуруҳ иқтидорли ёш қаламкашлар ижодкорлар олдига тоталитар тузумнинг унвон ва мукофотларидан воз кечиш ҳамда ўтган барча хатоларга тавба-тазарру қилиш талабини қўйдилар. То шу талаб овозга қўйилгунча вақтинча қурултойни тарк этдилар. Бу талаб қурултойда қизғин тортишув ва баҳсга сабаб бўлди. Ёшларнинг унвон ва мукофотлардан воз кечиш тўғрисидаги талаби ахборот учун қабул қилинди.

Шундан сўнг таъсис қурултойи кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқининг ҳаракат дастури тўғрисида шоир Хуршид Давроннинг маърузаси тингланди.

— Бугун Ўзбекистон жумҳуриятида яшовчи ҳар бир фуқаро, ҳар бир корхона ва ташкилот юртимиз, миллатимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида хизмат қилмоғи керак, — деди у. — Мустақиллик йўлига кирган жумҳуриятга, энг аввало, мустақил фикрловчи ёзувчилар, мустақил ёзувчилар иттифоқи зарур. Бизнинг мустақиллигимиз жабрдийда ватанимиз ва эзилган миллатимиз истиқлолини, иқтисодий-маънавий равнақини, унинг порлоқ келажагини ҳар қандай ички ва ташқи зуғум ва тазйиқдан ҳимоя қилишга қодир сўзимиз, фикр-мулоҳазамиз, холис муносабатимиз ва қатъий ҳаракатимиз бўлади. Кимнингдир хайр-эҳсонига кўз тикиб яшовчи ёзувчи ёки иттифоқ ҳеч қачон мустақил бўлолмайди. У барибир ҳукуматдан олаётган ўша хайр-садақасини оқлаши керак бўлади. Шу туфайли янги тузиладиган иттифоқимизнинг иқтисодий мустақиллиги бизнинг фикрий, маънавий ва шахсий мустақиллигимиз бўлишини англайлик.

Бугун энг қийини бозор иқтисоди шароитида эркин сўзни, ҳақиқий адабиётни асраб қолиш вазифасидир. Ўзбек миллий адабиётини шу иқтисодий жараён шакллантираётган йўллар ва амаллар билан ҳимоя қилмоғимиз керак. Демак, адабиётимиз тараққиётини белгилайдиган, миллий қадриятларимизни ҳимоя қила оладиган янгича иш юритиш воситаларини ишлаб чиқиб, амалга киргизиш биринчи вазифамиздир. Шундан келиб чиққан ҳолда даромад манбаи бўла оладиган хўжалик ҳисобидаги нашриёт, кичик ва қўшма корхоналар, ёзувчилар маблағлари ҳисобидан тузиладиган корхоналарни ташкил этмоқ лозим бўлади. Шу билан биргаликда, жумҳурият ҳукумати олдига ўн йиллар давомида ёзувчилар меҳнати эвазига кун кўриб келаётган, нашриётлар қонини зулукдек сўрган ҳолда ўзи амалда зиғирчалик манфаат бермаётган Госкомпечать деган боқиманда ташкилотдан Ғафур Ғулом номидаги, «Ёзувчи» нашриётларини, шунингдек, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» ойномаларини ажратиб олиб, адиблар ихтиёридаги мустақил ташкилот қилиш масала-

Давоми иккинчи бетда



ОЛИСДАГИ ОВОЗИМИЗ

Ўтган йили Саудия Арабистонига ҳаж сафари учун борган дўстларимдан бири Тоиф шаҳрида истиқомат қилувчи асли андижонлик Тошқин тахаллусли шоирнинг 80 га яқин турли шеърлари, мухаммасларини олиб келиб менга берган эди. Шеърлар араб алифбоси билан ўзбек тилида ёзилган бўлиб, тўплам устига «Тошқиннинг «Ватан ишқида» номлиғ ғайри матбаъ девонидин парчалар» деб битиб қўйилган. Унинг ҳижрон, ватан фироқида ёзган ғазаллари, бармоқ вазнидаги шеърлари тўплам билан танишган кишини ҳаяжонлантирмай қўймайди. Бироқ, муаллиф ҳақида бошқа бирон маълумот бўлмагани сабабли унинг ҳақида матбуотда эълон қилишдан тортиниб юрдик. Шундай бўлса ҳам, Навоий, Бобур, Ҳабибий кунлари нишонланганда улар шеърларига қилинган айрим мухаммаслар вилоят радиосида ўқиб эшиттирилди. Ниҳоят, мана шоирнинг ўзи она шаҳри — Андижонга меҳмон бўлиб келди. У кишининг таржимаи ҳолидан яқиндан танишиш имконияти туғилди.

Унинг исми Комилжон бўлиб, отаси андижонлик Абдулла Қурбон косибчилик (оёқ кийими тикиш) билан шуғулланган. Уларнинг уйи Андижоннинг «Чуқур масжид» маҳалласида (ҳозирги «Арк ичи») экан. Абдулла Қурбон шаҳарнинг обрўли муллаларидан, Сомеъ халфа исмли тасаввуф олимидан 10 йилгача бўш вақтларида таълим олган. Комилжон 1928 йили ушбу оилада «Чуқур масжид» маҳалласида таваллуд топган.

Ўша йиллари мамлакатимизда авж олиб борган «Қулоққа тортиш», дин аҳлини таъқиб қилиш каби машъум сиёсат улар оиласини ҳам безовта қилиб, ранжитган эди. Абдулла ака ўз оиласи билан 1933 йили Шарқий Туркистоннинг Қашқар шаҳрига кўчиб кетди. Комилжоннинг аввги ўқиш даври уйғур юртида ўтди.

У 1947 йилгача Қашқардаги мактабда таълим олди ва шу йили Урумчи дорулфунунига ўқишга кирди. Бироқ бир йилдан сўнг отаси Абдулла ака ўз оиласи билан Арабистон сафарига йўл олиб, ҳозирги Покистонга келишди ва бу ерда яна бир йил қолиб кетишди. Комилжон бу ерда тиш техниги касбини эгаллади. 1949 йили улар оиласи Саудия Арабистонига йўл олди ва мана 40 йилдан ошдики, Комилжон (Тошқин) оиласи аввал Маккаи Мукаррама шаҳрида, ҳозир эса Тоиф шаҳрида истиқомат қилади. Унинг ота-онаси хоки ҳам шу муқаддас ерларда.

Комилжон Покистонда эгаллаган тиш техниги касбини Арабистонда такомиллаштириб, кўзга кўринган мутахассис бўлиб етишди ва ҳозиргача ўша касб билан шуғулланади. Тошқин 5 фарзандниг отаси. Фарзандлари олий маълумотли, турли касбларда Арабистонда хизмат қиладилар.

Унда шеъриятга бўлган ҳавас ёшлигиданоқ уйғонган эди. Ўзининг ҳикоя қилишича, жуда кичиклигидан халқ лапарларига, алла, ёр-ёрларга қизиқиб, уларни ҳавас билан тингларди. 12—13 ёшлариданоқ шеър машқини бошлаган. Отаси мулла одам бўлгани учун оилада Навоий, Лутфий, Саккокий асарларини билгувчи эди. Комилжон улардан таҳсил олди. Шунингдек, машҳур турк шоирлари Номиқ Камол, Фикрат Тавфиқ кабиларнинг ижоди билан яқиндан танишди.

Шоирнинг жиддий ижоди бундан 35 йил илгари бошланган. Арабистондаги дўстлари унга Тошқин деб тахаллус бердилар. Ҳозир унинг кўлида 300 саҳифадан иборат қўлёзмаси бор. Қуйида муҳтарам ўқувчиларга унинг ижодидан иккита шеърини тақдим қилмоқдамиз. Унинг «Истиқлол марши» шеъри Ўзбекистоннинг мустақиллиги орзусида бироз илгари ёзилиб каминага юборилган эди. Мустақиллик эълон қилингач, ўзлари она юртга ташриф буюриб, «Фарзандлик саломи» ғазалини ёзди (Ушбу ғазалнни янги ташкил топган «Эл» халқаро уюшмасининг Тошкентда 24 сентябрда бўлиб ўтган кенгаш мажлисида ҳам ўқиб берган эди).

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ

ТОШҚИН
(Саудия Арабистони)

ИСТИҚЛОЛ МАРШИ

Миллатим, қутатсин[1] сенга истиқлол
Байроғинг остида эркин нафас ол.
Гулласин, яшнасин бахту иқболинг
Жаҳонда ҳурлигинг бирла мангу қол.

Қувонч-ла дегаймиз: Ватан бизнингдир.
Жаннатдан намуна чаман бизнингдир.

Азалдан бизнингдир бу гўзал ерлар,
Тарихлар бу юртни Туркистон дерлар.
То абад яшаймиз, яшаган бунда
Шарафли аждодлар, қаҳрамон эрлар.

Ҳақ сўзни сўзлаймиз: Ватан бизнингдир,
Бу тенгсиз, бадалсиз чаман бизнингдир.

Истиқлол халқимиз, байроқ мулкимиз,
Туркийдир она тил фахру кўркимиз.
Оташлар ёндирса, жонлар ёндирса,
Ололмас ҳеч кимса қўлдан эркимиз.

Қулликда қолмаймиз, Ватан бизнингдир.
Бу кўркам хушҳаво чаман бизнингдир.

Ардоқлаб асраймиз байроғимизни,
Жон билан сақлаймиз тупроғимизни.
Дунёни берсалар, бермаймиз ҳаргиз,
Энг кичик, энг оддий қишлоғимизни.

Ётларни қувлаймиз, Ватан бизнингдир.
Парилар равзаси чаман бизнингдир.

Эй, азиз юртимиз, сенга жон фидо,
Сидқидил билан бу аҳд ила нидо.
Истиқлол тўйингни қутламоқ учун
Шаҳидлар қалбидан чиқади садо.

Ҳақ йўлдан қайтмаймиз, Ватан бизнингдир,
Диловар, руҳпарвар чаман бизнингдир.

1. **Қутатсин** — асқатсин·маъносида

ФАРЗАНДЛИК САЛОМИ

Қўлим кўксимда келдим севгили юртим саломингга.
Ўпай тупроқларингни таъзим айлаб эҳтиромингга.

Қучоқ очдинг, тараҳҳум бирла бошим кўкка етқурдинг,
Қилай ҳамду сано бу илтифоту эҳтимомингга.

Сиполиғ меҳри бирла бағрингга босдинг, карам қилдинг,
Фироқинг ўтида йилларда ўртанган ғуломингга.

Ҳамиша кўнглим ичра изтироб бор эрди қайғунгдин
Соғинчу иштиёқ-ла мунтазир эрдим паёмингга.

Шукрлар айлайин такрорким васлинг насиб ўлди.
Севиндим бош қўйиб остонаи қутлуғ мақомингга.

Танамга сиғмадим эълони истиқлолингни тинглаб,
Сенга ёрдамчи бўлсин тангри касби эҳтишомингга.[1]

Мунаввар кунларинг келмоқда, халқим, шод бўлғаймен,
Ҳуррият машъалидин нур етгай тийра шомингга.

Умиду орзуим булки эмди сарф этиб эмгак,
Сенга хизматлар этсам, ҳисса қўшсам интизомингга.

Қуёшлик осмонинг садқаси бўлсин, дилу жоним
Ки, жондин мустандмен[2] хизмату, ҳар илтизомингга.[3]

Мен ундоғ ошиқингманки, менга тенг эмас ҳаргиз
Жаҳоннинг ийди[4] наврўзи сенинг бир ибтисомингга.[5]

Қовушмоққа элу-юртингга Тошқин тоза жон топдинг
Қониб сипқар, бугун тўлди шароби васли жомингга.

1. **Эҳтишом** — кўркамлик
2. **Мустаидмен** — тайёрмен
3. **Илтизом** — буйруқ
4. **Ийд** — ҳайит байрами
5. **Ибтисом** — табассум

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ X ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси X қурултойининг иккинчи босқичи 1991 йил 28 ноябрь куни эрталаб соат 10 да Киночилар уйида очилади.

Уюшма аъзолари 27 ноябрь куни соат 10 дан 18 гача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида (Пушкин кўчаси, 1-уй) ва 28 ноябрь куни соат 9 дан 10 гача Киночилар уйида рўйхатга олинадилар.

АФВ ВА АДОЛАТ

Ҳурматли редакция!

Мактубим қуруқ гина-кудуратлардан иборат бўлиб қолмасмикин, деган андиша боис, ушбу хатни ёзишдан олдин кўп мулоҳазаларга бордим. Аммо менга тинчлик бермаётган, дилимни ранжитган бу воқеани айтмасам бўлмайди.

1990 йилнинг 11 июнида ён қўшним уйимга бостириб кириб, куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Бошимга уриб тан жароҳати етказди. Касалхонада даволанишга мажбур бўлдим.

Буниси ҳам майли. Аммо келгиндисан дегани жон-жонимдан ўтиб кетди.

Воқеадан қўни-қўшнилар, милиция хабар топиб қўшнимга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Мен ўзимдан анча катта бир одамни қаматтириш ниятидан узоқман. Қилган ишидан пушаймон бўлиб тавба-тазарру қилар, орадаги кўнгилсизлик шу билан барҳам топар деб ўйлаган эдим. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади. Терговчилар ишни аввалига роса чўзишди. Ана якунлаймиз, мана якунлаймиз, деб юраверишди. Охири ҳеч бир асоссиз «дело»ни ёпишди. Қўшним бўлса янада «руҳланиб» менга, оила аъзоларимга нисбатан зуғумини давом эттирди.

Мен тегишли ташкилотларга хат ёздим. Шу йил сентябрь ойида билсам ёзган мактубим асосида қўшнимнинг иши қайтадан кўриладиган бўлибди. Эҳтимол, бугал инсофга келар, узр-маъзур айтишармиз, қўни-қўшни аҳил-иноқ бўлса қандоқ яхши деб турган эдим, яна бўлмади. 18 сентябрь куни чиқиб «Хўш, қўлингдан нима келди?» деб яна ҳақорат қилди. Маълум бўлишича, Республикамиз Президентининг Фармонига биноан қўшним афв этилибди. Воажаб!

Афв этиш — олийжаноб иш. Гуноҳларини тушуниб етганларни, тўғри йўлга кирганларни афв этиш керак. Аммо менинг қўшним буни тўғри тушунмабди. Мен ҳуқуқ ташкилотларига бориб «Э, буниси қандоқ бўлди», десам, «Қандоқ бўларди, қўшнингизнинг иши амнистияга тушди, тамом-вассалом», дейишди. Ё раб, бу қандоқ адолат бўлди?

Менингча, иш сал бошқачароқ бўлиши керак эди. Гуноҳидан ўтилаётганларга «Ҳукумат сизга енгиллик берди. Аммо буни тўғри тушунмоғингиз, бундан буён тўғри қадам босишингиз керак», деган мазмунда тушунтириш бериб қўйиш нақотки қийин бўлса? Акс ҳолда, айрим кишиларнинг қонун, инсоф, диёнат олдидаги масъулияти заифлигича қолаверади.

К. НАСРИДДИНОВ

Нодирабегим 200 га киради

Келгуси йили улкан шоирамиз Нодира таваллудининг 200 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан 1992 йил жумҳуриятимизда Нодира йили деб белгиланишини истардим. Ўтмишда яшаб ижод этган ва улкан бадиий мерос қолдирган шоирларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Нодира йили муносабати билан адабиётимизни зарҳал саҳифалар билан безаган — Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Дилшод Барно, Самар Бону, Қамарнисо, Раъно Узоқова, Ойдин, Саида Зуннунова, Музайяна Алавия ва бошқаларнинг ҳаёти ҳамда ижодини тўла ўрганардик.

Нодира таваллуди туфайли яна бир неча мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Биринчидан, Фарғона ёки Андижон вилоятларидаги туманлардан бири Нодира номига қўйилса яхши бўларди. Ахир ўзи туғилган шаҳардан номи олиб ташланган Фрунзе ҳамон Фарғона вилоятида эъзозланяпти. Нега унинг ўрнига ардоқли шоирамиз Нодиранинг номини қўйиш мумкин эмас. Ёки Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Маҳзуна, Дилшод Барно ва бошқаларнинг номи туман, жамоа ёки давлат хўжалиги номига арзимайдими?

Иккинчидан, пойтахтимиз Тошкентдаги метро бекатларининг номлари ҳам бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. «СССР 50 йиллиги», «Комсомол», «Халқлар дўстлиги» бекатларининг номларини ўзгартириш зарур деб ҳисоблайман. «Халқлар дўстлиги» бекатининг номини эса «Ўзбек шоиралари» деб аташ керак. Бундан халқлар дўстлигига қарши деган маъно туғилмаслиги зарур. Биз ҳамиша халқлар дўстлигини ардоқлаб келганмиз. Лекин бекатдаги ўн беш республиканинг нишонлари бугунги кунда эскирди. Ўрнига эса турли минтақада яшаган ва халқлар дўстлигини ёниб куйлаган шоираларимизнинг сиймолари туширилса, қандай яхши!

1992 йил Нодира йили деб аталса, шоира туғилган куннинг 200 йиллигини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича белгиланадиган комиссия яна бир қатор тадбирларни беками кўст амалга оширади, деб ўйлайман. Бу халқимизнинг маданий ва бадиий меросига яна бир юксак ишончи ва ғурури бўлур эди.

Мирза КАРИМ

МУҲАРРИРГА мактублар

БИРЛАШИШ УЧУН... АЖРАЛИШ

Боши биринчи бетда

сини қатъиян қўйиш керак. Қолаверса, сизу бизнинг, олдин ўтган ҳамкасбларимиз меҳнати эвазига тикланган замонавий босмахоналарнинг бирини ҳам олиш лозим.

То шу кунгача ёзувчиларимиздан кўпчилигининг ҳар бири битта завод ёки фабрика, колхоз ёки совхоз даромадига тенг даромадни давлатга ишлаб бериб келди. Худди мана шундан келиб чиқиб янги иттифоқнинг олдида турган масалалардан бири ёзувчиларнинг қалам ҳақини оширишдир.

Янги иттифоқимизнинг сайланажак раҳбарлари, қолаверса, ҳаммамиз нималар учун ҳаракат қилмоғимиз керак?

Ҳаммамизга яхши маълумки, жумҳурият президенти фармони билан анча вақт олдин Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва мажруҳлари ўзлари яшаб турган уйларга тўла текин эга бўлдилар ва улар ҳар қандай солиқдан озод этилди. Мен ёзувчиларни Улуғ Ватан истиқлоли жангчилари эканини эътиборга олиб, яшаб турган уйлари уларнинг ихтиёрига тўла ўтказилиши шарт, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масала: вилоятлардаги ёзувчиларнинг аксарияти қишлоқда яшаётгани, шаҳарда яшаётганларнинг ҳам кўпчилиги деҳқон боласи эканлигини ҳисобга олган ҳолда «Ишлайман, деҳқончилик қиламан» дейдиган ҳар ёзувчига ер ажратиб бериш муаммосини ҳал қилиш керак бўлади.

АСОСИЙ МАҚСАДЛАРДАН бири барбод бўлган Шўролар иттифоқи доирасида қолиб кетган эски уюшмамиз қисматидан хулоса чиқариб, янги иттифоқимизни дунё миқёсига олиб чиқиш бўлмоғи шарт. Ён қўшни жумҳуриятлар билан алоқани тиклаган ҳолда, энг биринчи галда қондош ва тилдошларимиз — туркийлар, динимиз ва дилимиз бир ислом давлатлари ёзувчилари билан жиддий алоқага киришишимиз керак.

Мен ижод ҳақида деярли гапирмадим. Аммо айтган гапларимнинг деярли ҳаммаси ижод манфаатидан келиб чиқиб айтилди. Зеро, янги иттифоқдаги ҳар қандай иқтисодий тадбир ёзувчини яхши ва хотиржам шароитда бадиий ижод билан шуғулланишга йўналтирмоғи лозим.

Бизни сиёсатдан четланишда айблашмоқда, — деди у сўзининг охирида. — Аммо ёзувчининг сиёсати унинг ҳаққоний сўзи эмасми?! Ахир халқ дардини оладиган, халқ маънавиятини оширадиган тўғри сўз, орифона шеър, жасур мақола, теран бадианинг ҳар бири юз минглаб одамларнинг ақлини пешлаш учун хизмат қилади-ку!

Кун тартибидаги иккинчи масала — Ўзбекистон республикаси адиблар иттифоқининг тузуги (устави) тўғрисида шоир Сулаймон Раҳмон доклад қилди.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан ажралиб чиқиб, ўзи мустақил ташкилот сифатида фаолият кўрсатиш йўлини тутган янги ижодий уюшмамиз — Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқининг тузуги тўғрисида гапиришдан олдин шуни айтмоқчи эдимки, — деди у, — бизнинг янги иттифоқимиз давлат ва турли сиёсий гуруҳлар таъсиридан холи, эркин ижодкорлар ташкилоти бўлиши, адабиёт теварагидаги устаси фарангларни эмас, чинакам сўз усталарини, халқнинг асл ҳамдардларини, фидойи истеъдодларини бирлаштириши керак. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг: «Сўз — ўқлоғи, адабиёт кетмон бозори эмас», деган ҳикматли ибораси янги иттифоқимиз аъзоларининг имон-эътиқодига айланмоғи шарт.

Янги ташкилотимизни «Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқи» деб атадик, «Иттифоқ» сўзи бировларга оҳори кетган, сийқа бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ўйлаб кўринглар, биз аҳиллик, иноқлик, тотувликни ўз шиоримиз қилиб олаётган эканмиз, бизнинг мақсад ва муддаоларимизни бундан бўлак яна қайси сўз тўла ифода этади? Янги мазмун касб этган сўз сийқаланмайди. Кейин, «адиб» сўзида «адаб», «одоб», «тарбия» каби эзгу тушунчалар мужассам. Дарвоқе, қадим Шарқимизда адабиётнинг чин маъноси адабни, одобни тарғиб қилишдан иборат эмасмиди?

Аъзолик масаласига келсак, кўнгилли ижодий ташкилотмиз. Биламизки, ҳар қандай ижодий уюшма — алоҳида шахслар уюшмасидир. Шундай экан, аъзолик масаласи ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Қайси уюшмада бўлиш-бўлмаслигини шахсан унинг ўзи ўз аризаси билан ҳал этади. Истаган кишилар ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан чиқиб, ЎзРАИ аъзолигига ўтишлари ёки ЎзРАИ аъзолигига ўтган ҳолда ССЖИ Ёзувчилари уюшмаси аъзолигида ҳам қолишлари мумкин.

Шу маънода яна бир масалага ойдинлик киритмоқчиман. Хўш, бу иттифоққа аъзо бўлиш тартиби қандай? Бу ерда ҳам ҳозир мен айтган қоида амал қилади. Яъни, ЎзРАИ аъзолигига ўтиш истагини билдирганлар ёппасига ёки ялпи қабул қилинмайди. Чунки бу қонунга зид. Шунинг учун ҳар бир аъзо шахсан ариза ёзиб, ўзи турган ижодий уюшмадан чиқади ва шахсан ариза ёзиб, янги ижодий иттифоққа киради. ЎзРАИ ўз қабул ҳайъатига эга бўлади ва бу ҳайъат аризаларни кўриб чиқади.

ЎзРАИнинг раиси, унинг икки ўринбосари қурултойда 3 йиллик муддат билан сайланади, улар кетма-кет 2 муддат сайланишлари ҳам мумкин.

Шунингдек, С. Раҳмон Х қурултойдаги ажралиш, унинг сабабчилари ҳақида фикр юритди, иттифоқ тузугидаги бошқа қоидалар, тартиблар, шартларни ҳам изоҳлаб, уларга аниқликлар киритди.

Маърузалар юзасидан музокарани шоир Шавкат Раҳмон бошлаб берди. У Х қурултойда юз берган бўлиниш ҳақида гапириб жумладан бундай деди: «Биз нимадан норози бўлдик? Уюшмани тозалаш, янгилаш тарафдори эдик. Афсуски, унда бу ҳақда гап бўлмади. Тозалашдан мақсад нима эди? Маълумки, 37-йилларда энг ардоқли адибларимиз қатағон қилинган. Уларни эндиликда оқладик. Лекин уларни бадном қилганлар-чи? Улар «фаолияти»га холис баҳо берилдими? Йўқ. Еки адабиётимизда кейинги йилларда юз берган сиёсий ёрлиқликлар ёпиштиришлар-чи? Бугун партия ўз фаолиятини тугатди. Лекин унга сидқидилдан хизмат қилганлар-чи? Улар қилган хатолари учун виждонан тазарру қилдиларми? Йўқ. Хўш, шундай ҳолатда ҳам биз улар билан бир уюшма сафида тураверамизми? Асло. Тозалашдан мақсадимиз шу эди. Бироқ буни Ёзувчилар уюшмаси амалга оширолмади. Бизнинг иттифоқимиз бундай хатоларга йўл қўймайди, деб ўйлаймиз».

Анвар Обиджон музокарада сўз олар экан, ҳар қандай ижодкорлар ташкилоти, биринчи навбатда, ёш қаламкашларга эътиборни кучайтириши зарурлигини таъкидлади, жумҳуриятимиз герби ва байроғидаги рамзлар ҳақида сўз юритди. Шундан кейин баъзи таклифларини ўртага ташлади.

— Адиблар иттифоқи ўз дастурида Ўзбекистон мустақиллигини тўла акс эттириши керак, — деди у. — Чунки у мустақил жумҳуриятнинг мустақил ижодий ташкилоти бўлади. Айни пайтда, республикамиздаги барча тилларда ёзувчи ижодкорларни бағрига олиши мумкин бўлган иттифоқ, энг аввало, ўзбек адабиёти тарихоти билан жиддий шуғулланиши лозим. Шунингдек, туркий адабиётлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳар тарафлама кучайтириш, йилда бир марта ўлкамизда туркий адабиётлар байрамини ташкил қилиш зарур. Бу ишларда янги ижодий ташкилотимиз бош-қош бўлиши керак.

— Қадимдан адиблар, шоирлар аслзода одамлар бўлган. Шунинг учун улар имон-эътиқодли, лафзли, ҳалол бўлишган, — деб бошлади, ўз сўзини Мурод Муҳаммад Дўст. — Оқибатда саройларда амир ва хонларга масалаҳатчилик қилишган. Совет даврида эса коммунистлар ҳаммани йўқсилларга айлантирди. Натижада ижодкорлар ҳам турли «изм»ларнинг оддий хизматкорларига айландилар. Ижод ҳам шу сабабли ўзига яраша. Бу бизнинг катта фожиамиздир. Бизнинг яна бир фожиамиз Туркистоннинг, қолаверса, республиканинг ўзининг ҳам бир неча бўлакларга бўлиниб ташланганидир. Маҳаллийчилик доирасидан кўтарила олмаганимиз сабабли биз ҳалигача миллат бўлиб шакллана олмаганмиз. Фақат бугина эмас, бизнинг ҳозиргача миллий ғоямиз ҳам йўқ.

М. Муҳаммад Дўст бозор сиёсатига ўтиш даври қийинчиликлари, умумий иқтисодий программамиз йўқлиги, маданиятимиз ниҳоятда аянчли аҳволда эканлиги, янги ижодий уюшманинг иқтисодий ривожланиш йўллари, ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар хусусида гапирди.

— Собиқ Ёзувчилар уюшмаси ҳозир қийин аҳволда эканлиги ҳаммага маълум, — музокарани давом эттирди Асқад Мухтор. — Шунинг учун унинг ичидан етакчи бир гуруҳ етишиб чиққани яхши бўлди. Бу гуруҳнинг мақсади ижодкорларни бирлаштиришга, уюшма фаолиятини янгилашга қаратилгани қувонарли. Бироқ янги уюшма собиқ уюшма асосидан етишиб чиққан экан, уни ўгай деб ҳисобламаслиги, ундан ажралиб эмас, унинг асосида бўй кўрсатмоғи керак. Чунки бу янги уюшма аъзолари собиқ уюшма таркибида унинг жамғармасини, мол-мулкини, кутубхонасини, ижод уйларини, боғларини яратишда қатнашган экан, демак, уларга тўла ворис ҳам ҳисобланади. Шу сабабли адиблар иттифоқи ўз ҳаракат дастури, тузугини ана шуларни ҳам ҳисобга олган ҳолда тўлдириши, собиқ уюшма таркибидаги сара ижодкорларни ўзига бирлаштириб етакчилик қилиши керак. Зеро, мен П. Қодиров, О. Ёқубов сингари талантли ижодкорларсиз адабиётимизни бошқарадиган ижодий ташкилотни тасаввур қилолмайман, — деди у.

— Совет империяси Ёзувчилар уюшмаси деб аталган ташкилотлардан ва кўпгина ёзувчилардан совет идеологиясининг карнайчилари ва ноғорачилари сифатида фойдаланиб келди, — деди Мирзо Кенжабек музокарада сўз олиб. — Ниҳоят, Рус давлатининг ва коммунистик диктатурасининг сўнгги таянчи бўлиб келган Ўзбекистон жумҳуриятида ҳам Ёзувчилар ташкилоти маддоҳлик ва дастёрлик вазифасидан воз кеча бошлаган эди. Бироқ ошкоралик замонида ҳам уни бўйсундиришга уринишлар бўлди. Ҳукумат чинакамига озодлик қайғусида бўлса, у билан муроса қилиш айб эмас. Бироқ диктатура кучайган энг мушкул пайтда ҳам Ёзувчилар уюшмаси истибдодга қарши мустаҳкам оппозицияда турди. Бунда уюшма биносида жойлашган «Эрк» демократик партиясининг асосий хизматини тан олмаслик ноинсофликдир.

Ўзбекистон адиблари иттифоқи ижтимоий фаолияти заиф кишиларнинг уюшмасига айланиб қолмаслиги керак. Лекин шундай хавф бор. Бу ҳозирча тузукдан ҳам сезилаётир. Ахир, ёзувчи, мен фақат асар ёзаман, деса олим мен фақат илм қиламан, деса, ўқитувчи синфқа ўқув программасига қул бўлиб, мен фақат дарс ўтаман, деса, пахтакор мен фақат пахта экаман, деса, миллатни зулматдан ким қутқаради?! Ҳар ким фақат ўз касби билан шуғулланадиган замонлар келгунча, биз фаол бўлишга мажбурмиз.

Биз ёзувчиларнинг Х қурултойида қабул қилинган Ватан, миллат тақдирига доир қарор ва даъваларнинг ўз кучида қолишини ва матбуотда эълон этилишини сўрамоғимиз лозим. Ўша қарорларга ҳамоҳанг эканимизни билдириб, мен Таъсис қурултойига ҳам ушбу таклифларимни айтмоқчиман:

1. Ўзбекистон жумҳурияти ҳозирча Иттифоқ таркибида қолади, деган гаплар расман эълон этилган мустақиллик табиатига ёт! Бу мустақилликни демократия йўли билан амалда мустаҳкамламоқ лозим. Ушбу мазмунда мурожаат қабул қилинишини сўрайман.

2. Ёзувчилар қурултойи тарихида қизиқ янгилик юз берди: улуғ олим ва арбоб Боймирза Ҳайит уюшма аъзолигига қабул этилди. Мен, улуғ Фитратнинг содиқ шогирди — адабиётшунослик билан ҳам шуғулланган Вали Қаюмхон каби атоқли аллома ва арбобни ҳам; «Гуллар макони» шеърий китобининг муаллифи, маданий-маориф соҳаларида ўз юртимизда хизмати сингган шоир Булоқбошини; махсус шеърий девон тузган файласуф шоир Комил Абдулла — Тошкинни ҳам Адиблар иттифоқи аъзолигига таклиф этаман. Муҳожир адибларни қадрламоқ ва ижодини юртдошларимизга етказмоқ — бизнинг бурчимиз. Шунингдек, юртимиздаги покдил адибларни ҳам қадрлайлик. «Қатлнома» асари муаллифи, Иброҳимбек тарихини битаётган Набижон Боқий, бадиий публицистикани, суҳбат жанрини янги босқичга кўтарган Қулман Очил, адабиётшуносликка оид китоблар муаллифи, туркистонлик талабалар тўғрисида рисола битган, Чўлпон, Фитрат ва бошқа шаҳидларнинг асарларини эски манбалардан қидириб топиб, нашр эттирган, уларнинг адабий-ижтимоий фаолияти тўғрисида асарлар ёзган Шерали Турдиев ҳам Адиблар иттифоқига қабул қилинсалар.

Истибдод кучайган юртда фалсафа ўлади. Юртимизда ислом фалсафасини тиргизиб, халққа сингдираётган, маърифат ва одоб бобида фаолият кўрсатаётган, «Тафсири ҳилол», «Имон» китоблари билан халқ қалбидан ин олган Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфни ҳам адибларнинг сараси қаторига қўшиб, иттифоқимизга аъзо қилайлик.

3. Модомики, ўз тузугимиз бўйича, биз ССЖИ ёзувчилари аъзоси бўлиб туришимиз мумкин экан, келинглар, Х қурултойнинг 2-босқичига ўз тузугимизни, барча талаб ва таклифларимизни тавсия этайлик. Ҳаммани ҳам бақироқ ноинсофлар қаторига қўшиб бўлмайди. У ерда бизни тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган адиблар жуда кўп!

Мен, ҳар қандай ҳолатда ҳам, мустақиллик ва озодлик йўлида барча ёзувчиларнинг бир қиёфада, бир позицияда бўлиши тарафдориман, — деди нотиқ ва тузукка ўз қўшимча, ўзгартишларини баён этди.

НОМЛАРИ ЗИКР ЭТИЛГАН кишиларни, тузукда белгиланган тартибда аъзоликка қабул этиш раёсатга топширилди.

— Чет элларда ижодий уюшмалар йўқ. Уларда уюшмалар ўрнига маслакдош 40—50 ижодкорни бирлаштирадиган ижодий клублар ишлайди. Шунинг учун ҳам бизнинг минг кишилик уюшмаларимизга нисбатан уларнинг ишлари самаралироқдир. Бизнинг иттифоқимиз ҳам ана шундай фаолият кўрсатиши керак, — деди сўзга чиққан Собит Мадалиев. — Бу ерда собиқ уюшма билан қўшилиш ҳақида гаплар айтилмоқда. Хўш, қўшилсак яна ўша эски қолипда иш юритамизми? Йўқ, бу

қорларга қўшилиб бўлмайди. Эндиликда эски тарздаги уюшмабозликдан қутулиш керак.

— Кўнгил ойнадек гап. у бир сингандан кейин улаб бўлмас экан, — деди музокарада сўз олган Хайриддин Султонов. — Хўп, Асқад ухтор айтмоқчи тузугимизни жиддий кўриб чиқиб, уни гўлдириб, собиқ уюшманинг қурултойига олиб бориб, кўпчилик овоз билан тасдиқдан ҳам ўтказайлик. Шу билан ҳамма иш яхши бўлиб кетадими? Қилинмаган ишлар амалга оширилдими? Гап, умуман, тузукдами? У ҳолда собиқ уюшманинг уставида ҳам ижодкорларга ғамхўрлик борасида кўп амалий қоидалар бор эди. Афсуски, уларнинг бирортаси ҳам амалга ошмади. Шунинг учун бундай зўрма-зўраки келиштирувчилик йўлидан воз кечишимиз лозим.

Қурултойда сўз олган Барот Бойқобилов жумҳурият мустақиллиги, собиқ уюшма мол-мулкига талабгорлик, хориждаги ўзбек ижодкорлари хусусида, Аъзам Ўктам ва Абдували Қутбиддин ёш ижодкорларга эътибор борасида, Санд Аҳмад ва Қозоқбой Йўлдошев иттифоқ тузуги тўғрисида гапирдилар, Машраб Бобоев мустақил давлат қураётган чечен халқига Таъсис қурултойи номидан табриқ мактуби йўллаш ҳақида таклиф киритди. Кўплаб Адиблар иттифоқ дастури юзасидан мулоҳазалар билдирдилар.

Музокаралардан кейин Таъсис қурултойи таҳрир ҳайъати номидан Эркин Аъзамов Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқи тузуги лойиҳаси юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар хусусида ахборот берди. Шундан кейин таклиф ва мулоҳазалар инобатга олиниб тузук қабул қилинди. Ҳаракат дастури маъқулланиб, Ўзбекистон республикаси адиблар иттифоқи ташкил этилганлиги эълон этилди.

Адиблар иттифоқи раҳбариятини сайлаш жараёни қийин кечди. Раисликка ва котибликка номзоди кўрсатилган адибларнинг барчаси ўз номзодларини қайтариб олиб, узр айта бошладилар. Ҳеч кимни кўндириб бўлмади. Танаффус эълон қилинди. Охири қурултой Эркин Воҳидов, Сулаймон Раҳмон, Мирзо Кенжабекнинг узри қабул этилмасин, деган қарорга келди. Шундан сўнг Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқи раиси қилиб (жамоатчилик асосида) Эркин Воҳидов, котиблари этиб Сулаймон Раҳмон ва Мирзо Кенжабек сайландилар.

Ўзбекистон республикаси адиблари иттифоқи раёсати қуйидаги таркибда сайланди: Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов, Ўткир Ҳошимов, Хуршид Даврон, Шароф Бошбек, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Собит Мадалиев, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Шавкат Раҳмон, Тоҳир Малик, Анвар Обиджон, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Ҳалима Аҳмедова, Сулаймон Раҳмон, Мирзо Кенжабек, Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ адиблари иттифоқига кириш истагини билдирган ижодкорларнинг аризаларини қабул қилишни қурултой Носир Фозилов ва Икром Отамуродга топширди.

ЎзРАИнинг ССЖИ ва қардош жумҳуриятлар Ёзувчилар уюшмаларига муносабати масаласи хусусида Собит Мадалиевнинг ахбороти эшитилди. Унда ЎзРАИ ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси таркибидаги ташкилот эмас, у мутлақо мустақил фаолият кўрсатади, дейилади. У барча жумҳуриятлар ва Иттифоқ Ёзувчилар уюшмалари билан теппа-тенг ҳуқуққа эга, улар билан ўз муносабатларини конфедератив асосда ўрнатади. Яъни улар бир-бирларига бўйсунмаган ҳолда, тенглик асосида адабий ҳамкорликлар қилади.

ЎзРАИнинг Таъсис қурултойи қабул қилган қарорни Э. Аъзамов ўқиб берди. Қарорда ЎзРАИ ташкил этилганлиги, мустақил ташкилот бўлганлиги, унинг барча ижодий ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, қарорда ЎзРАИ таъсис қурултойи номидан Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримовга мурожаат, ССЖИ ва қардош жумҳуриятлар Ёзувчилар уюшмаларига мактуб, мустақил давлат қураётган чечен халқига табрик хати йўллаш ҳам белгиланди, янги иттифоқни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасидан моддий ёрдам сўраш кўрсатилди.

Таъсис қурултойини ЎзРАИ раиси Эркин Воҳидов якунлади.

К. МАТЕҚУБОВ



Қурултойнинг қизғин онлари

ЁРУҒ КУНЛАРНИ КУТАЁТГАН АЁЛ

ЕКИ «МИЛЛИОНЕР»НИНГ ХОТИНИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ҳар йили меҳнат отпускаси пайтида Фарғонага кетишда машинамиз Поп туманига яқин йўлдан ўтади. Шу жойдан ўтарканман юрагим бир орзиқиб қўяди. Бу ерда неча йилдан бери турмуш ўртоғини беҳаловат кутаётган аёл яшайди. Бу ситам чеккан аёл Аҳмаджон Одиловнинг хотини. Аёл бўлиш, бинобарин, она бўлиш осон эмас. Буни пешонасига оғир кунлар битилган, болаларини ёлғиз ўстирган оналар яхши биладилар.

Аҳмаджон Одиловнинг хотини шу йиллар мобайнида қандай қийинчиликларни бошидан кечирдийкин? Шуларни ўйлайману ҳаловатим йўқолади. Юрсам ҳам, турсам ҳам, ўнгимда ҳам, тушимда ҳам ўша нотаниш аёл тинчлик бермайди. Ҳаёлларим бора-бора уни бир кўриш истагига айланди. Охири ҳамма ишимни йиғиштириб, машҳур, афсонавий «миллионер»нинг хотинини бир кўриш ва суҳбатлашиш умидида Ғурумсаройга йўл олдим.

Биринчи учрашувдаёқ тасаввурим ва орқаворотдан эшитган гапларим — ҳаммаси уйдирмалигини сездим. Мени шу кунгача хаёл қилганим — ўз вақтида давр-даврон сурган, кейинги йилларда эса эридан қолган молдунёни сарфлаб, ҳеч бир қийинчиликсиз кун кечираётган аёл эмас, аксинча суяги юмушда қотган, танглайи меҳнат билан қўтарилган оддий қишлоқ аёли кутиб олди. Нима мақсадда борганлигимни айтгандан сўнг «бизни ҳам яхши ниятда йўқлаб келадиганлар бор экан, худога шукр» деб узоқ йиғлади. Чиннигул аяга қўшилиб мен ҳам йиғладим. Шуни ҳам айтиб қўяйки, ҳар бир саволим учун олдиндан у кишидан узр сўраб олдим.

— Қай бирини айтай? Гамлар адо бўлмади, мен адо бўлдим, — деди Чиннигул ая. — Қаро кунларим 1984 йилнинг 13 августидан бошланди. Томорқадаги маккажўхорини ўриб турувдим, қўшниларим қий-чув қилиб кириб қолишди: бирлашма боғида овқатланаётганда Одиловни ушлаб олишганмиш. Ҳушим бошимдан учиб, кўчага ялангоёқ югуриб чиқсам, ҳаммаёқда автомат ушлаган солдатлар, мелисалар. Одиловни олиб кетишаяпти. Қани энди етолсам. Дод-вой қилганимча қолавердим. Кейинчалик республика матбуотида «Одиловни қамоққа олиб кетишаётганда бир колхозчи аёл севинчдан кўчага ялангоёқ отилиб чиқди ва йиғлади», деб ёзишди. Ўша бахтиқаро аёл мен эдим.

Кўргилигим кўп экан-да. Поша бораман, Наманганга бораман. Одиловни топиб беринглар, ҳеч бўлмаганда адресини беринглар, деб. Ҳеч ким мени эшитмайди, ҳеч ким мени тушунмайди. Итнинг ҳам бошига тушмасин ўша кунларим. Мелисалар, суд ходимлари юзимга илжайиб қараб, эрингнинг адреси — изолятор дейишади. Қўрқув ва даҳшатдан юрагим ёмон бўлиб танамда титроқ турса «яримта ичиб олсанг, қалтироғинг босилади», деб масхара қилишади. Ноилож изимга қайтаман. Ҳовлимга қўшнилар тугул, қариндошларим ҳам қадам босолмайди. Дарвоза тагида соқчи туради. Ким ҳол-аҳволимни сўраб келгудек бўлса, район партия комитетининг ўша пайтдаги раҳбарлари ҳе йўқ, бе йўқ уни ишдан бўшатади. Район ички ишлар бўлимининг собиқ бошлиғини айтмайсизми? Деярли Одилов билан бирга ётиб, бирга турарди. У қамалганидан сўнг тўнини тескари кийиб олиб, бизга шундай зуғумлар ўтказдики, айтгани тилим айланмайди.

Мелисада ҳеч қачон интизом ва раҳм-шафқат бўлмас экан. Кечасими, кундузими, хоҳлаган пайтда келишиб, ҳовлимизни экскаватор билан ковлашади, ток учун қилинган темир устунларни, уйнинг шифти, девори, полини илма-тешик қилиб ташлашади. Ҳеч нарса топилмагач, «эрингнинг олтинларини яхшиликча топиб бер. Бугун бўлмаса, эртага барибир топиб оламиз», деб менга дўқ уришади, камситишади, ҳақоратлашади. Қўлларига рўзғор буюмларидан нима тушса, тап тортмай олиб кетаверишади. Ишонасизми, йўқми, директорнинг хотини бўлиб на тилла зирак, на тилла узук таққанман. Тинтув пайтида меҳмонга келган қизим Матлубанинг сумкасидаги 300 сўм пулини ҳам олиб кетишибди, пасткашлар. Додимни кимга ҳам айтардим?

— **Фарзандларингиз ҳам таъқиб остига олиндими?**

— Оталарининг қамалишидан олти болам ҳам жабрланди. Катта ўғлим Анваржон Давлат хавфсизлик қўмитасида ишларди, дарҳол бўшатиб юборишди. У ҳозир Тошкент самолётсозлик бирлашмасида муҳандис бўлиб ишлаяпти. Акбаржон отасини дараклаб Тошкентга борганида қўлга олиниб, ўзи ҳам билмаган гуноҳлари учун беш йил ўтириб чиқди. Турсунали ҳам ғалвалар билан бўлиб, олийгоҳдан кетди. Баҳодиржонни зудлик билан армияга жўнатишди. Учинчи синфда ўқийдиган қизим Ўлмасой билан икки йил ёлғиз яшадим. Кечалари «Отам қани?» деганича пинжимга кириб йиғлайди, унга қараб мен ҳам йиғлайман. Худонинг раҳми келмаса, бандаси бир-бирига ачинмас экан.

— **Аҳмаджон ака қай йўсинда ишларди, дам ҳам олармиди?**

— Ўлгудай ишларди. Қачон қараманг, оёғида кирза этик, эгнида қора чопон, дала кезгани кезган. Йиғилишларга борганида ёки суратга олишганида костюм киярди, холос. Кўпинча, Москва ёки Тошкентдан уйга эмас, тайёрадан тўғри далага кетарди. Мен аёл сифатида бундан ранжирдим, албатта. Бир куни «менга қаранг, ишлаганингиз ишлаган, бундоқ мен билан, болаларингиз билан бир пиёла чой ичишга ҳам вақтингиз йўқми?» деб нолиганимда, «Чиннигул, куч-қувват борида ишлаб қўйсам, қариганимда сен қарамасанг, давлат боқар» деб ҳазил аралаш жавоб берган эдилар. Ишонган давлати унинг умрини қамоқхонада ўтказяпти. Шунисига куяман.

Умрида бир марта Ялтага дам олишга борган. Мен ҳам борга эдим. Ўшанда у ердаги хотин-қизларнинг бирмунча яхши шароитини кўриб, худо хоҳласа, мен ҳам хотин-қизларни иложи борича енгил ишларга тайинлайман, уларнинг меҳнатини

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

енгиллаштираман, деб ният қилди. Кейинчалик бирлашмада қатор шўро хўжаликлари тузилиб, хотин-қизларнинг кўпи идора ишларига ўтказилди.

— **Аҳмаджон ака директорлик пайтида ҳаёт қаттиқ меҳнат қилармидингиз ёки... кейинчалик мажбур бўлдингизми?**

— Мен меҳнат билан улғайганман. Одилов қамалмасидан аввал ҳам далада ишлардим, ҳам томорқага қарардим. Ҳовлидан чиққан узум билан гилосни сотиб, пулини рўзғорнинг кам-кўстига яратардим. Бизда ҳеч қачон ортиқча пул бўлмасди. Қайсидир бир йили ер қимирлашидан шикаст кўрганлигимиз учун почтадан ёрдам пули келди. Одилов эса «давлатнинг биздан бошқа ташвиши йўқми?» деб пулни олмасдан қайтариб юборганди. Пенсия ёшига етганимда менга 28 сўм нафақа тайинлашди. Яна айтишдики, агар Одилов кейинги йилларда ишлаган деб справка берса, нафақам 50 сўмга етаркан. (Нафақа олиш учун иш стажим етарли бўлгач, ёшим етгунча томорқадаги экин-тикинлар ва болалар тарбияси билан банд бўлгандим). Шуни Одиловга айтувдим, қолдим балога. Энди бир камим ёлғондан қоғоз тўлдириш қолувдими, уялмайсанми, хотиним бўла туриб, феълимни била туриб, менга шундай гапларни айтгани, деб роса тузлади. Қайтанга қонуний равишда оладиган 28 сўмдан ҳам маҳрум бўлдим. Хуллас, ёшликдан меҳнатга ўрганганим, қолаверса, Одиловнинг ҳатоки оила аъзоларидан ҳам меҳнат қилишни талаб этиши боис мен меҳнатга қатиқ боғланиб қолганман.

Одамлар босмачи, миллионер деб таърифлашган Одиловдан менга битта ҳовли, олти бола ва учта қўй қолганди. Меҳнат қилиб сигир-бузоқни кўпайтирдим. Ҳозир ҳам даладан бошимга қўйиб ўт ташиб келаман. Болаларга оғирлигим тушмасин дейман. Ўлмасойдан бошқа ҳар бирининг қул тортадиган кўмочи, бола-чақаси бор. Ўз кунимни ўзим кўришга ҳаракат қиламан.

— **У кишини қамалганидан сўнг биринчи марта қачон кўрдингиз? Судда ҳам қатнашибсиз, суд жараёни ҳақидаги фикрларингизни билишни истардик.**

— Одилов қамалгандан сўнг, орадан роппа-роса беш ярим йил ўтгач, елиб-югуриб кўришиш учун рухсат-нома олдик. 1990 йилнинг 8 январида дийдор кўришиб, икки соатча гаплашиб ўтирдик. Ёнимизда соқчилар. Оғзимиздан чиқаётган гап-сўзларни, хатти-ҳаракатларимизни киприк қоқмай кузатишади. Одиловнинг соғлиги яхши эмас. Тор хонада офтоб кўрмай ўтиравергандан кейин нима бўларди? Устига-устак таъқиб ва тазйиқда бўлса. «Пешонамда бори шу экан-да», деди афсусланиб. Чидолмасдан овозимнинг борича йиғладим. Қани оҳим аққа етса?!

Судда бир марта қатнашдим, холос. Ҳар сафар боргим келади. Лекин моддий томоним чатоқ. Товон (компенсация) билан қўшиб ҳисоблаганда 145 сўм нафақа оламан. Айтганча, Одилов қамалгандан сўнг ноилож пенсияни тўғрилаганман.

Судда қатнашгандан қатнашмаганим тузук экан. Одиловни ҳўрлашларини, оёқ ости қилишларини кўриб... ҳимоясиз эканлигимиздан эзилиб кетдим. Қонунларимиз ҳам бир тийин экан. Бечорани сўкишади, бақиришади, куч ҳам ишлатишади. Унинг гапига эса қулоқ солишмайди. Операция қилишгандан сўнг кўзи ҳам яхши кўрмай қолган. Азбаройи тўлиб кетганимдан Москванинг Қизил майдонида Одиловни ҳимоя қилишларини сўраб плакат кўтардим. Тўғри-да, ё айбини бўйнига қўйишсин, ёки қамоқдан чиқариб юборишсин. У Ўзбекистон фарзанди, умр бўйи шу ерда меҳнат қилган. Нега энди уни Москвада суд қилишади, етти йилдан бери қийнашади?

Нимасини айтай? Бордан йўқ қилиб у ҳақда китоблар ёзишди, кинолар ишлашди. Бўйдим, ёндим, кўникдим. Озимга етадиган одам бўлмагандан кейин, бундан ортиқ нима ҳам қилай? Оёмон баланд, ер қаттиқ. Ҳаммасини худога солдим.

— **Аҳмаджон ака ҳеч тушингизга кирадими?**

— У ҳақда кўп тушлар кўрардим. Шулардан биттасини эслаб қолганман. Ҳайқириб оқаётган катта дарёнинг ўртасида стул, стулда эса Одилов турганмиш. Оқиб, ҳам кетмасмиш... Эрталаб болаларимга «оталарингиз келиб қолармикан-а, сув ёруғлик-ку» дедим. Қаёқда? Тушим нотўғри экан, шекилли. Ўзим майлию Ўлмасой боламга қараб туриб, ичим узилиб кетади. Ёшлигидан қолармовиқ бўлиб ўсди. Ўртоқлари янги кийим кийганини кўрганда «дадам қамалмаганида менга ҳам олиб берарди», деб ўксийди. Менинг нафақа пулим билан томорқадан келадиган даромад еб-ичишимизга зўрға етади. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди — 11 синфни битириш оқшомига ҳам янги кўйлак олиб беролмадим. Кенжатойим опаси билан янгаларининг эскитускисини кийиб катта бўлди. Ташқи кўринишим одамсифат бўлгани билан ичим тамом бўлган, менинг. Қайнонамни айтмайсизми? Одилов бирлашмага директор бўлаётганида «Болажоним, амал керакмас, менга сен кераксан. Асло катта бўла кўрма. Отангни ҳам аввал раисликка кўтариб, сўнг 1937 йилда отиб ташлаган эди шу ҳукумат. Сенинг бошингга ҳам отангни кунини солишади деб қўрқаман, болагинам», дея ҳудонинг зорини қилган эди. Ўғли қамалгандан икки йил кейин «Аҳмаджон, Мўминжон» деб дунёдан ўтди.

— **Ҳар қалай айби бордир, у кишининг...**

— Беайб парвардигор. Одиловнинг энг катта айби — меҳнаткашлиги, қаттиққўллиги ва ҳаддан ташқари талабчанлиги.

— **Ая, турмуш ўртоғингизни азалдан Одилов деб гапирасизми?**

— Илгарилари «дадаси» дердим. Қамалган пайтларида қидириб борсам «эринг ким? Фамилиясини айт», дейишаверди. Кейинчалик «Одиловни топиб берінглар» деб борадиган бўлдим. Бора-бора Одилов дейишга бутунлай ўрганиб кетдим.

— **Инсон ҳар қандай оғир шароитда ҳам ниманидир орзулаб яшайди. Сизда ҳам шундай лаҳзалар бўладими?**

— Ана Одилов келади, мана Одилов келади, деб етти йилдан бери кўзим кўчада, йўл пойлайман. Энг катта орзуим — Одиловни остонамда эсон-омон кўриш... ва бир марта тўйиб-тўйиб йиғлаш...

**Чиннигул ая яна нималарнидир гапиради. Мен уни тинглагандай бўламану, аслида ортиқ тинглолмайман. Мендаги сабр-тоқат, чидам тугади, тугад

КЕЧАМИЗ—БУГУНГА ЭШ

Ўттиз тўрт йилча муқаддам (1957) устод Аҳмаджон Ёқубов иттифоқо мендан сўраб қолдилар:

— Ғайбулла ука, Санжар Сиддиқни билсангиз керак?..

Менинг бу номни биринчи марта эшитишим эди. Ийманибгина сўрадим:

— Ким бўлган у киши?..

Аҳмаджон ака Санжар Сиддиқни чунон таърифлаб кетдиларки.. Билсам, у киши катта таржимон, мунаққид, театр арбоби, олим киши ўтган эканлар. Маълум бўлишича, бир вақтлар Санжар Сиддиқнинг таржима назарияси ва танқидига оид қандайдир китоби ҳам босилиб чиққан...

Афсуски, ўша эллигинчи йилларда бу табаррук зотнинг на исмини, на унинг китоблари, ишлари, мақолалари, таржималарини сира топиб бўлди. Энг китобсевар одамларнинг жавонида ҳам Санжар аканинг номини учратмадим. Сўраб-суриштирмаган кишим қолмади.

Қарангки, ҳеч бир кутилмаганда омад шундай биқинимдан чиқиб қолди. Ўзимнинг хатирчилик мактабдош дўстим, таниқли таржимашунос олим (ҳозир — марҳум) Юсуфжон Пўлатовда Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» (Ўздавнашр, Тошкент, 1936) деган 72 саҳифали китоби бор экан. Самарқанд дорулфунуни кутубхонасининг яроқсиз топилган ташландиқ китоблар уюми орасидан тасодифан топиб олган экан!

1966 йили чоп этилган «Тил ва таржима» китобимда мен биринчи топқир мазкур асар ҳақида муфассал маълумот берганман.

Ҳозир ҳар учта қаламкашдан биттаси ўзини йигирманчи-ўттизинчи йиллар билимдони, «кашшоф», салкам «қаҳрамон» қилиб кўрсатади. Бундайлар орасида баъзан ўша мудҳиш даврда ноҳақ қувғин этилган зотларни кечагина «халқ душмани» деб, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб гувлаб юрганларни ҳам кўрганингда, «ёпирай!..», деб ёқа ушлайсан одам...

1966 йили биринчи бўлиб китобимнинг («Тил ва таржима») масъул муҳаррири, таниқли таржимон Рустам Абдураҳмонов тихирлик қилиб қолдилар. У киши, агар ишдан Акрам Қодирий, Наби Алимуҳамедов, Аъзам Айюб, Олтой, Сотти Ҳусайн, Усмон Носир, Чўлпон, Элбек ва... Санжар Сиддиқни олиб ташламасам, муҳаррирликни ўзларидан соқит қилишларини айтдилар. Мен ё «халқ душманлари»нинг номларидан ёки масъул муҳарриримдан воз кечишим керак эди.

...Рустам аканинг номидан маҳрум бўлишга тўғри келди.

Аммо инсоф юзасидан айтай. Рустам акадан аввалига ранжиган бўлсам ҳам, кейин гапнинг тагига етдим. Иссиқ жон, ким билсин дейсиз... Одамларнинг айтишича, чор-ночор, у киши ҳам вақтида битта-яримтага «хизмат» қилиб қўйган бўлиши мумкин. Майли, гумон имондан айиради, дейдилар. Одамлар тақдири билан боғлиқ ишда тахмин, фаразия билан иш кўриб бўлмайди. Аксинча, камина у кишидан кейинчалик жуда хурсанд бўлдим. Менга Р. Абдураҳмонов ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмади. Китобимни бадном ҳам қилмади. Ҳамма нарсадан кўз юмиб қўя қолди. Билсам, шу ҳам ўша вақтларда мен учун катта гап экан.

Тўғри, мен узоқ йиллар, ҳатто яқин вақтларгача ҳам ўз «шаккоклигим» учун чўчиб юрдим. Аммо ёшлик — довюраклик: ҳарчанд хатарли бўлса ҳам, ҳақ йўлдан бораётганим менга битмас-туганмас куч бағишлаган эди. Нима бўлгандаям мардумдан нолиб бўлмайди. Энди ўйласам, ўтмиш тарихимизда кечган кўпгина чиркин ишларни одамлар тушуна бошлаган экан.

Не ҳасратда «Тил ва таржима»м босилиб чиқиши олдида... мусибат рўй берди. Менга беҳад кўп яхшиликлар қилган, шулар қаторида энг катта марҳамати — Санжар Сиддиқни танитган мураббий, ёшлигимнинг таянч тоғи Аҳмаджон Ёқубовдан абадий маҳрум бўлдим. Ўн беш йил азиз умрини қип-қизил туҳмат орқасида турма ва сургунларда ўтказган бу инсон ҳаётдан кўз юмди. Китобимни унинг мушфиқ хотирасига бағишладим.

Санжар Сиддиқ... Бу ном қалбимга жуда яқин бўлиб қолди. Унинг хотираси олдида мен катта қарздорман. Мана кўз ўнгимда ярим асрдан зиёд илгари босилиб чиққан «Адабий таржима санъати». Эндиликда бу асарнинг яккаю-ягона фотонусхаси менинг маҳрамим бўлиб қолган. Энди уни ортиқ ушлаб туришга маънавий ҳаққим йўқ. Садоқатли шогирдим Отаёр билан бирга Санжарнинг бутун адабий ва илмий мероси хийла мукаммал бир тарзда қўлимизда жамланди. Бу омонат мулкни халқимизга тўкис ҳолда етказиш учун нашриёт томон йўл олдик...

Дарвоқе, Отаёрнинг мақоласида Санжар Сиддиққа «қўл урганлиги» учун баъзи бировлардан қиттак гинахонликка ўхшаш нарсани сезгандек бўлдим. Буни шоир маъзур тутиши керак, негаки 20—30-йиллар адабиётимиз тарихи бизда оғриқли, мажҳул ва мажруҳ бир давр. Ана шу ғоят оғир, зиддиятли йилларда яшаб ижод этган ҳар бир адибнинг номи ёки унинг хайрли иши ҳақида айтилган ҳар бир луқма, холис гап, куюнчаклик ҳам табаррук. Бунга фақат хурсанд бўлиш керак...

«Адабий таржима санъати» ўзбек совет назарий таржимачилиги манбаидир. Унда муҳим кузатишлар, адабий-танқидий фикрлар борки, булар ярим аср илгари қанчалик долзарб бўлса, ҳозир ҳам оҳори тўкилган эмас. (Буни шу рисолага муқаддима ёзган Аъзам Айюбнинг сўзларидан ва мазкур китобдан келтирилган парчалардан ҳам билиб олса бўлади...)

Ғайбулла САЛОМОВ,
профессор

Санжар СИДДИҚ

АДАБИЙ ТАРЖИМА САНЪАТИ

ТАҲРИРЧИДАН

Ўртоқ Санжар Сиддиқнинг таржима тўғрисидаги бу асари шубҳасиз ҳозир энг зарур китоблардан бири. Айниқса таржимачилик кенгайиши ва унинг баланд сифати учун қаттиқ кураш бошланган бир вақтда таржимонларга иш дастури бўла олардик китобнинг берилиши қутларлиқ ҳол.

Ўртоқ С. Сиддиқ китобни ёзишда яхши йўл тутади: таржиманинг баланд сифати учун курашни конкрет мисолларда, фактларда кўрсатади ва шу асосда таржимонларни янглиш йўлга тушмасликка ўргатади.

Бизда асосан икки хил янглишлик бор: 1) механик усулда таржима; 2) «эркин» таржима. Ўртоқ С. Сиддиқ бу китобда, биринчи янглиш тўғрисида кўп тўхтаб, қарийб асарни шу фактлар устига қурган. Ҳақиқатан ҳам биринчи турдаги янглишлик бизда «оммавий» тус олиб кетган. Шунинг учун бу янглишни битириш хусусида таржимонларимиз жуда кўп ишлашлари лозим. «Эркин» таржима тўғрисида ҳам айрим тўхталган бўлса-да, айтиш керакки, бу хусусда келтирилган мисоллар унчалик кўп эмас. Биринчи янглишувга зарба берилиши иккинчи янглиш йўлнинг кучайишига сабаб бўлмасин. Билимсиз таржимачилар ўз янглишларини оқлаш учун «эркинлик» ниқоби киядиган бўлмасинлар. Шу сабабдан таржима қилувчи ўртоқлар бу икки янглиш йўлни ҳарвақт кўзда тутиб иш кўришлари керак. Китобда келтирилган фактларнинг ўзи ҳам иккинчи йўлнинг хавфи биринчи йўлникидан оз эмаслигини кўрсатишга кифоя қилади.

Тўғри йўл қайси!

Китобнинг бошидан оёғигача чизилиб кўрсатилган тўғри йўл — таржимада адекват йўлдир. Бу тўғрида айниқса услуб деган бўлимда яхши мисоллар билан тушунтириб ўтилган. Адекват таржима — оригиналнинг тўла мазмунини сақлаш билан бирга унинг ифода усулини — услубини ҳам бера билишдир. Услуб эса маъно билан форманинг бирлигида гавдаланади. Умуман таржимадан мақсад — таржима қилинувчи асарни таржима этилган тилга тушунарлик қилиб бериш, маъносини заррача бузмаслик ва авторнинг ифодасини дағаллаштирмаслик, суюқлаштирмаслиқдир.

Бунга қандай эришиб бўлади!

Ўз тил бойлигимизни тўла эгаллаш, ўзбек тилининг қонун ва қоидаларини таржимага тўла татбиқ этиш, таржима тилини «ўзи ёзган асар» тилига айлантириш билан.

Матбуотимизнинг тил бобидаги асосий камчиликларидан бири — оригинал тили билан таржима тили орасидаги фарқдир. Бир ёзувчи, бир мухбир ва бир газетчи ўзича бир масала тўғрисида ёзса, одам тушунарлик гаплар топиб ишлатади, тилимизнинг луғат, таркиб, мақол ва бошқа бойликларидан яхши фойдалана билади. Ёзғани силлиқ ва равон чиқади. Лекин шу одамлар агар ўша масалани таржима қилса, мутлақо дағал ва келишимсиз жумлаларга йўлиқамиз. Унинг ёзғани таржима эканини дарров биламиз. Бош вазифа: орадаги шу фарқни йўқотиш, таржима тилини ҳам асл тилдек силлиқ ва равон қилишдан иборат бўлади. Шундай қилғанда «таржима — таржима учун» деган бузуқ йўлдан қутулиш мумкин. Таржимон шу адекват йўлда ишласа — у ҳақиқий ижодчи, авторга ёрдамчи бўла олади.

Ушбу китоб, ўйлаймизки, шу тилакни янги ва «эски» таржимонларга сингдира олар.

А. АЙЮБ

1936 йил, январь

IV

ЯНГЛИШ

Таржимон қандай ҳолларда хато қилади? Буни аниқлаш учун букунгача тилимизга кўчирилган асарларни текшириб чиқиш керак... Хаталарнинг характери қандай?

Энг илгари билимсизлик. Баъзи таржимачилар русчани яхши билмайдилар, русча билганларнинг бир қисми ўзбекчани билмайди, ёки ҳар иккисини билганда ҳам, таржима қилинаётган асарнинг мундарижасини билмайди, унда баҳс этилган масалалардан хабарсиз бўладн.

Билимсиз таржималарга мисол учун аллақанча нарсалар кўрсатиш мумкин. Чунончи, «мука» сўзини фақат «ун» деб билиб, уни «мука» **(азоб)** бўлиб келганида ҳам «ун» деб таржима қиладилар. Ёки «желёзо» **(темир)** сўзи билан «железа» **(без)** сўзини аралаштириб юборадилар. «Презрение» сўзининг **нафрат, ёмон кўриш, ҳақорат** маъноларида ишлатилишини эшитиб оладилар-да, «призрение» сўзининг **ҳимоя, мадад, ёрдам** эканини билмасдан, орадаги чўзғи ўзгаришидан хабарсиз, ҳар икки маънони аралаштириб кўядилар. «Раздетый» **(кийимсиз, ешинган)** сўзи билан «разодетый» **(кийинган, ясанган)** сўзини фарқ қилмайдилар.

Шундай билимсизликка эътиборсизлик қўшилиб, баъзан жиддий асарларнинг таржимасида «медь» **(мис)** сўзи «мед» **(бол)** бўлиб кетади. «Крестьянин крепко осел» (яъни **деҳқон мустаҳкам ўрнашди)** деган жумла «деҳқон мустаҳкам эшак» бўлиб чиқади (бу мисоллар хаёлдан ўйлаб чиқарилган бўлмай, нашриётларимизнинг амалий иш тажрибаларидан олинган). Ёки «начинать» **(бошлаш)** сўзи билан «начинять» **(ичини тўлдириш)** сўзи бир маънода қўлланади. Бир асарда «парк занесен снегом» **(паркни қор босди)** сўзи «парк қор билан олиниб кетилди» бўлиб чиққан. «Угловатый» **(дағал, қўпол)** деган сўз «бурчакли» деб олинган. Бир таржимон «мещанское благополучие» сўзини «мешчан соғ-саломатлиги» деб таржима қилган (ҳолбуки буни «танпарварлик» деб кўя қолинса бўлар эди). Яна бири «бархатный голос» деганни «духоба овоз» деб олган, бунинг «майин овоз» эканини ўйлаб ўтирмаган. Яна бири «голубые глаза» **(кўк кўз)**ни «каптарий кўзлар» деб таржима қилган. Яна бир мутаржим «краса и гордость» **(кўрк ва савлат)**ни «бўёқ ва фахр» деб олган. Тағин бир билимдони «ученая собака» **(ўргатилган ит)**ни «олим ит» деб таржима қилган ва ҳоказо...

Биз бунда асарнинг мундарижаси билан таниш бўлмай таржимага киришганлар устида тўхталиб ўтирмаймиз, чунки бу нарса ҳаммага маълум. Тўрт амални билмаган бир одам, албатта, ҳисоб-китобини таржима қилолмайди (лекин таржимани осон иш фаҳмлаб бунга киришувчи ва ўз «хизмати»ни тақдим этувчилар кўплигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ).

Иккинчи хил хатолар тилдаги синонимларни билмаслик, тиднинг луғат бойлигидан хабарсизлик, идиомлар, яъни ҳар тилнинг ўзига хос ибораларининг ички мазмунидан бегоналик орқасида содир бўлган янглишлар. Бундай таржимачилар кўпинча сўзма-сўзчиликка берилиб кетиб, таржимани маъносизлантириб қўядилар.

Масалан, «прекрасный» сўзи асосан «гўзал» демак эса-да, жойига қараб **дуруст, мукаммал, яхши** деган маъноларни ҳам беради. Чунончи, **«...бизда мукаммал замбараклар** (прекрасные пушки) **етарлик даражада бор»** деган жумлани «бизнинг гўзал тўпларимиз бор» деб таржима қилиш тўғри бўлмайди.

Рус газетлари ёлғон хабарларни «утка» деб атайди. Таржимачилар буни «ўрдак» деб олсалар, бизда ўша русчадаги маъно англашилмайди. Ёки, масалан, «боец» сўзи **курашчан, аскар, солдат** маъноларида ишлатилади. Шу билан бирга, кушхоналардаги саллоҳларни ҳам русчада «боец» дейилади. Таржиманинг мазмунига қараб бу сўз, албатта, жойида турлича ишлатилиши керак.

Толстойнинг «Воскресение» деган асари бор. Бу ўзбекчага «Тирилиш» деб олинган. («Тирилиш» деб таржима қилинғани ёмон эмас, «Якшанба» деб олинганда нима қилар эдик?) Гарчи бу сўз луғавий жиҳатдан «ўлгандан сўнг тирилиш» **(баъс баъдалмавт)** бўлса-да, Толстой бир кишининг ҳаётга бўлган қарашини ўзгартувчи, илгари эътибор бермагани нарсаларга эътибор бера бошлагани ва илгари билмагани нарсаларни англай бошлаганини ифода қилмоқ учун бу сўзни қўйган. Бинобарин, буни «Тирилиш» эмас «Уйғониш» деб олув мувофиқ тушар эди.

Ўтмиш рус шоирлари ёлғизлиқ ҳаёти, яъни бошқаларға аралашмай яккаланиб юришни «пустынная жизнь» деб атар эдилар. Агарда буни «чўл ҳаёти» деб таржима қилсақ, албатта... истаган мафҳум англашилмайди. Кўп таржимачиларимиз ана шундай сўзма-сўзчиликка берилиб хато қиладилар.

Баъзан газетларда «Фалон мухбирнинг кўрсатишича, фалон воқеа бўлган» ёки «Фалон газетнинг кўрсатишича, бундай бир ҳол бўлган эмиш» каби жумлалар учрайди. Бундаги «кўрсатиш» сўзи русча «указать»нинг таржимасидир. Гарчи бу сўз баъзан кўрсатиш маъносида келса-да, кўпинча ишора қилиш, айтиш маъноларида ишлатилади, буни «показать» билан аралаштириш жуда ғалат бўлади. Шунинг учун ҳам «Фалон мухбирнинг айтишича» ёки «Фалон газетнинг ёзишича» дейилиши тўғри бўлади.

«Доказать» сўзи **исбот этиш** маъносида бўлса-да, «доказывать» шаклида келганда кўпинча **даъво қилиш, иқрор этиш** маъноларида қўлланади. Лекин бир қанча таржимачилар буни ҳар ерда «исбот этиш» деб ола берадилар.

Эски рус ҳаётини тасвир этувчи асарларда баъзан «олифта» кишини «лев» деб атаганлик учрайди. Бунинг маъноси **арслон** бўлса-да, бизда олифталарни «арслон» демайдилар. Лекин чапанилар орасида «хўроз» деган бир таъбир бор. Бинобарин, баъзан «лев»нинг **хўроз** деб таржима қилиниши ҳам мумкин эканини даъво қилсақ бўлади.

«Настоящий» сўзи кўпинча **чинакам** деб таржима қилинади ва бу, албатта, тўғри... Лекин баъзан бу сўз «ушбу», «мана бу» маъноларида ҳам келади. Чунончи, бир ёзувчи ўз асарининг муқаддимасида: «Настоящий труд является результатом двадцатилетнего опыта» деган бўлса, бунинг таржимаси: «Бу асар йигирма йиллик тажриба натижасидир» бўлади. Бунда «труд» сўзи «асар» деб олинган ва тўғри қилинган. Буларни «меҳнат» ва «чинакам» деб олинганда, албатта, хато бўлар эди.

Учинчи хил хатолар қисмига жумла ва таркиблар юзасидан бўлган янглишлар киради. Баъзи таржимачилар жумла тузилиши тартибини асл оригиналдаги каби сақлашга ва ўша тартибда тузишга киришиб, ўзбек тилининг қоидасидан четга чиқиб кетадилар. Бу ҳолда сўзлар олдин-кейин бўлиб, жумла, таркиб ва ифодалар телва-тескари бўлиб кетади, услуб дағаллашади. Бундан ташқари яна, кўп жумлаларнинг айрим, алоҳида мазмунларга молик эканини назарда тутмай, ўзбекчада ҳам ўша жумлаларнинг ўзини ишлатиш ва мазмундан кўз юмиш ҳоллари ҳам кўрилади. Чунончи, «Фауст» асарида Мефистофел бир хотин билан учрашганда, унга урушда юрган эридан хабар бериб: «Эрингиз сизга, узоқ яшашни орзу қилди», дейди. Хотин бу сўздан дарҳол эрининг ўлганини англайди. Бизнинг тилимизда ҳам «фалончи кўз юмди», «дунёдан ўтди» ёки тўғридан-тўғри «ўтди» деганда «фалончи ўлди» деган маъно англашилганидай, русчада ҳам «приказал долго жить» деганда **қулоғи остида қолди** деган маъно англашилади. Таржимачи буни агар айнан таржима қилса, таржимаси тўғри бўлишига қарамай, мазмун ва маъно хато бўлиб чиқади.

Бундай айрим мазмунга молик жумлаларга мисол қилиб «отдать должное» **(изза-тини ўрнига қўймоқ)** сўзини кўрсатмак мумкин. Масалан, бир уйда дастурхондаги овқатларни меҳмонлар яхшилаб еб битирганларини айтмоқ учун «гости воздали должное яствам», дейдилар. Буни агар: «меҳмонлар овқатнинг ҳурматини бажо келтирдилар», деб таржима қилсак, албатта, бизнинг ўқувчиларимиз «овқатни боплаб туширдилар», деган маънони англамай қоладилар.

Баҳор яқинлашди, демак учун «Весна на носу» деб айтиш мумкин, лекин буни «Баҳор бурунинг устида» деб таржима қилсақ, ким нима англайди...

Бир воқеанинг бўлганини аймоқ учун «воқеа юз берди», деймиз. Лекин шу «юз берди»нинг луғавий маъносини ўйлаб кўрмаймиз. Бу сўзни русчага таржима этувчи бир кишини кўз олдингизга келтиринг. Агарда у киши бундаги «юз»ни — «лицо» деб олса, «берди»ни — «отдал» деб таржима қилса, бундан нима чиқади?

Бизнинг бу «юз берди» деганимиз русчада «имело место» бўлади. «Кеча бир воқеа юз берди» дейиш учун «вчера имел место такой-то случай» жумласи қўлланади. Лекин буни «кеча шундай воқеа жой олди» деб таржима қилолмаймиз.

Жумлани сўзма-сўз таржима қилиш натижасида, масалан, «раҳбарликни маъмурлик билан алиштириш ярамайди» каби жумлалар пайдо бўлади, ҳолбуки ўзбекчада бу гап: «Раҳбарлик ўрнига маъмурлик қилиш ярамайди» шаклида ишлатилади.

Тўртинчи хил хатолар қаторига, ўзидан сўз қўшиш ва оригинални тўла эмас деб билиб, уни тўлдиришга тиришишни киритсак бўлади. Таржима адабиётимизда бундай «эркинлик» учун кўп мисоллар кўрсатиш мумкин: Таржимачи мундарижа ва мазмундан қанча хабарсиз бўлса ва таржима қилинаётурган асарни яхши англамаса, унинг таржималарида ўзидан қўшиш шунча кўп бўлади (билмаган сўзларини ташлаб кетувчи таржимонлар тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман)... (59—64-бетлар).

V

ХУЛОСА

Таржима асл асарнинг тўлиқ нусхаси бўлиши керак. Асарнинг мазмуни таржимада тўла берилиши билан бирга унинг тилидаги равонлик, соддалик ва тиниқлик ҳам акс этиши керак. Асл асарни ўқиганда қандай таъсир олинса, унинг таржимасидан ҳам шундай таъсир олиниши лозим. Жаҳон адабиётининг буюк ёзувчиларидаги бадиий куч, улардаги услуб гўзаллиги ва мазмун чуқурлиғи тилимизда тўла ва тўкис берилиши лозим. Бунга, албатта, у асарларни англаб, тушуниб, сезиб, чин кўнгилдан уларга ишониб таржима қилиш орқали эришиб бўлади. Мазмунни, мундарижани, асар ғоясига мувофиқ тарзда тўғри кўчириш билан бирга, у асарнинг адабий гўзаллигини, бадиий приёмларини, услуб нафосатини сақлаш ва сўзма-сўзликка берилмай, грамматика қоидаларининг қуруқ дастурларига қул бўлиб қолмай таржима қила билиш — механик равишда қоидалар ўрганиш билан қўлга кирмайди. Бунинг учун узоқ ўқиш, ўрганиш, текшириш, тинмасдан малака ҳосил қилиш лозим. Таржима косибчилик ҳунари эмас, таржима қора иш ҳам эмас. Таржима бир санъат, бир ижод иши бўлиб, кўп томонлама маълумот ва чуқур илм талаб этади. Адабиётчилик ҳаракатида таржима ўзига лойиқ ўринни олиши ва доимий ўрганиш, бир-бировни танқид қилиш, тажрибаларни ўртоқлашиш юзасидан тузалиб ўсиб бориши керак.

Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда кишидан қандай шартларга риоя қилиш талаб этилса, у тилдан қайтариб таржима этувчидан ҳам ўшани талаб қилишга тўғри келади. Агарда биров «весь мир» сўзини «ер юзи» деб тўғри таржима қилган экан, буни русчага қайтариб таржима қилувчи ҳам «лицо земли» деб олмайтурган бўлиши лозим. Бинобарин, бир таржиманинг тўғрилиғини ўлчашда аслга сўзма-сўз таржима қилиб кўриш қоидасини жуда эҳтиёт билан татбиқ қилиш керак бўлади.

Таржимачи ҳам, таржима танқидчилари ҳам давримизнинг янги кишиларига яраша ҳар томонлама маълумотли ва чин кўнгилдан тиришиб ишловчи бўлсинлар.

Нашрга тайёрловчи:
ОТАЁР

Узбек адабиёти намуналари

ФАНСУРУЛЛОБЕКНИНГ МУҲЙИГА МАНЗУМАЛАРИ

Жумҳуриятимизнинг энг оммавий ва севимли ҳафтаномаси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да ўтмиш мумтоз адабиётимиз ҳамда шўро адабиётининг машҳур вакиллари ҳаёти, ижодий фаолиятига оид муҳим ва қизиқарли материаллар бериб борилаётгани ўқувчиларни беҳад хурсанд қилмоқда.

Синчков, закий адабиётшунос, филология фанлари доктори Шариф Юсуповнинг «Фурқат, шаҳзода Фансурулло ва генерал Жўрабек» мақоласи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил, 17 май) шулар жумласидандир.

Бой фактик материаллар асосида яратилган мазкур тадқиқот улуғ лирик ва маърифатпарвар шоиримиз Фурқат ҳаёти, ижодига оид янгиликлар, машҳур Қўқон хони Худоёрхон, унинг оиласи ва фарзандлари ҳақида янги маълумотлар тақдим этиши жиҳатидан алоҳида илмий, маърифий аҳамиятга моликдир. Айниқса, мақоладаги Худоёрхоннинг қатағонга учраган фозил, шоир ўғли Фансуруллобек шахсияти тўғрисидаги қимматли фикрлар, мазкур шаҳзоданинг Фурқат, Муҳйилар билан яқин муносабатда бўлиб, уларни моддий жиҳатдан қўллаб турганлиги хусусидаги далиллар, Фансурўллобекнинг юксак истеъдодини кўрсатувчи асарининг эълон қилиниши бизда катта қизиқиш уйғотди.

Қўқон адабий муҳитида нашъу намо топган машҳур зуллисонайн шоир, моҳир хаттот, аллома Муҳйи (1835—1911) ижодий меросини ўрганиш жараёнида мазкур ижодкорнинг Фансуруллобек билан яқин муносабатда бўлганини тасдиқловчи иккита қимматли адабий ҳужжатни аниқлашга муваффақ бўлдик.

Қуйида Муҳйи қайдлари билан Фансуруллобекнинг шоирга ёзган иккита манзумаси муштарийлар диққатига ҳавола этилмоқда. Матбуотда илк бор эълон қилинаётган мазкур шеърлар музейимиз жамғармасида 101-рақами остида сақланаётган Муҳйи дастхат баёзидан олинди.

Аҳмаджон МАДАМИНОВ,
Ғ. Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

I

Ушбу қасида жаноби шаҳзода Муҳаммад Фансуруллобеки Хусрав, фарзанди аржуманди Саййид Муҳаммад Худоёрхони марҳумки, мазкур хонзоданинг фазлу камолоти юқори даражада ва табъи назми ҳам зиёда баланд даражадаки, шул вақтдаги даъвои шеър айлаб юргон муддаийи каззобу нобоб шоиртарошлардин юз даража баланд ва шул Фансуруллобекнинг таҳаллуси «Хусрав»дур.

Кўп йиллардан буён шеъргўйликка шавқ ва рағбатлари бор. Чунончи, фақир Муҳйиға ҳамавақт хат ёзиб, айтгон ғазаллар ва қилғон мухаммасларини Тошканддан Хўқанд шаҳриға, яъни манго юбориб турардилар.

Фақирға камоли муҳаббат ва ошнолиғидан ушбу «Муҳйи» дегон қасидани ёзиб, юборгон. Ошноларнинг илтимоси учун бу баёзға ёзилди. Дониш ва фасоҳати шундан маълум бўлади.

МУҲЙИ

Муҳаммад ФАНСУРУЛЛОБЕК

ҚАСИДА

Маоний кишваринниг фатҳиға соҳибқирон Муҳйи,
Ғазал бирла қасоид жисмиға гўёки жон Муҳйи.

Бўлур ҳар лаҳза минг мазмуни рангин табъидин содир,
Магарким гавҳари мазмуни рангинларға кон Муҳйи.

Батарзи маснавий монандаи Фирдавсийи Тусий,
Ғазал бобинда гўё Саъдийи ушбу замон Муҳйи.

Найистони китобатда мисоли Шер Акмалдек,
Ажойиб хушнавису хушкалому хушбаён Муҳйи.

Санинг илмингни таърифини ботафсил ёзмоққа
Найи гўёки килким ўладур қосирзабон, Муҳйи.

Бадасти даҳри кажрав бирла халқи бебасиратдин
Яқоси гул каби садчоқу бағри тўла қон Муҳйи.

Бир аҳли дард бу бедард халқ ичра топа олмай,
Кўнгулға лола янглиғ доғлар қилғон ниҳон Муҳйи.

Жанобинг янглиғ аҳли фазллар ҳар қайдаким бўлса,
Алар ҳам ҳасрату ғам ўқиға сандек нишон, Муҳйи.

Бу ғамдин беғам ўлмоқға узуб кўнгул бу ерлардин,
Керак қилмоғ Мадина гулситонин ошён, Муҳйи.

Агар ул гулистон азмиға бир узре бўлур монеъ,
Керак ночор бўлмоқ дайр сориға равон, Муҳйи.

Нечукким, аҳли ҳикмат, бил, муқаррар ҳукм этибдурлар,
Иложи аҳли дарду ғам шароби арғувон, Муҳйи.

Санинг фазлу камолу донишинг васфин кеча-кундуз
Қилурман, андин ўзга сўз дагул вирди забон, Муҳйи.

Вале мандин на содир бўлғонидин огоҳ эрмассан
Ки, келмиш табъи мавзунингға мў янглиғ гарон, Муҳйи.

Нечукдур гулшани хат тундоби коҳишинг бирла?
Сабабсиз, билмадим ман, бемаҳал қилдинг хазон,
Муҳйи.

Не ўтгон бўлса афв эт, сўнгра от бир тийр жонимга,
Манинг тургон макону манзилим айлаб нишон, Муҳйи.

Карамдин не бўлур бизнинг сориға азми раҳ айлаб,
Келиб, бир хони Хусрав узра бўлсанг меҳмон, Муҳйи.

II

Мазкур Фансуруллохон фақирнинг дарди поға мубтало бўлғонимнинг тўғрисидин хабар эшитиб, кўплар хафа бўлуб, изҳори муҳаббат ва ихлосманлиғ учун қилғон манзума абётлари 1318 санаи ҳижрийда[1] 16 мизонда келгон.

МУҲЙИ

●

Дуои беадад, сўнг сизға арзим шул, аё Муҳйи,
Фазилат осмонида юзи шамсуз-зуҳо, Муҳйи.

Бу дурафтода мухлисни олиб кўнгулға, лутф айлаб,
Ёзибсиз бир хати марғубу турфа дилкушо, Муҳйи.

Келиб тегди муборак соату фархунда вақтида,
Юзумға суртуб, очтим, ўқудим сар то ба по, Муҳйи.

Биҳамдиллаҳ, экансиз сиҳҳату, аммо рутубатдин
Бўлубсиз андаке озори поға мубтало, Муҳйи.

Эрур беҳадду ғоят нам замини мулки Фарғона,
Агарчандики ул Хўқанд хуш обу ҳаво, Муҳйи.

Агарчи бошқа иллат бўлмаса ҳам, ул рутубатдин
Жамни аҳли Фарғона бу дарда мубтало, Муҳйи.

Бўлубсиз ҳам бу дарди по гирифторики, биз мунда
Қилурмиз бениҳоят сидқидил бирла дуо, Муҳйи.

Сизингдек фозилу алломаға доруш-шифосидин
Худованди карим этсун шифо сизга, аё Муҳйи.

Нечукким, сиз каби бир фозили олиймақом асло
Топилмас бул замон ичра, вужуди кимё, Муҳйи.

Илоҳо, то жаҳон борича мустал бўлмасун ҳаргиз
Бу янглиғ дарду иллатларға асло мубтало, Муҳйи.

Бу дарди поға ҳақ бергай ахири сиҳҳати комил,
Чароким, бор эрур ҳар шома субҳи босафо, Муҳйи.

Кўролмас базми аҳли фазл ичра дийдаи гардун
Сизингдек шоиру фозил, адофаҳму расо, Муҳйи.

Агар бир шоҳ тарбият қилур бўлғонда, назм ичра
Топилмас сиз каби хушгўй шоир мутлақо, Муҳйи.

Басидқидил дуо айлангки, тарбият учун сизни
Амирийдек манго давлат насиб этсун худо, Муҳйи.

«Шифо топтим» дебон, мактуб келгунча, кеча-кундуз
Дуо айлаб, қилур Хусрав таважжуҳ доимо, Муҳйи.

[1] Милодий 1900 йил



Санжар Сиддиқ 30-йиллар бошида Бухорода ўтган ишчи-мухбирлар кенгаши қатнашчилари орасида (учинчи қатор, ўнгдан иккинчи). Ўша қаторда (ўнгдан бешинчи) — «Озод Бухоро» газетасининг муҳаррири Аҳмаджон Ёқубов. Охирги қаторда эса (чапдан тўртинчи) Иброҳим Мўминов.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

ЁШЛИКДА ЁҚИЛГАН ЧИРОҚ

«Чироқ» романининг муаллифи Иўлдош Шамшаров хотирасига

Балки қилмасин деб инсу жинс зарар,
Балки қурт-қумурсқа бўлсин деб йироқ,
Бешик тепасига мушфиқ оналар
Ёқиб қўйишади тун бўйи чироқ.
У портлаб турганда мисоли юлдуз,
Ҳатто самовотдан томса-да сиёҳ,
Чақалоқ кўзига кечаю кундуз
Муҳрланаверар илиқ бир зиё.
Дунёда йўллар кўп,
Бири паст-баланд,
Бири иланг-биланг, бири зимистон.
Эмаклаб, қоқилиб ўсгани билан
Бораркан умрининг мурватин бураб,
Ақли тергаёлмай қолганда ҳирсин,
Ёшликда ёқилган чироққа қараб,
Тўғрилаб олар у йўлнинг ўнг-терсин.

АСР ОХИРИ

Зувлаб ўтаётир ракета асри,
Шошар тўқнашувга мингйилликлар ҳам.
Ҳаёт жўнлашмоқда мисоли тасбиҳ,
Одимлай бошлагач онгимиз шахдам.
Жаҳонга таралиб кетар бир онда
Ҳатто том остида рўй берган аҳвол.
Футболчи тўп тепса стадионда,
Фазокор
самодан кўрармиш яққол.
Бугун ҳисобдадир ҳар бир ғуборинг,
Махфиятинг эса — қулфи йўқ жавон.
Қўшнингга ҳаттоки ичдаги боринг
Аёндир,
гўёки «ойнаи жаҳон».
Ўртада бўлмаса онланг сири,
Биров дўст тутинмас сен ила, ҳайҳот!
Одамлар чиройли кийинган сари
Яланғочлашмоқда, хуллас, одамзод.
Синашни истасанг,
Минбарга кўтар,
У бермай ҳеч кимга жанжал галини,
Гўнг сочиб бошидан,
намойиш этар
Инсоннинг товуқдан тарқалганини.
Энсанг ҳеч қотмасин,
Тирик жон ахир,
Ҳатто чувалчанг ҳам яшаши керак.
Аммо
сен қаёққа қочасан охир
Тинкангни қуритса тинимсиз элак?
Иболи не қилур?
Ориятли-чи?
Қутулмас,
бош олиб кетса-да тоққа.
Ахир, яшай олмас расмона киши
Бир умр бармоғин тиқиб қулоққа.

КУНДАЛИК САҲИФАЛАРИДАН

Ваҳима эзғилар одамнинг онгин,
Кўзларинг ачишар самовий кулдан.
Кеча у қитъада ёйилса ёнғин,
Эртага бу қитъа бўлади гулхан.
Шундай варақланар аср дафтари,
Тинч босиб ётолмас тухумини қуш.
Бу ўтган умрми, ўтган ҳафтами,
Билмадим ҳаттоки —
ўнгимми ё туш?!
Уруш йўқ,
Хуруж бор,
Чигалдир матлаб,
Мағрур жарангламас инсоннинг номи.
Муҳаббат боғларин ўтади четлаб
Шоирларнинг ўтли илҳоми.
Қулоқни бураш йўқ,
Синфий кураш йўқ,
Барибир
авждадир араз, зардамиз.
Эшикни тепиш бор,
Рухсат сўраш йўқ,
Гўё кеча-кундуз саҳналардамиз.
Саҳналардан туриб отишамиз тош,
Боболар отгандай бир вақт, тожларга.
Тош эса,
рақибга етмай,
ноилож
Тушар ўртадаги беайб бошларга.
Бор бисоти қўлда,
Қочоқлар йўлда,
Ширин дудоқлардан учади қарғиш.
Ҳаромхўр, йўлакай ундириб ўлжа,
Ҳалолларни қилади тафтиш.
Қузғунлар қабристон титиб бемалол,
Мозий меҳробида қизитса бозор,
Руҳлар чарх уради қалдирғоч мисол,
Ини узра чирқираб бедор.
Бозорки, юрак ҳам, ўпка ҳам кафтда,
Топиб бўлмайдиган бирон нарса йўқ.
Бунда нарх ошса-да ҳафтама-ҳафта,
Одамнинг жонидан арзон нарса йўқ.
Уйлашмас тирикка бўларин пайваст
Ҳурлигу муҳаббат, миллату имон.
Бегуноҳ тўкилган қон-ку муқаддас,
Бехосдан тўкилса қон эмасми қон?
Бировнинг шўридан ширин бўлмас ош,
Тўйиб ҳам қолмади бола-чақамиз.
Хотирни тирнаса қиррадор бу тош,
Келажак кўзига қандоқ боқамиз?
Мен жавоб кутмайман,
Сир эмас, ахир,
Шерга ҳам, қуртга ҳам азиздир ҳаёт.
Эсли халқ парвозни этганда фикр,
Аввал капалакни айлар эҳтиёт.
Келинг, қондирайлик вақтида чанқоқ
Инсоф деб аталган тоза булоқдан.
Мени чўчитолмас очликдан ўлмоқ,
Қўрқаман оламга кулги бўлмоқдан.

Минҳожиддин МИРЗО

ЯРАЛДИМ СЕН УЧУН

Яралдим сен учун, сен учун атай,
Заминни тилкалаб гул бўлиб чиқдим.
Кел, малак, мен сенга ростимни айтай,
Сени деб кимлигим буткул унутдим.

Атиргул онамдур, отамдур осмон,
У замин момомдир, мен ундан қочдим.
Унинг беланчаги қабрдир билсанг,
Сени кўрарман деб мен уни очдим.

Сени кўрарман деб ,қуёшдан сўрдим,
Еллар кўзим ўпиб мужда келтирур.
Уммонга айландим, мен ишққа тўлдим.
Ҳижронлар бас, энди қалбим беркилур.

Қара, ҳув булутлар карвондир билсанг,
Мени асир этмоқ алар муроди.
Билсанг, юрагимни ёндираётган ул,
Шу кўҳна дунёнинг кўҳна фарёди.

Кела қол, кел энди, мен сени кутдим,
Кела қол, кел энди, куним битмасдан.
Сенинг ой юзингни, келгил бир кўрай,
Момом беланчакка солиб кетмасдан...

●

Кўк гумбазин соҳири чорлар,
Фаришталар бир тахт келтирур.
Замин узра қолади зорлар,
Маъво узра бир қиз ўлтирур.

Маъбудалар торини созлар,
Мен ишқимни солгум қўшиққа.
Вафо қасрин очгил эшигин,
Мен ташнаман соҳира ишққа.

Банд айлайди сабо жисмимни,
Ечиб қўй деб елга ёлборгум.
Оёғимда гуллардан кишан,
Париларнинг боғига боргум...

Қашта тикар ёлғиз атиргул,
Тиззасида япроқ кўк шойи.
Капалакка айланар бир ҳур,
Келинингиз шу бўлур, ойи...

●

Рубобимда бир қуш ўлтирур
Торларимга умид-ла боқиб.
Ҳурлар менга шароб ичирур,
Бу дунёни кўзимда ёқиб.

Ўтганларни унутаман зум,
Боғдан қувмас мени ғунчалар.
Руҳим зулфин қоққан қасрнинг
Дарвозаси аста очилар...

Шавкат ҲАСАНОВ

«Жойи осойиш эмас, ҳеч кима
бу кўҳна равоқ»
(Турди)

●

О, қалбим сен етим, мен-да ғамзода,
Кетдик, тўрвангни ол бўйнингга осиб.
Икки дунёни-да кезиб пиёда,
Бир қабр излаймиз сенга муносиб.

Биз ожиз бандалар талпинган билан
Биздан юз ўгиргай ҳаргиз ҳақойиқ.

Исрофил сурига ҳамоҳанг ўлан,
Бир лаҳад излаймиз сен учун лойиқ.

Кетдик, бу заминда кўнгил тўлмайди,
Излаймиз осойиш бирор бир ўрда.

Ахир бу ерларда яшаб бўлмайди,
Ўлиб ҳам бўлмайди, ахир, бу ерда.

●

Ғижирлайсан, мунча каравот,
Нимадан сен нолийсан, жовон?
Қотган нонлар узра токчада
Жазавага тушади сичқон.

Бунда ҳамма нарса ўткинчи,
Бунда ҳамма нарса омонат.
Тунда кезган арвоҳ мисоли
Бу хонада кезар рутубат.
Менга ҳеч ким маслаҳат бермас,
Ҳеч ким менга бермайди дакки.
Қалб уйида танҳоман бу кеч,
Чекиб ётар мени тамаки.

Жанозага келган одамдай,
Не қиларин билмасдан бироқ —
Менга боқиб турган сувратлар,
Одамларнинг бари бадқовоқ.

Менга синиқ жилмаяр, синиқ
Кўнглим каби бу синиқ ойна...
Деразалар ланг очилади,
Ташқарига отилар хона.

●

Дедингки: биз бунда адашиб келдик,
Дединг: бизни алдаб келдилар, ахир.
Лабларингни тишлаб юм-юм
йиғладинг,
Мен йиғлай билмадим — кўзлари
сўқир.

Дедингки: қабристон сукунати бу,
Қумларга қорилган май кўзалари.
Тамбалаб ташланган қарагин, дединг,
Бу дунёнинг дарча — дарвозалари.

Дединг: ҳаётимиз қайғули фасл,
Ажиб титроқ ичра титрарди танинг.
Сўнгигача бош ҳам, тинглаб борамиз,
Дединг: ноласини адашганларнинг.

Лабларингни тишлаб юм-юм
йиғладинг,
Мен йиғлай билмадим — кўзлари
сўқир.

Дедингки: биз бунда адашиб келдик,
Дединг: бизни алдаб кетдилар, ахир.



Фёдор Достоевский фақат таваллуд топган куни муносабати билан эсга олинадиган ёзувчилардан эмас. Бу ёруғ дунёнинг, инсон ички оламининг нақадар бепоёнлигини кўриш, ҳис қилиш орзусидаги киши Достоевский асарларини истаган куни қўлига олсин — ундан нимадир топади. Баъзан дунё кўзга тор туюлади, одамлардан безиб яшришга жой тополмай қоласиз, қалб ва шуурда шайтоний истаклар раҳмоний майллардан устун кела бошлайди — шунда «Бечора кишилар»ни, «Оқ тунлар» ё бўлмаса «Неточка Незванова»ни варақланг, «Хўрланган ва ҳақоратланганлар»ни синчиклаб ўқинг.

Достоевский ҳамма асарлари одамни севишга ўргатади, йўқ, «одамларни севишни ўзимиз ҳам биламиз» деб катта кетманг, бу борада ман-ман деган китобхон улуғ адиб ўгитларини нечоғли чуқур ўрганса, ўзининг қалбидаги муҳаббат гўшаси нақадар тор эканлигига иқрор бўлади, шу асарларни ўқиганига қадар ўзини билағон санаб юрганлигидан ҳижолат чекади.

Ўзларини катта истеъдод эгаси ҳисоблаган адиблар ҳам вақти-вақти билан Достоевский асарларини мутолаа қилсалар, «Жиноят ва жазо», «Телба», «Иблислар», «Ака-ука Карамазовлар» билан юзма-юз яшасалар, ўз болалиги, ёшлиги хотираларини китоб қилиш истагидагилар «Ўсмир» мактабида бир таҳсил олсалар...

Мазкур романларни ўқиб туриб ўзингизни ёзувчи ҳисоблаб юрганингиздан уялиб кетасиз, машқларингиз мукаммалликдан кўра ҳаваскорлик даражасига яқин эканини тан оласиз. Мабодо, ўзингизда дунё ва инсон руҳий олами, фалсафаси борасида донишмандлик сиёқини сеза бошласангиз, билимларингизни «Хилватдан мактублар»даги мулоҳазалар тегирмонига солиб кўринг...

Мана, юз йилдан ошдики, дунё халқлари уларни ўрганиб, тадқиқ этиб адоғига етолмаяпти. Адоғига етиб бўлмагани сайин Достоевский даҳоси неча-неча авлод китобхонлар, ёзувчилар, олимлар ҳайратига сазовор бўлмоқда.

Фёдор Михайлович инсонсеварлигининг ўзига хос такрорланмас улуғворлиги шундаки, адибнинг қўл етмас, ақл бовар қилмас салоҳияти ҳеч кимни мот қилиб, эзиб қўймайди, балки ҳар қандай табақадаги китобхонни, ҳар қандай тоифадаги ёзувчини фикрлашга, ўй суришга, баён этилган адоқсиз мулоҳазаларни давом эттиришга ундайди.

Адиб асарларида учрайдиган ҳикматлар, эҳтимол, ғалати таассурот қолдирар, лекин улар шу ғалатилиги билан кишини бефарқ қўймайди, аксинча ўқувчини роман, повесть ва ҳикояларининг ўзини ўқишга — мароқли мутолаага ундайди.

«БЕЧОРА КИШИЛАР»дан:

Тақдирдан қочиб қутулолмайсан.

Сиз ҳамма нарсани юрагингизга ҳаддан ташқари яқин олаверар экансиз: шу боис сиз доимо энг бахти қаро одам бўлиб қолаверасиз.

Эрталаб кета туриб назарингиз ажойиб чеҳраларга тушса кун бўйи ўзингизни бахтиёр ҳис қилиб юрасиз.

Келажагимга назар ташлашга юрагим бетламайди.

«ОҚ ТУНЛАР»дан:

Қалбим гапириб турар экан, ўзим сира жим туролмайман.

Мен хаёлпарастман; мен ҳақиқий ҳаётда жуда-жуда оз яшайман.

Янги туш — янги бахт!

Зерикиш нақадар фантазияга бой!

Биз бахтсизлик онларимизда ўзгаларнинг бахтсизликларини кучлироқ ҳис қиламиз; ҳиссиёт парчаланмайди, балки жамланади.

Матрёна жуда кўнгилчан, унинг битта қусури бор, холос: хаёл суришни билмайди.

«НЕТОЧКА НЕЗВАНОВА»дан:

Унинг телбалиги ҳақиқатга нисбатан кучлироқ.

Шу қадар ожиз, хаста, шу қадар хаёлчан, ҳуркович қизчани тун бўйи зимистон хонага қамаб жазолаш! Бу ваҳшийлик, бориб турган жоҳиллик! Бу — уни ўлдириш билан тенг!

«АМАКИНИНГ ТУШИ»дан:

Қандай мақсад кўзланган бўлишидан қатъи назар, онажон, алдоқчилик ҳар қандай вақтда ҳам алдоқчилик ҳисобланади.

Инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қилинган алдовгина узрлидир.

У фақат маънавий жиҳатдангина ҳаққага ўхшайди. Жисман эса кўпроқ қарғанинг ўзгинаси.

Князга ҳақиқий хотин бўлолмайсан. Бу никоҳ эмас ахир. Бу — шунчаки хонаки битим, холос!

«СТЕПАНЧИКОВО ҚИШЛОҒИ ВА УНИНГ ФУҚАРОЛАРИ»дан:

Пул бамисоли кабутарга ўхшайди: учиб келади — учиб кетади.

Бахтсизликни тотиб кўрган одам билан икки карра эҳтиётроқ муомала қилмоқ керак.

Аҳмоқроқ бўлсанг, дунёда маза қилиб яшайсан.

Ўйлаганинг нима бўлса — кўрган тушинг ҳам шу.

Қўлни кишанлашлари мумкин, тил кишанланмайди.

Ночор одам шубҳали туюлади.

Дунёнинг устидан ғалаба қозонмоқчи бўлсанг — аввало, ўз устингдан ғалабага эриш.



Тасаввур қилгин, ҳатто дарахтлар ҳам ўзи ҳақида нимадир тушунади, ҳис қилади ва ҳаётдан баҳра олади.

Ҳар қандай одамда унинг ташқи қиёфасида кўзга ташланганидан кўра кўпроқ шафқат бўлади.

«ҲИЛВАТДАН МАКТУБЛАР»дан:

У тентак, бу ҳақда сиз билан баҳслашиб ўтирмайман, эҳтимол, рисоладаги одам тентакнамо бўлмоғи афзалроқдир, қаёқдан биласиз?

Одам янгилик яратишга ва йўл очишга мубтало бўлиши мумкин. Бироқ унинг бу қадар хонумони куюб севиши вайронагарчиликка, тўс-тўполонга олиб келмайдими?

Икки карра икки — тўрт дегани ҳаёт эмас, жаноблари, бу — ўлимнинг бошланиши.

Икки карра икки — тўрт, дегани менингча, сурбетликдан бошқа нарса эмас.

Одам ўзининг кўргуликларини ҳисоблашни ёқтиради, бахтини эса санаб ўтирмайди.

Аввалбош одам яшашни ўрганиб олмоғи, кейингина ўзгаларни айбламоғи керак.

Бизнинг даврдаги ҳар қандай тартибли одам қўрқоқ ва қул бўлмоғи керак, аслида ҳам шундай. Бу — унинг оддий нормал ҳолати.

Мен амалда муттасил қўрқоқлик қилсам-да, қалбан ҳеч қачон қўрқоқ бўлган эмасман.

Тавқи лаънатга учраган худобехабар оилаларда меҳр-муҳаббат бўлмайди... Муҳаббатдан бенасиб жойда фаҳм-фаросат ҳам йўқ.

Муҳаббат — худонинг синоати, шу боис унга дахлдор нимаики юз бермасин, бегона кўздан асрамоқ керак.

«УЛИК УИДАН МАКТУБЛАР»дан:

Инсон ҳар нарсага кўникувчан мавжудот.

Ҳеч нарсадан ҳайратланмаслик энг улуғ фазилат.

Улар назокат билан, нафосатларга тўлиб-тошиб сўкишар эдилар.

Жиноят ҳақида тайёр нуқтаи назарлардан келиб чиқиб ҳукм чиқариш мумкин эмас, жиноят фалсафаси одамлар ўйлаганидан мураккаброқ.

Пул — зарб қилинган озодлик.

Аристонлар меҳнат билан овунмаганларида борми, бир-бирларини шиша идишга қамалган ўргимчаклардек еб битирар эдилар.

Адоқсиз севиш адоқсиз худбинлик ҳамдир.

Бу шўрликларни камдан-кам ўз ҳолларига қўйишар, жилла қурса бирон соат одамларга хос ўйин-кулги қилиш, эҳтиёт бўлмай яшаш имконини беришарди — шундай дамларда одамлар лоақал бир неча лаҳза мобайнида маъно ўзгариб улгурар эдилар.

Ўзига маъқул келмаган муҳитда яшашдан кўра аянчлироқ нарса йўқ.

Мен унинг гуноҳларидан ўтганим сайин шу қадар роҳатланардимки!..

«ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО»дан:

Камбағаллик айб эмас, аммо-лекин қашшоқлик айб.

Бизнинг даврга келиб раҳм-шафқат кўрсатиш илмий нуқтаи назардан ман этилган.

Аблаҳ, разил одамгина ҳар нарсага кўникиб кетаверади.

Тадбиркор кишилар тортинчоқ бўлмайдилар.

Алдоқчиликни ўлгудай ёқтираман. Алдамчилик барча жонзотларга нисбатан олганда одамнинг бирдан-бир имтиёзидир. Алдасанг — ҳақиқатга етасан. Алдаяпманми, демак, одамман.

Жиноят ижтимоий қурилманинг ноқобиллигига билдирилган исёндир.

«ТЕЛБА»дан:

Ҳукм этиб қатл этиш босқинчилик қилиб ўлдиришдан кўра бениҳоя даҳшатлироқ.

Катталар болаларни, оталар ва оналар ўз фарзандларини тушунмасликларига доим ҳайрон қоламан. Болалар гўдак, улар ҳали ҳеч нарсани тушунмайдилар деган баҳонада улардан ҳеч нарсани яширмаслик керак. Энг мушкул масалаларда ҳам болалар ниҳоятда одил маслаҳат беришлари мумкинлигини катталар билмайдилар. Болалар орқали қалб шифо топади.

Гўзалликни муҳокама қилиш қийин. Гўзаллик — топишмоқ.

Ақли ўткир бўлмаганларгина тўғрисўз бўладилар.

Диний тушунчанинг моҳияти ҳеч қандай мулоҳазага, ҳеч қандай амал ва жиноятга ва ҳеч қандай атеизмга тўғри келмайди, бу мутлақо бошқа нарса, у абадий бошқа нарсалигича қолади.

Ошкоралик ҳар бир одамнинг қонуний ҳуқуқидир.

Иўлдан оздирилган қизни шармандаи шармисор қилган жамият жоҳил ва ғайриинсоний деган номга лойиқ.

Қизариб кетишингиз қалб гўзаллигидан дарак беради.

Қўрқиб қочишга тушадиганлар қўрқоқ; қўрққанига қарамай қочмайдиганлар қўрқоқ эмас.

Она юрт тупроғидан воз кечган одам ўз худосидан ҳам воз кечган ҳисобланади.

«ИБЛИСЛАР»дан:

Халқини танимаган одам худони танимайди.

Русиянинг барча истеъдодли ва илғор кишилари ҳаммавақт қартбоз ва ароқхўр бўлганлар, ҳозир ҳам шундайлар, кейин ҳам шундайлигича қолаверадилар.

Қанчадан-қанча одамлар аҳмоқона фикр юритиш касрига қолиб ўлиб кетаяптилар.

Яшаш ё ўлишнинг фарқи қолмаган тақдирдагина ҳақиқий озодликка эришилади.

«ҚИМОРБОЗ»дан:

Эллик беш ёшда бу қадар эҳтирос билан севиб қолиш турган-битгани бахтсизлик келтиради.

Инсон табиатан зулмкордир ва у зулм ўтказишни ёқтиради.

«ХЎРЛАНГАН ВА ҲАҚОРАТЛАНГАНЛАР»дан:

Энг тубан одам ҳам — одам.

Майли, улар бизни оғзиларига сиққанича койийверсинлар, биз эса уларга бўлган муҳаббатимизни сақлаб тураверамиз; кўрасиз, улар бунга дош беролмайдилар.

Кечиримли бўлмаганларни худо кечирмайди.

Ота қарғаганни худо қарғайди.

Аёллар баъзан ҳеч қандай важ-сабабсиз ўзларини бахтсиз, таҳқирланган ҳис қилгилари келиб қолади.

Сенинг ҳурматингни жойига қўйишларини истасанг, аввалбош ўзингни ўзинг ҳурмат қилиб ол; шундагина ўзгаларда ўзингга нисбатан ҳурмат уйғота оласан.

Мен пасткаш, тубан одамман, мени ўзимдан асрагин.

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

МУТОЛАА

О, дўстим, никоҳ ҳар қандай мағрур қалбнинг, ҳар қандай мустақилликнинг маънавий ўлимидир.

Ўрислар атеизми ҳеч қачон сўз ўйинидан нарига ўтолмаган.

Биз ўрислар амриқоликлар олдида гўдак болачаларимиз, холос ва уларнинг даражасига етишмоқ учун биз Амриқода туғилган бўлмоғимиз ёхуд жилла қурса улар билан бирга узоқ яшамоғимиз керак.

Ўзинг сермулоҳаза одам бўлсанг, зерикканингга ҳайронман. Одамларнинг зерикишини сира тушунолмайман.

Рост нарсани ҳақиқатбоп қилиш учун унга ёлғон қўшиш шарт. Одамлар доим шундай қиладилар. Чамамда, бу ўринда бизнинг ақлимиз етмайдиган нимадир бор.

Биласанми, одамга бахтдан ташқари, ўша бахт миқдорига тенгма-тенг бахтсизлик ҳам зарур.

Сукут сақлаш — катта истеъдод.

Алдайвераман, алдайвераман, ким билсин, балки туйқус доно гап айтиб юборарман.

Одам ўзининг бахтли эканини билмагани учун ҳам бахтсиздир.

Ҳамма одамлар яхши деган гапни уқдира олган одам дунёнинг адоғига етади.

Атеист одам ўрис бўла олмайди, атеист бўлган одам ўша сониядан эътиборан ўрис ҳисобланмайди, шуни ёдингизда тутинг.

Худони умумлаштиришга киришиш халқларни йўқотишга киришиш аломатидир.

Кўплаб халқларнинг эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тушунчалари умумлашиб кета бошлаганида, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тафовут йўқола борганида халқлар емирилишга юз тутади.

Ақл-идрок ҳеч қачон эзгулик билан ёвузликни аниқлаб беришга, лоақал унисини бунисидан тахминан фарқлаб беришга ҳам қодир бўлмаган; аксинча доимо ҳар икки тушунчани шармандаларча бўтқага айлантирган; илм-фан эса муштлашувни бошлаб берган. Бу борада чала фан жуда қовун туширган. Чала фан инсоният учун ўлатдан, очлик ва урушдан-да ҳафлироқ кушанда.

Инсон умрининг иккинчи ярми умрнинг биринчи ярмида жамланган одатлар йиғиндисидан иборат.

Афсуски, Шимолий Амриқо Штатларидаги фикр парвозига қиёслаганда биз олчоқ одамлармиз; Русия табиатнинг ўйинчоғи, ақл-идрокнинг эмас.

Юрак, кўнгил ўз йўлига, лекин тентаклик ҳам эви билан-да. Ичинг гапга тўлиб кетган бўлсаям оғир бўл: ҳозир доно одамлар вайсайвермай сукут сақлаб туришибди.

У омманинг ҳақиқий тушунча даражасига етмаган думбул қарашларини кўрарга кўзи йўқ эди.

Энг улкан истеъдод эгалари ўтакетган манфур бўлишлари ҳам мумкин, бу икки жиҳат бир-бирига ҳалал бермайди.

Олдиндан айтиб қўяй: мен даҳолар олдида таъзим қиламан; бироқ жаноби даҳоларимиз не сабаблардан ўзларининг шонли умрларининг охирига келиб гўдак болакайлардек иш тутишмоқда?

Мен жар солиб айтаманки , Шекспир ва Рафаэл — деққонларни озод қилишдан, халқлардан, социализмдан кўра афзалроқ, ёш авлоддан-да юксакроқ, кимёдан юксак, қарийб бутун инсониятдан кўра афзалроқ, зеро, улар бутун инсониятнинг меваси, ҳақиқий етук меваси!

Биласизми, инсоният янгилзлар бўлмаса ҳам, Олмония бўлмаса ҳам, хусусан ўрис халқисиз ҳам, илм-фансиз, нонсиз ҳам яшайверади, илло гўзалликсиз яшаши мумкин эмас, гўзалликсиз бу ёруғ дунёнинг қизиғи қолмайди.

Айтишларича, ўлимга маҳкум этилганлар ҳатто қатл арафасида ҳам қотиб ухлар эканлар.

Халқ ўта тақводор, буни инкор этмайман, лекин одамлар Инжилни билмайдилар.

Абадий муҳаббатга лойиқ бирдан-бир зот худодир.

«АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР»дан:

Одамлар бахтли яшамоқ учун яратилганлар, бинобарин, кимда-ким ўзини бахтиёр санар экан «Худонинг айтганларини бажо келтирдим!» демоқликка ҳақлидир.

Ҳар соат, ҳар дақиқада ўзингизнинг ичингиздаги ёлғонга назар ташлаб туринг.

Қўрқув ҳар хил ёлғонларнинг оқибати.

Худосиз социалистдан кўра диндор социалист даҳшатлироқ.

Ақл-идрок учун шармандали ҳисобланган нарсалар қалб учун турган-битгани гўзалроқдек туюлади.

Гўзаллик нафақат даҳшатли, айни чоқда сирли нарса ҳамдир. Бу ерда худо шайтон билан олишади, олишув майдони эса одамларнинг қалби.

Дунёнинг барча билимлари боланинг кўз ёшчаларига арзимайди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД ўзбекчалаштирди.

ИСТИҚЛОЛ УЧУН БИРЛАШАЙЛИК

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

1. ЎТМИШ САБОҚЛАРИ

СЕНТЯБРЬ ОЙИНИНГ биринчи куни мустақиллигимиз рамзи сифатида бундан буён умумхалқ байрами, деб белгиланди. Бу улуғ воқеа билан қувонмай бўладими? Ахир ўзингиз ўйланг: бир асрдан ортиқ давр ичида мустамлакачилик ва миллий зулм, қирғин-барот ва йўқчилик, таъқиб исканжасида ҳаёт кечириб келаётган халқ учун мустақиллик ва озодликка эришишдан ортиқ бахт борми? Эндигина кишиларда келажакка ишонч ва умид ҳосил бўлди. Чунки мустақилликсиз амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳатлар вақти келиб тутдек тўкилиши — мустамлакачилик ва миллий зулм янада ашаддийроқ ҳолда давом этиши муқаррар эди.

Бироқ ҳозирги мураккаб шароитда узоқ вақтлардан буён халқимиз бойлигини ўзлаштиришни қон-қонига сингдириб келган қизил империя қаршилигини синдириш осонликча кечмайди. Бунинг устига орамиздаги ҳамон «қулчилик даврини» қумсовчилар ёки узоқни кўролмай пала-партиш иш юритувчи айрим гуруҳларнинг хатти-ҳаракати марказга қўл келиб, вазиятни баттар оғирлаштирмоқда.

Яқинда «Известия» рўзномасида эълон қилинган мақолада Ўзбекистон сафдан узилиб қолган вагонга ўхшатилган. Бу билан мақола муаллифи гўё вагон паравозидан, аниқроғи марказдан ажралиб қолди, энди қимирлай ва яккаланган ҳолда тураверади, демоқчи бўлади. Йўқ, асло бундай бўлмайди. Чунки бойликларимизни узлуксиз талаб келаётган етти ёт бегона паравоздан ажраліб қонимиз, танимиз ва тақдиримиз бир бўлмиш ўз паравозимиз, ўз сарбонимизга уландик. Бу сарбон Ўзбекистон аҳлини мустақиллик ва эркинлик йўлидан бошлаб боради ҳамда жумҳуриятимизни қуршаб турган темир қафасни ёриб бизни жаҳон майдонига олиб чиқади. Вақти келиб Ўзбекистонда хорижий мамлакатларнинг элчихоналари очилади, ватанимиз вакиллари эса чет эл давлатларида фаолият кўрсатадилар. Қардош жумҳуриятлар билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз юксалиб бораверади. Хуллас, Ўзбекистоннинг келажакда жаҳоннинг гуллаб-яшнаган мамлакатларидан бирига айланишига шубҳа йўқ. Чунки халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида буюк олимлар, шоир ва адиблар, санъаткорлар ва давлат арбобларини етиштириб умумбашарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. У ўзида зўр истеъдод, меҳнатга муҳаббат, ўз ватанига содиқлик ва юксак одоб-ахлоқни мужассамлаштирган халқдир. Шунингдек, юртимизда софлиги юксак даражада бўлган олтин, кумуш, газ, пахта, ипак, қоракўл ва бошқа ҳилма-хил бойликлар мавжуд. Қулай жуғрофий ўрнимиз, ажойиб иқлим шароитимиз ҳам биз учун бениҳоя катта имкониятдир.

Табиий савол туғилади: хўш, нима учун шундай моддий ва маънавий бойликлар эгаси бўла туриб, халқимиз ўз мустақиллиги ва эркини йўқотиб, чет эл босқинчиларининг ҳукмронлиги остида яшади? Бундай даҳшатли аҳволга тушишга, энг аввало, ҳукмрон доираларнинг ўзаро фитна-фасодлари, жанжаллари ва урушлари сабаб бўлган эди. Шунинг заминида ватанга сотқинлик ва хоинлик қилувчи гуруҳлар шаклланган. Бундай ҳолатни бошқа мамлакатлар мисолида ҳам учратиш мумкин. Бироқ, улар бизда бирмунча қизғин тус олган. «Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади», деганларидек тарих саҳифаларига назар ташласангиз, ўзаро келишмовчиликлар ва низолар «миллий нуқсонимиз» эмасмикин, деган фикр туғилади. Агар минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган ва вайроналикни юзага келтирган ўзаро келишмовчиликлар ҳамда қонли урушларга сарфланган моддий ва маънавий кучларни чет эл босқинчиларига қарши курашга сарфлаганимизда эди, ҳозирда Ўзбекистон камида 100—150 миллионлик аҳолиси бўлган қудратли давлат сифатида турган бўларди.

Наҳотки, бир гуруҳ хоинлар ватан тақдирини ҳал қилган бўлса деган ўринли савол туғилади. Бунга жавоб шуки, бир оғиз ва кўзга ўнчалик илғамайдиган чаён ўзидан бир неча минг маротаба катта ва беқиёс кучли одамни чақса ўлдиради. Ёки бир ари ноғик томирга нишини урса одамни ҳалок қилиши ҳеч гап эмас .Шунга ўхшаш битта-иккита ёки бир гуруҳ ватан хоинлари «заҳарли нишлари» билан қудратли давлатни йиқита олади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Масалан, XII аср охири ва XIII аср бошларида буюк хоразмшоҳлар давлати ҳукм сурган. Унинг шимоли-ғарбий ва ғарбий чегараси Орол денгизи ва Каспий денгизи бўйлари билан ўтиб, Жанубий ғарбда Ироққа қадар борар эди. Жанубий-шарқий чегараси Ғазна вилоятидан, шимолий-шарқий чегараси эса Еттисув ва ҳозирги Қозоғистон чўлларидан ўтар эди. Хоразм шоҳи бўлмиш Муҳаммад саройида 27 ҳукмдор ёки уларнинг вакиллари итоат камарини белларига боғлаб, олтин ноғора чалар, бу буюк давлатнинг шоҳи Муҳаммад Искандари Сони (яъни машҳур македониялик Александрга нисбатан) деб аталарди. Буюк хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Урганч дунёдаги энг йирик ва тараққий этган шаҳарлардан бири ҳисобланган.

Шундай оламга донғи кетган хоразмшоҳлар давлати тақдирини бир гуруҳ хоинлар ҳал қилиб, уни харобага айлантирган. Чунончи, йирик хоразмлик савдогар ва ўта мансабпараст Маҳмуд Ялавоч Чингизхонга сотилиб, унга хоразмшоҳлар давлатининг ички сирлари, заиф томонлари ҳамда йўллари ҳақида маълумотлар бериб турган. Чингизхон Маҳмуд Ялавоч ва бошқа сотқин кишиларга таянган ҳолда Ўрта Осиёни босиб олиб, юз йиллар мобайнида қўлга киритилган иқтисодий ва маданий меросни остин-устин қилиб ташлади. Бутун ўлка вайрон қилинди ва таланди. Бу ҳақда ўша даврнинг кишиларидан бири шундай ёзган эди. «Агар кимки тангри таоло одамни ато қилганидан бошлаб то ҳозиргача жаҳонда бу тариқа ҳодиса рўй бермаган, деса уни гапи ҳақдир. Чиндан ҳам, солномаларда баён қилинган воқеаларнинг энг даҳшатлиси Навуҳудоносорнинг исроилликларни қириб юборгани ва Қуддуси Шарифни вайрон қилинганидир. Бу лаънати мўғул лашкарлари ер билан яксон қилган мамлакатларга қиёс қилганда Қуддуси Шариф ҳеч нарса бўлмай қолади, бу мамлакатларда мўғуллар қириб ташлаган одамларнинг сони ўлдирилган исроилликларнинг сонидан кўп марта ортиқдир. Улар ҳар қайси шаҳарда ҳамма исроилликлардан ҳам кўпроқ кишини қириб юбордилар. Одамзод охиратгача Яъжуж ва Маъжуждан бўлак бундай даҳшатли воқеани асло кўрмаса керак. Булар (мўғуллар) ҳеч кимга раҳм қилмадилар, хотинларни, эркакларни, гўдак болаларни ўлдирдилар, ҳомиладор хотинларнинг қоринларини чавоқлаб, она қорнидаги болаларни нобуд қилдилар». Ўзбек шаҳарлари ер билан яксон қилинди. Урганч шаҳри Амударё сувига ботирилди. Бу даҳшатли фожиа Маҳмуд Ялавоч бошлиқ бир гуруҳ сотқинлар фаолиятининг маҳсули эди. Чингизхон ва унинг ворислари Маҳмуд Ялавочни ўзларининг Ўрта Осиёдаги бош вакили қилиб қўйди. Сўнгра уни Пекин генерал-губернатори қилиб тайинлашди. Ўрта Осиёда Маҳмуд Яловоч ўрнига ўғли Масъудбек тайинланди. Бу ота-бола 70 йилдан ортиқ мўғул босқинчиларининг нойиби сифатида Ўрта Осиёни бошқариб турдилар. Улар ҳар йили кўп бойликларни Чингизхон хонадонига юбориб турдилар.

АМИР ТЕМУР ШУНДАЙ бир қудратли давлат барпо этгандики, келажакда унинг тор-мор этилиши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди. Бироқ XV аср охирлари ва XVI аср бошларида Султон Ҳусайн Бойқаро саройида бир гуруҳ фитначи ва сотқин гуруҳлар сувни шу даражада лойқатиб юбордиларки, у ўз неварасини қатл қилиш ҳақидаги фармонга имзо чекканини билмай қолди. Натижада Султон Ҳусайн Бойқаро билан ўғли Бадиуззамон ўртасида ашаддий душманчилик туғилди. Бу ҳамжиҳатликнинг йўқолишига ва қора кучларнинг кучайишига олиб келди. Бундай ҳолат Улуғбек ҳукмдорлиги вақтида ҳам юз берган эди.

XVI—XIX аср ўрталарида, яъни 350 йилдан ортиқ вақт ичида Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари ўзаро уришиб қанчадан-қанча одамларни ҳалок қилдилар. Вақоланки, бу вақтларда Ўрта Осиёнинг ёнбошида Россия давлати тобора кучайиб, ўзбек хонликларини босиб олишга ҳаракат қилаётгани равшан эди. Бунга тадбиркорлик билан чора кўриш ўрнига ўзбек хонликлари ўзаро урушларни давом эттириб ўзларини ҳалокат ёқасига олиб келдилар. Сотқин гуруҳлар чор ҳукуматига хонликларнинг ички аҳволи ҳақида муҳим маълумотларни етказиб турдилар. Уларнинг фаолияти айниқса рус қўшинлари ўлкага бостириб кирганларида кучайди. Чунончи, Тошкентда асли қоратегинлик бўлган йирик савдогар Саид Азимбой Муҳаммадбоев ва бошқа айрим юқори табақа вакиллари душман тарафида туриб иш юритдилар. «Саид Азимбой қилган номуносиб хатти-ҳаракатига, — дейилади бир манбада, — Дуғлат, Арғун ва Барлос (қозоқ) қабилалари ҳам мойил бўлиб халқ ўртасида мухолафат ва фасод пайдо бўлдики, тўрт кундан кейин Туркистонни рус аскарлари мусохарага олиб сўнгра улар ҳужум билан у жойни эгалладилар ва кўп одамларни ўлдирдилар. Бу воқеа 1864 йилнинг 14 июнида юз берган эди. Кўриниб турибдики, Саид Азимбой рус қўшинларига катта ёрдам берган. У Тошкентнинг генерал Черняев томонидан босиб олинишида ҳам ўз маълумотлари билан катта хизмат кўрсатган. Рус манбаида Саид Азимбой ҳақида шундай дейилган: «халқ орасида ўзининг бойлиги билан ажралиб туради. Хонлик вақтида маҳкамада маслаҳатчи бўлиб, кейин иғво ва макр йўли билан ҳокимиятни олиш ва обрў орттиришга интилганлиги учун маҳкамадан четлатилган». Шунга ўхшаш кишилардан яна бир нечтаси хусусан амалдорлар, ҳатто шайхлар ва қозилар чор ҳукуматига хайрихоҳлик билан қараб қўлларидан келганича ёрдам бердилар. Шунинг учун ҳам улар рус расмий ҳужжатида «рус давлатига содиқ кишилар», —деб баҳоланди. Шунингдек, улар унвонлар ва ҳукумат орденлари билан мукофотланди. 1867 йилда Саид Азимбой Муҳаммадиев, Шайхулислом Носир Мулла Исҳоқ, Қозикалон, Юсуфхўжа Абдулла Хўжаев, Қози Қаландархўжа Жунайдуллаев ва бошқа хонлар Петербургда шахсан император Александр II томонидан қабул қилинди. Уларга зўр иззат ва ҳурмат кўрсатилиб, Петербургнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирилди. Ватан хоинларининг бунчалик ҳурмат қилиниши бежиз бўлмаган, албатта. Чунки улар туфайлигина чор ҳукумати халқнинг қаҳрамонона курашини енгишга муваффақ бўлган.

Бу ҳақда яна бир мисол: Тошкент аҳолиси генерал Черняев бошлиқ рус қўшинлари ҳужумини бир неча бор қайтариб шаҳарни қаҳрамонона ҳимоя қилди. Бундай жуда нозик ва масъулиятли вақтда Тошкентдан бир сотқин киши генерал Черняев томонига қочиб бориб шаҳарга келадиган сувни тепасидан бўғиб Чирчиққа бориб юборишни, шундай қилинса, шаҳар сувсизликдан таслим бўлишини айтади. Генерал Черняев бу таклифни дарҳол амалга оширади. Дарҳақиқат, сувсизлик ўз кучини кўрсатади. «Тошкент шаҳри, — дейилган ҳужжатда, — зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-сигача, яъни 42 кун сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дини учун қаттиқ туриб уруш-талашни давом эттирди, бироқ сешанба куни ярим кечадан сўнг — саҳарга яқин рус аскарлари фуқаро уйқудалиги чоғида ҳиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан Тошкентга кирди. Шундан кейин яна уруш бўлиб турди. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушди, оч, ташна, сувсиз яккама-якка уруш бўлиб охирида ярашиш сулҳи тузилди».

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ватанимиз мустақиллиги ва эркинлигининг йўқолишига сотқин ва хоин гуруҳлар билан бир қаторда нобоп кишиларнинг ҳокимият тепасига чиқиб қолиши ҳам сабаб бўлган. Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда ҳокимиятга меросхўрлик анъанаси кўп панд берган. Кўп ҳолларда мустақиллик ва тараққиётнинг барбод бўлишига олиб келган муҳим омиллардан бири шудир. Чунки у ёки бу истеъдодли ва билимдон ҳукмдорнинг фарзандлари ҳаммавақт отасига ўхшаган бўлавермаган. Бироқ шунга қарамасдан тахт ношуд бўлсада ўз-ўзидан фарзандга қолаверарди. Бу ҳолатда давлат қанчалик қудратли бўлмасин, барибир вақти келиб инқирозга учраган.

Вақоланки, ҳар бир давлат арбоби сиёсатда билимдонлик, сезгирлик, изчиллик ва жасорат, олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирмоғи керак. Бу тойифадаги ҳукмдорлар ўзлари кучли бўлганлиги учун атрофига мард ва очиқча гапириша оладиган кишиларни тўплаб иш юритган. Масалан, Амир Темур шундай шахслардан бири ҳисобланган. Маълумки, у тахтни одатдагидек отамерос сифатида эмас, балки оқилона сиёсат, жасорат ва мардонавор кураш орқасида қўлга киритган эди. У ўзи кучли бўлганлиги учун рақобатдан чўчимай атрофига мард кишиларни бирлаштирган.

Амир Темурнинг таърифича, ҳукмдор ўз фикрини ва мулоҳазаларини айтишга ботина олмайдиган ҳамда ўз соясидан чўчийдиган қул табиатли мансабдорлар давлатнинг энг ҳавфли душманларидир. Чунки улар ўзларининг ожизлиги ва жасоратсизлиги орқасида иккиюзламачилик билан иш юритадилар. Улар борди-ю, ҳукмдор оқни қора деса, қора деб, ёки қорани оқ деса оқ деб ўзларининг унга гўё содиқлигини билдирмоқчи бўладилар, кези келганда эса ўз ҳукмдорига ва ҳатто ватанига ҳиёнат қилишдан тойМайдилар. Шу боисдан буюк Амир Темур қул табиатли амалдорларни ёқтирмай, ўз қадру қиммати, виждони, ор-номуси ва ғурурини сақлай оладиган кишиларни давлатнинг устуни деб ҳисоблаган.

МИНГ АФСУСКИ, бизда кейинги асрларда Амир Темурга ўхшаш моҳир давлат арбоблари дунёга келмади. Тўғри, XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро хони Абдуллахон анча кучли давлат барпо этишга эришиб, ҳатто Сибир хонлигини ўз таъсир доирасига олди. Бироқ, унинг ўлимидан кейин парокандалик яна тикланди. Тахт тепасига бирин-кетин қобилиятсиз ва нодон кишиларнинг чиқиши орқасида Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари бир-бирларини «ғажиб» келди. Ҳатто рус қўшинлари бостириб келганда ҳам уларнинг ўртасидаги уруш тўхтамади. Масалан, лашкарбоши Олимқул бошчилигида Қўқон аскарлари ва халқ оммасининг Чимкентда генерал Черняев аскарлари устидан қўли баланд келиб турганда Бухоро хони Музаффархон Қўқонга ҳужум қилганлиги ҳақидаги хабар келади, Олимқул жанг майдонини ташлаб ўз қўшини билан Қўқонга қайтишга мажбур бўлади. Шундан кейин ўз ҳолига ташланган ватан ҳимоячилари заифлашади. Генерал Черняев эса фурсатдан фойдаланиб Чимкентни босиб олади.

Рус қўшинлари Тошкентга биринчи ҳужум уюштирганидаёқ Бухоро хони Музаффарга ёрдам сўраб мурожаат қилинди. Бироқ Музаффархон бир оддий рус лашкарбошиси билан жанг қилишни ўзимга эп кўрмайман, агар урушмоқчи бўлсам тўппа-тўғри Московга бориб жанг қилурман, -деб катта кетди ва тошкентликларнинг илтимосини инобатга олмади. Кейинги вақтларда Тошкент олингандан кейин халқнинг сиқуви остида Музаффархон рус қўшинлари билан тўқнашишга жазм этади. Аммо душман тўпларидан ўқ ёғдирилгандан кейин биринчилар қатори қочиб қолади. Қўқон хони Худоёрхон эса 1876 йилда хазинани 40 та аравага ортиб Туркистон генерал-губернатори ҳузурига келиб ўзини яхши кўрсатмоқчи бўлади, лекин Кауфман олтин, қимматли тошлар, заргарлик буюмлари ва бошқа нодир бойликларни олиб Худоёрхонни роса шилди. Сўнгра у Оренбургга сургун қилинди.

1917 йилда Туркистон генерал-губернаторлигида октябрь революцияси ғалаба қилиб, совет ҳокимияти ўрнатилди. Бундай ўзгариш Бухоро ва Хева хонликларида ҳам рўй бериши турган гап эди. Бироқ, хонликларнинг ҳукмдорлари буни яхши англасалар-да душман ҳужумидан сақланишга қаратилган муҳим чораларни кўрмадилар. 1920 йилда Фрунзе бошлиқ аскарлар Бухоро шаҳрига бостириб кирганларида Амир Олимхон арзимаган бойлик билан Афғонистонга қочди, Фрунзе хон хазинасидан олинган икки вагон тўла тиллани Масковга жўнатган.

Мен 60-йилларда Бухоро хони хазинаси Фрунзе томонидан олинаётганда қатнашган тошкентлик Муродхўжа ака деган қиши билан суҳбатлашган эдим. У хазинада тиллаларни киччкина от, қўй, бузоқ ва бошқа шаклларда кўрганлигини ҳамда уларни вагонга ортишда қатнашганлигини айтган эди. Тиллаларни шакл тарзига киритишдан мақсад уларни ўғирланишидан сақлаш бўлган. Бордию тиллалар шаклсиз бўлса, уни қопдан ёки сандиқдан кимдир маълум қисмини олса, билинмай қолиши мумкин экан. Текширувлар вақтида шакллар сони ва кўриниши ҳисобга олинган. Буни қарангки, Бухоро хони Олимхон шунча бойликларни олдинроқ бирор хавфсиз жойга яширмаган экан. Давлат арбоби шунчалик, нодон ва калтафаҳм бўладими, ахир?

Менимча, юқорида баён этилган маълумотлар Ўзбекистоннинг мустақиллиги қандай йўқолгани ва бойликларининг талониш сабаблари ҳақида етарли тушунча ҳосил қилади.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг кўп асрлик тарихи мобайнида Эрон шоҳлари, македониялик Александр, Араб халифалиги ва Чингизхон сингари жаҳонгашталарнинг ҳукмронлик қилган вақтлари бўлган. Улар чигирткага ўхшаб ёпирилиб, ўз ҳукмронликларини ўрнатгандан кейин ўлкани бошқарувни асосан туб аҳоли вакилларига топшириб, белгиланган солиқ ва ўлпонларни олиб турганлар. Бироқ, чор ҳукумати ўлкага ўрнашиб ҳокимиятни бутунлай ўз қўлига олди. Ўзбекларни олий ва ўрта бошқарув ташкилотларига мутлақо яқинлаштирмади. Ўлкада чўқур илдиз отиш мақсадида унумли ерларга Россиядан одамларни кўчириб келтириб ўрнаштирди. Темир йўлларнинг қурилиши чор ҳукумати мавқеининг мустаҳкамланиши ва ўлка бойликларининг марказга изчиллик билан олиб кетилишини таъминлади. Чор ҳукумати XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш орзусига эришди. Россиянинг тўқимачилик саноати ўлкадан арзон баҳода сотиб олинган пахтадан ишлаб чиқарган турли газламалар бу ерга келтирилиб қиммат нархда сотилди. Рус давлати ўзбекларнинг терисини шилаётганини яхши англаб, унинг сиёсий онгининг ўсиши ва ўзини-ўзи англашига йўл қўймасликка жон-жаҳди билан киришган эди. У шу нуқтаи назардан миллий тил ва миллий маданиятнинг кўтарилишига тўсқинлик қилди. Ҳатто халқимизни ўз номи билан атамай «инородец», «туземец», «варвари», «азиати», «местные» ва бошқа исмлар билан изоҳлади. Ўзбеклар қаттиқ мустамлакачилик ва миллий зулм остида ҳаёт кечирди. Ўзбекистон Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди.

Чор ҳукумати ва капиталистлар ўлкада завод ва фабрикалар қуриб катта даромад олдилар. Бироқ, бу корхоналар асосан пахта тозалаш заводларидан иборат бўлиб, пахта толасини марказга юборарди. Саноатнинг асосий қисми рус капиталистларининг қўлида тўпланган эди.

Шуларга қарамай миллий буржуазия ва зиёлиларнинг сотқин вакиллари рус императорини кўкларга кўтарувчи мақолаларини чоп этдилар, оташин нутқлар билан чиқдилар. Бу ҳолат, айниқса 1916 йилги халқ қўзғолони вақтида ҳамда Романовлар сулоласи қил устида турган кезларда содир бўлди. Ўша йили мустақиллик ва эркинлик учун кўтарилган умумхалқ қўзғолонига раҳбарлик қила оладиган куч топилмади. Натижада бу гал ҳам озодлик кураши мағлубиятга учради.

Совет ҳокимияти даврида партия ва ҳукумат барча халқлар ўртасида озодлик, тенглик ва мустақилликни юзага келтиришни асосий мақсад қилиб қўйганлиги ҳақида жар солди. Ҳали ўзи яхши тасаввур қилмаган қандайдир социализм тузумини барпо этиш «режа»ларини тинимсиз олға сурди. Аммо Маркс бир мамлакатда социализм қуриш мумкин эмаслигини аллақачон уқтириб ўтган эди. Партия эса гўё марксизм ижодий равишда бойитилганлигини рўкач қилиб, ҳали зарур шарт-шароит йўқлигига қарамай зўр бериб жаҳонда биринчи бўлиб социализм жамиятини қуришни ва меҳнаткаш оммани фаровон турмуш билан таъминлашни барала таъкидлайверди. Пировардида, партиянинг бундай сиёсати шармандаларча барбод бўлди.

СОВЕТ ДАВРИДА руслар, украинлар, ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, озарбойжонлар ва бошқа халқларнинг ҳаммаси кўпдан-кўп азоб-уқубатлар, қирғинлар, қувғинликлар ва йўқчиликларни бошидан кечирди.

Хўш коммунистик партия сиёсатининг моҳияти ва йўналиши қандай бўлган эди?

Биринчидан: Партия зўравонликка ва адолатсизликка асосланган ички ва ташқи сиёсат юргизди. 1917 йилдан, яъни ҳокимият тепасига чиқишидан бошлаб, «граждан уруши», «босмачилик», «халқ душмани», «колхозлаштириш» ва бошқа турли-туман баҳоналар рўкач қилиниб миллионлаб кишилар қатл этилди. Диктатор Сталин вақтида камида 20 миллион киши бегуноҳ ўлдирилганлиги маълум. Бундан ташқари, 100 минглаб одамларнинг умри қамоқхоналарда, лагерларда ва сургунларда чириди. «Қора рўйхат»га битилган қанчадан-қанча одамлар таъқиб ва хавотир остида юрдилар. Бутун мамлакатда чақимчилик, иғвогарлик ва туҳмат қилиш авжига чиқди.

Бундай ўз фуқароларини қирғин қилган, хўрлаган ва эзиб сувини ичган давлатни тарих билмайди. Ҳатто ваҳшийликда донғи кетган Чингизхон ва Гитлер ҳам ўз фуқароларига нисбатан бунчалик муносабатда бўлишни хаёлларига келтирган эмас. Бутун мамлакат халқлари «темир қафас» билан қуршаб, хорижий мамлакатлардан ажратиб ташланди. Бундай ҳолат жаҳон тарихида биринчи бўлиш эди. Хуллас, коммунистик партия инсон ва халқаро ҳуқуқларни инкор қилиб фуқароларни қаттиқ зулм исканжасида ушлаб турди. Айниқса, ислом динидаги фуқаролар қаттиқ жабрландилар ва оёқ ости қилинди.

Иккинчидан: партия «ленинча миллий сиёсат тантанаси» ҳақида ҳамиша кўпириб гапиравердди. Лекин амалда чор ҳукумати вақтида ўрнатилган миллий зулмни авж олдириб юборди. Аввало, Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятларнинг мустақилликка ва эркинликка эришишига йўл қўймади. Фақат хўжа кўрсинга миллий давлат, миллий байроқ ва миллий гимн тузилиб, амалда Ўзбекистон мустамлака ҳолида қолаверди. Тўғри, партия ва давлатнинг олий раҳбарликларига ўзбеклар тайинланди, лекин улар марказнинг итоаткор хизматкорлари ҳисобланарди ва шундай итоаткорликка тайёрланарди. Кўп ҳолларда назорат ва иш юритиш руслардан тайинланган ўринбосарлари ихтиёрида бўлган. Ўзбек тили эмас, балки рус тили давлат илм-фан тилига айлантирилди. Бу камдек ўзбек тили ва маданияти тарихий заминлардан узиб ташланди. Ислом дини, ўтмиш тарихимиз ва миллий анъаналаримиз ҳам «ҳибс»га олинди. Бундай ҳолатга норозилик билдирувчилар миллатчиликда айбланди ва таъқиб остига олинди.

Партия ва ҳукумат халқнинг бош кўтармаслигини таъминлаш учун унинг миллий онги ўсишига қарши қаратилган чораларни ҳаётга татбиқ этиб борди. Меҳнаткаш омманинг сиёсий фаолияти шу даражада қўпориб ташландики, улар оғир аҳволни кўра туриб, партия ва ҳукумат шаънига қарсаклар чалаверди ҳамда миннатдорчилик билдираверди. Бундай қилиш самимий бўлмай қўрқиш, эҳтиёткорлик ва таъқибнинг маҳсули эди. Эндиликда партиянинг миллий сиёсати кўзбўямачиликдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Учинчидан: партиянинг аграр сиёсати ҳам мустамлакачилик асосига эга эди. У сув ва ерларни деҳқонлар қўлидан тортиб олиб, давлатники қилди. Деҳқонлар юқоридан берилган кўрсатма асосида экиши шарт эди. Улар ишлаб чиқариш қуролларига, хусусан, техникага эгалик қилишдан ҳам маҳрум этилди. Ҳукумат ўз ихтиёрича деҳқончилик маҳсулотларига нарх қўйди ҳамда уларни тақсимлашни қатъий суратда белгилаб берди. Бутун жумҳуриятда пахта яккаҳокимлиги ўрнатилди. У арзимаган нархда олиниб, саноат моллари ва техника деҳқонга қимматга сотилди. Деҳқонлар зиммасига турли солиқлар ва тўловлар юклатилди. Кўп асрлар мобайнида яратилган ажойиб боғлар йўқ қилинди. Ҳатто Сталин даврида ҳар бир туп мевали дарахт ва токка оғир солиқлар солингани боис шаҳар ва қишлоқларда улар қирқиб ташланганлиги эсимиздан чиққани йўқ. Пахтадан ва ундан тайёрланган турли-туман маҳсулотлардан олинадиган даромадларнинг деярли ҳаммаси марказнинг чўнтагига тушди. Партиянинг аграр сиёсати чорвачиликни инқирозга олиб келди. Ўзбеклар мушук емайдиган яхлаган гўштга зор бўлиб қолди.

Партия раҳбарларининг ташаббуси билан бир вақтлар отлар, эшаклар ва эчкилар «қувғин» остига олинган эди. Натижада бундай ҳаётий зарур уй ҳайвонларининг сони жуда камайди ва қимматлашди. Колхозлар асосан давлат фойдасига ишлади. Ҳозирги фожиали турмуш колхоз тузумининг маҳсулидир. Давлат колхозчиларни янада қаттиқроқ ишлатиш ва бошини эгиб қўйиш мақсадида кўп колхозларни қарздорлик сиртмоғида ушлаб турди. Чор ҳукумати даврида ҳам худди шундай муносабат капиталистлар ва судхўрлар томонидан пахтакорларга нисбатан қўлланилган. Пахтакорлар қарздорлик занжирларига боғланганликлари орқасидан ҳеч қаёққа қочолмай ишлашга мажбур бўлганлар. Партиянинг аграр сиёсати одамларни, ерни, сувни, ҳавони, ҳайвонларни ва умуман табиат оламини заҳарлади. Ундан зарарланмаган на жонли, на жонсиз мавжудод қолди. Боғдорчилик, полизчилик ва узумчиликнинг бебаҳо турлари йўқ бўлиб кетди.

Хуллас, қишлоқ хўжалиги қаттиқ дардга чалинди, бу ўз навбатида турли касалликлар ва ўлим ҳолларининг кўпайишига олиб келди.

Тўртинчидан: жумҳуриятда саноат соҳасида ҳам мустамлакачилик сиёсати изчиллик билан амалга ошириб борилди. Иттифоқ вазирлигига қарашли йирик саноат корхоналари барпо этилиб ўн минглаб кишилар кўчириб келтирилди. Уларни жойлаштириш учун унумли ерлар, зилол сувлар, қурилиш материаллари, турли жиҳозлар ажратилди. Бунинг орқасидан кўп ерларимиздан ва бойликларимиздан маҳрум бўлдик. Саноат корхоналаридан олинадиган даромадлар дарёдек марказга оқмоқда. Ўзбеклардан малакали мутахассислар ва ишчилар тайёрлашга қаратилган чоралар кўрилмади. Натижада бу корхоналарда туб аҳоли озчиликни ташкил қилмоқда.

Бешинчидан: марказ табиий маъданларимизнинг ҳам тўла эгаси бўлиб келди. Кўплаб олтин, уран, газ ва бошқа нодир маъданлар бемалол ташиб кетилди. Пахтани экса бўлаверади, лекин бир марта яратиладиган олтинни ҳеч қачон топиб бўлмайди. Олтин узоқ тарихий даврлардан фаровонлик рамзи сифатида қадрланиб келган. Унга жаҳон бозорида юқоғаган нарсани олиш мумкин. «Олтиннинг қон томиридир», деган гап бежиз айтилмаган. Аммо, президент Ислом Каримов Олий Кенгашнинг фавқулоддаги раёсатида саволларга жавоб бераётганда: «Олтиннинг ҳар бир граммини учун 50 сўмдан олаётирмиз» деди. Бу олтинни мисга алишиш билан тенгдир. Шу боисдан тезликда олтинни қўлга олишимиз лозим. Бунга эришмак учун бутун халқ ва партиялар оёққа туриши даркор. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон олтинининг муайян қисмига эгаликни қўлга олди, деган гап-сўзлар айтилаётир. Бироқ унинг аниқ миқёси бизга маълум эмас. Агар биз олтинга тўла эгаликни ўз қўлимизга олмасак олтин запасимиз камайиб бораверади. Олтинннинг ўзгалар томонидан совурилишини авлодлар ҳеч қачон кечирмайдилар. Бордию олтинни ишлаб чиқаришга ўз кучимиз етмаса, хорижий мамлакатлар фирмаларининг ёрдамига таянниш керак. Ҳозирда, президент Н. Назарбоев марказнинг қаттиқ қаршилигини енгиб Қозоғистондаги нефтни Америка фирмаси билан биргаликда ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Умуман тоғ конларини хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаш масаласида ҳукуматимиз сустлик қилмоқда.

Марказ табиат бойликларимизни, хусусан олтин ва уранни шу даражада ўзиники қилиб олган эдики, ҳатто уларнинг ҳажмини ва бераётган улкан даромадларини ҳам қаттиқ сир тутиб келди. Менсимаслик ва номардлик шунчалик бўладими, ахир? Агар марказ ўрнида хорижий мамлакат фирмалари бўлганда, ишлаб чиқарилган соф олтиннинг камида ярмини унинг эгаларига берган бўларди. Чунки, уларда инсоф бор. Энди, айрим расмий маълумотлар асосида марказга олиб кетилган олтинимиз миқдори ҳақида тушунча беришга ҳаракат қиламан. Бу тўғрида бир ҳужжатда шундай ёзилган: «Совет олтинига доир сирларни ошкора қилиш бир қатор сиёсий масалаларни туғдиради. Ҳозирда кўпчиликка шу нарса маълум эмаски, СССРдаги олтиннинг анча қисми Ёқутистон, Колима ва Красноярск ўлкасида эмас, балки Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда олинмоқда. Шуниси қизиққи, бу ерда олтин билан бир қаторда кўп уран ҳам олинмоқда. Бунга ўхшаш далиллар баъзи экспертларнинг жумҳуриятлардан қайси бири бизнинг социалистик иқтисодга кўп бойлик берганлиги ҳақидаги ўз фикрларини қайта кўриб чиқишини талаб қилади».

БУНИ ҚАРАНГКИ, табиат бир вақтда қимматли ва аҳамияти жиҳатидан бир-биридан қолишмайдиган олтин ва уран сингари икки ноёб маъданни бизга инъом қилган экан. Марказга олиб кетилган ўзбек олтинининг миқдорини кўрсатувчи рақамларни ҳавола қиламиз: расмий маълумотларга кўра, СССРда 1986 йилда —400, 1987 йилда — 380, 1988 йилда—360, 1989 йилда—340 ва 1990 йилда — 320 тонна олтин ишлаб чиқарилган. Агар юқорида айтилганидек, Ўзбекистон мамлакатда бир йилда чиқариладиган олтиннинг анча қисмини беришини ҳисобга олсак, у вақтда ҳар йили олиб кетилган ўзбек олтинининг миқдори ўрта ҳисобда юзлаб тоннани ташкил этади. Олтиннинг жаҳон бозоридаги савдосига келсак, 1991 йил 12 сентябрда Лондонда унинг 31,1035 грамми 345,25 доллар баҳода харид қилинган. Шунга биноан бир грамм олтиннинг нархи ўрта ҳисобда 11 доллар (бизнинг пулимизнинг ҳозирги қиймати билан ҳисоблаганда 1100 сўм атрофида), марказ эса бизга 50 сўмдан тўлаб келган экан. Бу ерда доллар билан совет пули ўртасидаги катта тафовутни, марказнинг олтинимиздан тайёрланган буюмларни сотишдан олаётган катта даромадларини ҳисобга олсак, у вақтда олтинимиз жуда текин олиб кетилгани аниқ-равшан бўлади. Ҳозирда пулнинг қадри тобора пасайиб кетаётганлигини назарга олсак, жуда катта зиён кўряпмиз.

Совет ҳукумати шу даражага бориб етган эдики, аёлларнинг тилла ва кумуш тақинчоқларини ҳам турли йўллар билан ёппасига йиғиштириб олган. 1932—1933 йилларда очарчилик вақтларида ёпиқ озиқ-овқат дўкон

САКСОН ЧЕГАРА ЭМАС

Бугун Наби Раҳимов саксон ёшга тўлдилар. Ана шундай мўътабар ёшда бўлсалар-да, бир дақиқа ҳам ижоддан, томошабинлар билан учрашувлардан қолганлари йўқ. Яқиндагина у киши ишлайдиган Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида машҳур турк адиби Азиз Несин асари асосида «Жонимни ол, жонгинам» деган спектакль қўйилди. Бу асардаги назоратчи образини Наби ака қойилмақом қилиб ижро этдилар.

Наби ака саҳна оламига кирибдики, ўз ишига, топширилган ролига масъулият билан қараш, санъатга фидойилик, шу орқали халқига сидқидилдан, ҳалол хизмат қилиш принципига амал қилиб келмоқда. Дилкаш, ҳазил-ҳузулга ўч, аскияга уста, ниҳоятда ҳозиржавоб, ғоят камтар Наби ака кирган даврага файз, кулги киради.

Наби аканинг саксон ёшлик тўйи арафасида яна суҳбатлашдик.

— Наби ака, аввало санъат оламига кириб келишингиз, устозларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Қўқоннинг мисгарлик растасида кичкинагина дўконимиз бўлиб, отам мисгарлик билан шуғулланар, акам ва мен унга ёрдамлашардик. Отамни Мирзараҳим мисгар дейишарди. Лампа, керосинка, тикув машиналарини тузатардик. Дўконимизга аскиячилар, шоирлар келиб туришар, турли мавзуда суҳбатлашиб, аския қилишарди. Уларнинг суҳбатларини жон қулоғим билан тинглар ва иложи борича ёдда олиб қолишга интилардим.

Бундан ташқари ўша кезларда номи бутун Фарғона вилоятига машҳур бўлган Эрка Қори, Ҳамроқул қориларнинг катта ашулаларини, Юсуфжон қизиқ, Усмон қори, Камол қори, Қодиржон пичоқ, Мамаразоқ ака, Меликўзи ака каби ўткир, нозик дидли аскиячиларнинг тагдор, мазмундор аскияларини берилиб тинглардим, улардан ўрганишга ҳаракат қилардим. Акам уста Тожибой ҳам яллаларга, аскияга моҳир эди. Ишонасизми, ҳатто ўша дўкондаги катта сандонга болғаларнинг бир маромда келиб урилишидан чиқадиган овоз ҳам ўзгача қандайдир бир куйга ўхшарди. Мана шулар менинг ёш қалбимда мусиқага, ҳажвга, сўзамолликка ҳавас ва иштиёқ уйғотди. 1926 йилда Қўқонда драма тўгараги ташкил қилингач, мен ҳам унга қатнаша бошладим.

Тўгаракда қатнашиш менинг санъатга нисбатан ҳавасимни ниятга, орзуга айлантирди, санъаткор бўлиш ҳақидаги фикримни қатъийлаштирди. 1929 йилда ҳамшаҳрим Миршоҳид Мироқилов мени Самарқандга, ҳозирги Ҳамза номидаги драма театри труппасига олиб келди. Бу ерда Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Ҳожисиддиқ Исломов, Раимберди Бобожонов, Шариф Қаюмов, Лутфулла Нарзуллаев, Обид Жалилов сингари улкан санъаткорлар даврасига келиб қўшилдим. Менинг устозларим ҳам ана шулар.

— Ҳар бир ижодкорнинг, жумладан актёрнинг ишлаш услуби ҳар хил: биров тунда машқ қилади, кимдир кундузи ва ҳоказо. Шу маънода Сизнинг ишлаш услубингиз қандай!

— Мен учун ишлаш — роль сўзларини ёдлаш, машқ қилиш учун вақтнинг аҳамияти йўқ, яъни бир кеча-кундуз йигирма тўрт соатдан иборат бўлса шу вақтнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Зотан, ҳар дақиқа ғанимат. Уйда ёки тўйда ўтирганимда, йўлда юрганимда, машинада кетаётганимда, самолётда учаётганимда ҳам, ҳатто йиғилишларда ўтирганимда ҳам хаёлимда ижро этаётган ролим, унинг сўзлари кезиб юради. Хаёлан гапириб, сўзларни такрорлаб, қайси сўзни қандай оҳангда айтиш лозимлигини ўйлаб юраман.

Ижод — бу туганмас, чегараси йўқ нарса. У доимо ҳаракатда, изланишда бўлишни талаб қилади. Борди-ю, ана шу ҳаракат, изланиш тўхтаса ижод сўнади, кўлмак сувга айланади, ҳаёт деб аталмиш катта, шиддаткор дарёнинг оқимидан орқада қолади.

Мана шу ўрганишлар, изланишлар образ яратишда катта аҳамиятга эга. Масалан, менга режиссёр бирон ролни топширди дейлик. Пьесани ўқиб чиққач, бир неча кун ёлғиз ўзим шу образни қайси йўсинда, қанақа йўналишда ижро этишни ўйлайман, фикрлайман, мулоҳаза қиламан. Маълум бир қарорга келгач, фикримни режиссёрга айтаман. Агар унга ҳам маъқул тушса, ишга киришаман, йўқса яна изланиш, қидириш давом этади...

Ҳолбуки, ҳар бир образ — у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин — изланишлар туфайли вужудга келади. Айтайлик, Ягони ижро этиш осон бўлган дейсизми? Отелло ролини ижро этувчи Аброр Ҳидоятов қаёқда-ю, жиккаккина, қотмадан келган йигитча бўлган Раҳимов қаёқда. Ростини айтганда, мен Аброр аканинг савлати, обрўйи, довруғи, виқори остида йўқ бўлиб кетгудек эдим. Шунда менинг олдимда ана шу буюк санъаткорга муносиб партнёр бўлиш учун интилишдек улкан вазифа турарди. Нима қилиш керак? Борди-ю, ожизлик қилсам, Аброр аканинг соясида йўқ бўлиб кетаман. Демак, Яго образи чиқмайди. Шундай мулоҳазалардан кейин ўзимча Аброр Ҳидоятов — Отелло шахсиятини писанд қилмайдиган, унинг устидан куладиган шахс образини ярата бошладим. Буюк санъаткор олдида ўз ожизлигимни билдирмаслик учун жоним борича тиришиб, унинг устидан кулардим, роль бўйича у саҳнага йиқилиб тушганида устига оёғимни қўйиб: «Туринг, ҳей генерал» деб очиқдан-очиқ масхара қилардим. Бундай усуллар Ягонинг манфур қалбини очишда қўл келди.

Ҳа, ҳар бир образ томошабин эътиборига ҳавола қилингунча актёр не-не машаққатларни бошидан кечиради: гоҳ қувонса, гоҳида юраклари сиқилиб қон бўлиб кетади. Аммо санъатга, актёрлик ҳунарига нисбатан юксак ихлос, муҳаббат унга далда, қувват бағишлайди. Образни табиий чиқиши учун янги-янги вариантлар қидиришга даъват этади.

— Наби ака, санъаткор ижро этган ролларини таъбир жоиз бўлса унинг фарзандларига ўхшатиш мумкин. Маълумки, ота-она учун фарзандининг ёмони йўқ. Ахир бармоғининг қайси бирини тишласа ҳам оғрийди-да. Лекин ҳар қалай шу



фарзандлар орасида ота-она кўпроқ суядигани бўлади. Тўғрими! Шу маънода қайси ролларингиз ўзингизга кўпроқ ёқади!

— Биласизми, бу кўпроқ асарга, образга ва унда кўтарилган муаммо, энг муҳими ўша қаҳрамонга юкланган вазифага ҳамда унинг гапларига, бу гапларнинг мазмуни ва салмоғига боғлиқ. Шундай образлар борки, йигирма-ўттиз йил илгари ўйнаган бўлсам-да, ҳамон кечагидек ёдимда: ҳаракатлари ҳам, сўзлари ҳам. Бугун бўлса бугун, эрта бўлса эрта тўғридан-тўғри саҳнага чиқиб ижро этиб кетаверишим мумкин. Бундай образлар қаторига «Қутлуғ қон»даги Шокир ота, «Отелло»даги Яго, «Шоҳи сўзана»даги Қўзиев, «Ревизор»даги Хлестаков, «Момоқалдироқ»даги Тихон, «Мирзо Улуғбек»даги Бобо Кайфий, «Инқилоб тонги»даги Урганжи, «Ўн учинчи раис»даги Саъдиев, «Ғариблар»даги ота, «Қутлуғ қон» ва «Диёнат» видеофильмларидаги Ёрмат ва Шомуродов, «Оловли йўллар» кўп серияли телефильмидаги Ибн Ямин ролларини киритаман. Бу образларни нега яхши кўришимнинг ўзига хос сабаблари бор. Масалан, Шокир ота қиёфасида мен халқимизнинг бағри кенглигини, олижанобилигини, содда ва беғуборлигини кўраман. Шу хислатларни ифода қилишга интилганман. Яго эса жаҳон классикасига дастлабки қўл уришларимдан бўлиш билан бир қаторда у менга обрў, шуҳрат келтирди. Айни вақтда ҳар қандай йирик ва кенг планли образни ижро эта олишимга ҳам ўзимда, ҳам режиссёр ва касбдошларимда ишонч уйғотди.

Лекин шундай роллар ҳам борки, уларни яқиндагина ўйнаган бўлишимга қарамай бугун эсимда йўқ.

Образнинг эсда қолиш-қолмаслиги, умри боқийлиги унинг катта кичиклигига мутлақо боғлиқ эмас. Чунки Станиславский айтганидек, ролнинг катта-кичиги бўлмайди, актёрнинг катта-кичиги бўлади. Қийқим роль ҳам агар юксак ижро этилса, томошабиннинг ҳам, актёрнинг ҳам хотирасида мангу қолиши мумкин. Аксинча, ёмон ўйналган катта образ ҳам тезда эсдан чиқиб кетади. Бунга ўз ижодимдан Шокир ота ва Арбенин ролларини мисол қилиб кўрсата оламан.

— Олтмиш икки йиллик ижодий фаолиятингиз давомида театр, кино ва ойнаи жаҳонда қанча-қанча режиссёрлар билан ишлагансиз. Улардан қайси бирларини кўпроқ ёқтирасиз ва бунинг сабаблари нимада!

— Мен профессионал саҳнада илк бор Фурмановнинг «Исён» асаридаги Егор образини яратганман. Анархистларга сотилган бу приказчик ролини ишонарли, эсда қоларли қилиб ижро этишимда Алексеев деган режиссёрнинг ёрдами катта бўлганини унутолмайман. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Фатхулла Умаров каби устоз режисёрларга уларнинг меҳрибонлиги ва режиссёрлик қудратига ҳар қанча таъзим қилсам арзийди. Улар стол атрофида ишлашга — ўқиш (читка)га жиддий эътибор берардилар, талаффузни, сўзларни мазмунига қараб урғу бериб айтишни ҳаммадан баб-баравар қатъий талаб қилардилар. Чунки ҳар қандай яхши спектаклнинг манбаи адабий асар — пьеса. Унинг сўзлари тўлалигича, муаллиф ва режиссёр истаган тарзда томошабинга етиб бормас экан, ундай ролнинг ҳам, спектаклнинг ҳам муваффақияти ҳақида гапириш қийин.

Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбурглар ўша устозлар анъанасини давом эттирдилар. Уларда режисёрлик салоҳияти кучли эди. Ўзларига замондош бўлган ҳамкасбларининг энг бақувватларидан саналарди улар. Ҳозирги кунда ҳам истеъдодли режиссёрларимиз бор. Улар орасидан Баҳодир Йўлдошевни алоҳида таъкидлагим келади. Баҳодир ижодий фантазияси кенг, чарчашни билмайдиган, спектаклни яхлит ҳолга келтира олиш маҳоратига эга санъаткор. У артист танлай олади, дидли, талабчан режиссёр. Замон воқеаларига, муаммоларига жавоб берадиган асарларни худди ана шу замонавий кўз билан саҳнага олиб чиқади. Унинг режиссурасига мансуб «Қароқчилар», «Рўйхатларда йўқ», «Ғариблар», «Келинлар қўзғолони», «Майсаранинг иши», «Қора камар» ва бошқа спектакллар бу фикримга далил бўлади.

— Наби ака, шогирдларингиз, умуман ёш актёрлар ҳақида нима дея оласиз!

— Ёшларнинг изланишлари, куюнчаклиги мени қувонтиради. Шогирдларимни номма-ном санаб ўтиш қийин, улар анча-мунча. Бундан хурсандман. Лекин битта нарса мени ҳамиша ўйлантиради, ҳатто ташвишга солади. Айрим ёшларимиз битта-иккита роль ўйнаши билан мағрурланиб кетишади. «Палон ролни ўйнадимми, демак ҳар қандай образни олиб чиқишга қодирман», деган хаёлга боришади. Ахир бирон образ қиёфасида саҳнага чиққан билан, борингки, дидсиз томошабинларнинг «олқишига» сазовор бўлган билан иш битмайди-да. Устоз санъаткорлар ижро этган ролга қўл урган ёш актёр унга ўзидан нимадир қўшиши, шу образнинг янги қирраларини кашф қилиши, юрак қўрини бағишлаши зарур. Бошқача айтганда, устозлар ижодини, маҳоратини ижодий ўзлаштириш лозим, нусха кўчириш, тақлид санъаткорга обрў келтирмайди. Шунинг учун бир вақтлар шуҳрат топган спектаклларни қайта тиклашда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Ўрни босилмайдиган одам йўқ дейишади. Бу фикрга қўшилмайман. Чунки шундай ижодкорлар борки, уларнинг ўрнини босиш қийин, мумкин эмас. Айтайлик, Маннон Уйғур ёки Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов ёхуд Обид Жалиловнинг ўрнини ким боса олади?! Эҳтимол, улардан зўрроқ режиссёрлар, актёрлар чиқиши мумкиндир. Аммо ҳеч қачон, ҳеч ким на Уйғур, на Ҳидоятов бўла олмайди.

Ёш актёрлар ҳақида ўйлаганимда яна бир нарса безовта қилади. Улардан баъзилари ўзларига имкониятларидан ортиқ даражада баҳо бериб юборадилар. Энг ёмони оз бўлса-да, чинакам образ яратиб, халқ дилида қолишни ўйламай, кундалик рўйхатлар, енгил-елпи шуҳрат учун роль ўйнайдилар. Натижада ўз имконияти, иқтидоридан бир неча баробар юқори бўлган образларга тортинмай-нетмай қўл уравеAccording ришади.

Халқ муҳаббатини, олқишини зўрлаб олиб бўлмайди. Машҳур ролларни пала-партиш ўйнаб, томошабин меҳрини қозониш қийин. Аксинча, олдинги бор обрўсини ҳам йўқотиб, томошабин ихлосини ўзидан совутади. Шунинг учун, каттамикичикми ўз ролини, ижро услубини, қиёфасини яратиш керак. Ёш актёрларимиз масаланинг мана шу жиҳатларига жиддий эътибор беришларини маслаҳат бераман.

— Иқтисодий аҳвол оғирлашган бугунги кунда театрларимизнинг тақдири ҳақида турлича фикрлар бўлмоқда. Биров театрлар сонини қисқартириш керак деса, бошқаси давлат тўла таъминотига олмоғи лозим, дейди. Шу масалаларда сиз қандай фикрдасиз!

— Бозор иқтисоди деган гап биринчи галда ижодкорларга оғир келди. Театрларимизни илгари ҳам молия планини бажараман деб, концертларга ружу қўяяпти, енгил-елпи, яъни «кассабоп» спектакллар кўпаяяпти, деб танқид қилар эдик. Ҳозир бу нарсалар баттар авж олди, тўғрисини айтганда, улар шунга мажбур бўлмоқдалар. Шунинг учун, театрлар сони қисқарадими-йўқми билмадим, аммо маданиятни тижоратлаштиришга қаршиман, санъатнинг барча соҳасини давлат тўла ўз таъминотига олмаса ҳақиқий санъат ўлади, у ҳолда яхши спектакллар, фильмлар ёки мусиқа ва тасвирий асарлар ҳақида қанақа гап бўлиши мумкин? Халқнинг моддий аҳволини яхшилаш керак, бусиз илож йўқ, бироқ маънавий қашшоқликка ҳам сира йўл қўйиб бўлмайди. Моддий қашшоқликни маълум йилларда тузатиш мумкин бўлар, аммо маънавий қашшоқлик хунук оқибатларга олиб келади. Шу сабаб бу масалага жуда жиддий эътибор бермоқ зарур.

— Санъатга фидойилик керак, деймиз. Лекин бунга енгил-елпи қаровчилар ҳам йўқ эмас...

— Санъатнинг, хусусан театр санъатининг ўзига хос қоидалари бор. Айтайлик, бирон актёрнинг оиласида кўнгилсиз ёки қувончли воқеа рўй берган, дейлик. У буни спектакль бошланишидан олдин айтмайди. Ролни ижро этиб бўлгач, маълум қилиши керак. Обид Жалилов қизи вафот этган куни ҳеч кимга билдирмай спектаклда ўйнаган. Мен ўғлим вафотини ичимга ютиб, «Тор-мор»да роль ўйнаганман. Булар фидойилик эмасми?

Ҳозир бу гапларга кулиб, ҳатто масхаралаб қаровчилар бор. Бундай қарашни мен ҳазм қилолмайман. Санъатга кирдингми — унинг қонун-қоидаларига чидашинг керак. Бошқа йўл йўқ!

— Бўш вақтларингизда нима билан шуғулланасиз!

— Менинг энг яхши кўрган нарсам саёҳат ва мутолаа. Қўлим бўшади дегунча саёҳатга отланаман. Халқ орасида юришни, турли касб эгалари билан суҳбатлашишни жуда ёқтираман. Чунки ана шу суҳбатлар жараёнида одамларнинг характерини ўрганаман.

Бир-бирига ўхшайдиган одам сира бўлмайди. Шу сабаб, ҳар бир одамнинг ўзига хос характерини, қилиғини, даврада, суҳбатда ўзини тутишини, гапиришини кузатаман, ўрганаман. Булар саҳнада ижро этадиган қаҳрамонларим характерини тўла очиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари, сўзлаши табиий бўлиши учун асос, материал бўлади. Бирон ролни тайёрлаш жараёнида қайси бир шаҳар ёки қишлоқда учратганим бир одамнинг гапириш усули, кулиши ёхуд ўтириши, ҳатто кўзини ўйнатиши-ю, биров билан қўл олиб кўришиши ёдимга келади, шу қаҳрамонни ўша одам қиёфасида тасаввур қиламан. Шундай ҳолда ролни ижро этиш нисбатан осон бўлади. Одамларнинг қилиқларини кўчириб беришга болалигимдаёқ анча «уста» бўлиб қолгандим-да. Ахир «Шоҳи сўзана»даги бригадир Қўзиев, «Қутлуғ қон»даги Шокир ота ва Ёрмат, «Парвоз»даги колхоз раиси Мамасолиев ёки «Диёнат»даги Шомуродов, «Оловли йўллар»даги Ибн Ямин ва бошқа образларда ўзим учратган баъзи одамларнинг айрим хислатлари, одатлари йўқ дейсизми?! Бор, албатта. Демак, санъаткор халқдан олиб, халққа беради. Шундай!

— Наби ака, гарчи ноўринроқ бўлса ҳам яна битта савол. Театрга, кинога, дубляжга, радиога, телевидениега борасиз. Булардан ташқари томошабинлар билан ижодий учрашув ўтказиш, турли йиғилиш ва тадбирларда қатнашиш, қариндош-уруғ, дўсту биродарларни байрамлар, туғилган кунлар ва бошқа тадбирлар билан табриклаш керак. Буларнинг ҳаммасига қандай вақт топасиз, қандай улгурасиз!

— Тўғри айтдингиз. Буларнинг ҳаммаси ҳам мураккаб, масъулиятли, айни вақтда бажармаса, вақтида қилмаса бўлмайдиган ишлар. Бундай қараганда бунча ишга бир кишининг улгуриши қийин. Лекин улгуриш мумкин. Мана мен улгураяпман-ку. Бунинг учун, менимча, санъатга, касбга ихлос, одамларга муҳаббат керак. Дўсту ошноларни, қариндош-уруғларни қанчалик ҳурмат қилсак, севсак, томошабинларни ҳам шунчалик севишимиз, уларнинг вақтини қадрлашимиз зарур. Бажараётган ишимиз — у каттамикичикми, қатъи назар —одамлар учун, уларнинг онгини, гўзалликка, эзгуликка бўлган қизиқишини ўстириш учун, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун хизмат қилишини чуқур, қалбдан ҳис қилишимиз керак. Юрагида ана шу туйғу жўш урган одам юқоридаги ишларнинг ҳаммасига улгуради, вақтида бекаму-кўст кўнгилдагидай бажара олади. Шунда унинг кўнгли завққа тўлади. Киши ўзи қилган ишидан аввало ўзи завқланиши лозим. Шунда одам чарчамайди, толиқмайди, зерикмайди.

— Жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинди. Шу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Бу халқимизнинг неча ўн йиллар давомидаги орзуси эди. Босиб ўтилган йилларнинг, қилинган ишларнинг ҳаммасига қора чизиқ тортиш инсофдан эмас. Аммо бир нарсани таъкидлаш лозим. Етмиш йил давомида жаҳон маданиятидан, рус маданиятидан кўп нарса ўргандик, бироқ ўзимизнинг миллий санъат ва маданиятимизни, урф-одатларимизни, қадриятларимизни бироз менсимаслик, айрим вақтларда уни унутиш, ҳатто тақиқлаш ҳоллари рўй бердики, бугун буни англаб қолдик. Шу маънода мустақиллигимиз эълон қилиниши барча қатори бир санъаткор, шу юртнинг бир фуқароси сифатида мени ҳам мамнун этди. Энди ана шу ташланган қадамимиздан қайтмаслигимиз, мустақиллигимизни том маънода амалга ошириш, мустаҳкамлаш учун барча ишларни қилишимиз. Ҳар хил майда-чуйдаларга эътибор бермай ҳамжиҳат бўлиб иш олиб боришимиз зарур. Қийинчиликлар, муаммолар борлиги, бундан кейин ҳам бўлиши маълум. Лекин шу муаммоларни, машаққатларни бартараф этиш ўзимизнинг қўлимизда. Ҳеч ким ташқаридан келиб ишимизни ўнглаб бермайди. Шу боис, яна такрор айтаман, якдиллик керак.

— Наби ака, кўпминг сонли муштарийлар, мухлисларингиз номидан табаррук ёшингиз билан қутлаймиз, Сизга мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, баланд руҳ тилаймиз.

— Раҳмат, омон бўлинг.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

Қутлаймиз!

ДИЁНАТГА ДИЛБАНД

АКТЁР ПЎЛАТ САИДҚОСИМОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР ЁКИ УНИНГ УЧ МОНОЛОГИ

Актёрлик санъатини боғбоннинг меҳнатига қиёслаш мумкин. Боғбон турфа дарахтларни экиб, парваришлаб, ширин-шакар меваларга кўмилган боғ бунёд этганидек, истеъдодли актёр ҳам ўз ижоди давомида томошабинлар қалбидан жой оладиган ажойиб образлар яратади. Бири одамларга жисмоний қувват берса, иккинчиси маънавий қудрат бағишлайди. Ана шундай саҳна заҳматкашларидан бири, бетакрор образлари билан аллақачон санъат мухлислари ишончини қозонган таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов бўлади. У киши бундан олтмиш йил муқаддам Тошкентнинг Эски шаҳарида туғилган. 1954 йилда Тошкент Театр ва рассомлик санъати (ҳозирги М. Уйғур номидаги Тошкент Санъат) институтининг актёрлик факультетини тугатиб, Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма театрида 1957 йилга қадар ишлади. Мазкур театрда саҳналаштирилган «Отелло» спектаклида Яго, «Холисхон»да Рустам, «Ганг дарёсининг қизи»да Ромеш образларини маҳорат билан ижро этди. Дастлабки ролари билан бир сўзли, бир қиёфали ва тинимсиз изланувчан актёр эканини кўрсатди. Образ яратиш эса...

БИРИНЧИ МОНОЛОГ

— Жуда қийин ва мураккаб жараён. Бу ҳолни дастлаб курсимиз раҳбари, ўзбек театр санъатининг йирик билимдони, раҳматли устозимиз Етим Бобожонов дарсларида ҳис қилганман. У кишидан саҳнанинг нозик сирларини билиб олишга интилганман. Етим ака: **«Ҳаётни ўрган. Турмушнинг икир-чикирларигача кузат. Токи, ҳаёт сен учун ҳақиқий мактаб бўлсин... Саҳнага чиққанда уни ўзингники қилиб ол. Чунки саҳнада артист бўлиб юрганингни томошабин билмасин, кичик ҳаракатларингдан ҳам сезмасин. Саҳнада худди ҳаётдагидек табиий яшаш керак!»** дердилар. У киши миллий тарихимизни, адабиёт ва театрни жуда пухта биларди. Масалан, инсон танасининг биргина аъзоси бўлган қўлнинг қанча вазифалари, ҳаракатлари ва бу ҳаракатларнинг тўғри-нотўғрилигини айтиб, кўрсатиб берарди. Афсуски, у киши курсни охирига етказолмай эллик уч ёшида турли тазйиқлар исканжасида оламдан эрта кетди. **Бу миллий театр учун жуда катта йўқотиш бўлди.** Минг афсус, ҳозир ҳаётни чуқур биладиган бундай режиссёр йўқ.

Самарқанд драма театридаги қисқа фаолиятим давомида у ерда ижод қилаётган таниқли санъаткорлардан ҳам образ яратиш сирларини ўргандим. Худди ёзувчи умрбод яхши ёзиш йўлларини ўрганиб борганидек, актёр ҳамиша образ талқинининг янги қирраларини излайверади. Изланишдан тўхтаса, бир қолипга тушиб қолади, ижоди сўнади. **Ҳар қандай ижро этилажак роль актёрнинг қалбидан портлаб чиқмаса, саҳнани янгратмаса, томошабин юрагига ёпишмайди.**

Актёр режиссёрнинг қулига айланмаслиги, менга роль бермай қўяди, деб қўрқмаслиги керак. Аксинча, бўлажак образни саҳнага чиқаришда ўз мулоҳазаларини режиссёрга дадил айтишни, айтиб амал қилишни ўргансин. Режиссёрнинг оғзига қараб ҳаракат қиладиган актёр ҳеч қачон ўсмайди. Бундан худо сақласин!

Менга янги роль берилгандан сўнг қаҳрамонга оид даврни, унинг ички, ташқи оламини ҳар жиҳатдан ўрганаман. Ҳар қандай ролни кучли характер даражасига кўтариш учун аввало қалб чиғириғидан ўтказиш керак. Ва саҳнада ҳаётдагидек ўша қаҳрамон бўлиб яшаш лозим. Шундагина томошабинни ишонтирса бўлади. **Саҳнада сохталик ва ошна-оғайнигарчилик кетмайди.** Эҳтимол, бу қусурларни бошқа соҳаларда бировлар сезмаслиги мумкин. Аммо актёрнинг барча ҳаракатларини, ҳолатларини томошабин кўриб туради. Агар ижродаги сохталиклар билиниб қолса, томошабин қайтиб ўша актёр ўйнайдиган спектаклга тушмайди. Бу даҳшатли фожиа!

Яна бир муҳим гап. Режиссёр янги асарни саҳналаштириш жараёнида актёр танлашда зинҳор адашмаслиги лозим. **Роль эгасини топса, томошабинга ҳам ёқади. Афсуски, жуда кўп яхши актёрлар ўз ролларини тополмай адашиб юрибдилар.** Марҳум устозимиз Тошхўжа Хўжаев янги роль билан актёрни кашф этарди. Саёз, енгил ижрони ёмон кўрарди. Ўзи юксак талант эгаси бўлгани учун биздан ҳам шундай бўлишни талаб қиларди. У киши ҳам эллик уч ёшида ҳаётдан кўз юмди. Тўғрироғи, айрим талантсизларнинг айби билан театримиз яна бир дарғасидан жуда эрта жудо бўлди. Бугун театрларда рўй бераётган инқироз илдизлари ўша оғир жудоликларга бориб тақалади. **Театрни ҳаваскор, ўртамиёна режиссёрлар эмас, балки чинакам истеъдод эгаси бўлиб, шахс даражасига кўтарилган санъаткор бошқаради.**



●

Пўлат Саидқосимов 1957 йилдан 1987 йилга қадар Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида ишлади. Театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган «Йўлчи юлдуз»да Ислом, «Юрак ёнмоғи керак»да Пўлат, «Олма гуллаганда»да Машраб, «Мирзо Улуғбек»да Абдулатиф, «Қутлуғ қон»да Салимбойвачча, «Сарвиқомат дилбарим»да Илёс, «Аяжонларим»да Каримжон, «Қирол Лир»да Эдгар, «Ўн учинчи раис»да Саъдиев, «Зебунисо»да Аврангзеб, «Юлдузли тунлар»да Қосимбек сингари ўнлаб ажойиб образлар яратди. Бу ролларнинг ҳар бири унга шуҳрат олиб келди, халққа танитди. Томошабин атайлаб у ўйнайдиган спектаклларга тушадиган бўлди. Мутахассислар у яратган образларни юқори баҳоладилар...

Ҳозирги кунда таниқли актёр Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида самарали ижод қилмоқда. Театрда сўнгги йилларда саҳналаштирилган «Паранжи сирлари»да Норбойвачча, «Зиёфат»да Метин, «Гўзаллар ва миршаблар»да Ражаб афанди образларини яратди. Бу ранг-баранг қаҳрамонлар актёрнинг ижод китобида ҳар бири алоҳида саҳифани ташкил этади. Катта-кичик образлар қатида тинимсиз меҳнат, изланиш, изтироб ва қувончлар мужассам. Гоҳ тарихий, гоҳ замонавий қаҳрамон дунёсини кашф этиш актёрдан юксак маҳорат талаб этади. Пўлат ака бу мураккаб вазифани ҳалол оқлаб келаяпти. Лекин актёрни репертуарнинг қашшоқлашиб, томошабиннинг театрдан узоқлашиб бораётгани жиддий ташвишлантиради. Айниқса, драматургия ва режиссуранинг боши берк кўчага кириб қолганидан қаттиқ қайғуда. Аввало ўйлаб кўрайлик...

ИККИНЧИ МОНОЛОГ

— Бизда ҳозир драматургия борми ё йўқми? Бор бўлса нега драматурглар жим? Ахир сўнгги йилларда жумҳуриятимизда қанча даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Мустақиллик кунигача озмунча қон ютдикми? Социализм байроғи (яъни, қизил байроқ) остида, коммунистик партия раҳнамолигида гдлянчилар ҳамманинг кўз ўнгида бутун бошли халқни бадном қилдилар. Ҳатто бешикдаги гўдакнинг ҳам «ўғри»га чиқишига сал қолди. Москвадан ташланган «десантчилар» қандай даҳшатли кароматлар кўрсатганлиги аён-ку! **Бу қонли воқеалар қачон саҳналарда ўз аксини топади? Драматурглар эса маҳалладаги майда-чуйда гап-сўзларни қаламга олишдан нарига ўтмайдилар.** Саҳналарга ҳадеб қуруқ, ўртамиёна томошалар (уларни спектакль дейишга тилинг бормайди!) чиқаётгани учун ҳам томошабинлар театрдан қочиб кетмоқдалар. **Яхши саҳна асарлари йўқлигидан кўп актёрларнинг умри беҳуда ўтаяпти.** Бу фожиа-ку! Ҳозир халқнинг чинакам дард-ташвишларини очиқ-ойдин кўрсатадиган саҳна асарларига муҳтожмиз. Шунда томошабин ҳам театрга қайтади. Фақат уни ёзадиган истеъдодли ва мард драматург керак.

«Гап келганда отангни ҳам аяма» деган халқ мақоли бор. Ҳозир айрим ижодкорлар сиёсий «арбоб» бўлиб кетдилар. Тавба! Ахир ҳақиқий ижод билан ким шуғулланади? Билмадим... Ошкоралик ва демократия даврида ҳар ким ўз ишини қилгани яхши эмасми?! Бунчалар мансабга ўч бўлмасак. Ахир мансабнинг ҳалокатини бутун фожиалари билан ёзган шўрлик ижодкорнинг ўзи мансабдан кетолмай гаранг. Э, курси қурсин, курси! Одамзодни не кўйларга солади у... **Бизга янги ниқобли мансабпарастлар, чала сиёсатчилар, думбул иқтисодчилар эмас, ҳақиқий ижодкорлар керак.** Яна қайтариб айтаманки, театрларимиз маҳорат билан ёзилган зўр саҳна асарларига ташна. Бу ташналик қондирилмаса, инқироз давом этаверади. Сўнг эса айрим театрларни беркитишга тўғри келади. Бу ўзбек театри, маданияти учун катта йўқотиш. Бозор иқтисодиёти, нарх-навонинг кун сайин ошиб бораётгани санъаткорни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Ҳатто бозор театрни ютаман, деб турибди. Қутулишнинг ягона йўли — яхши ва халқчил асардир.

●

Пўлат Саидқосимов ўттиз беш йиллик ижодий фаолияти давомида кинода ҳам ўзига хос образлар яратди. «Ўзбекфильм»да суратга олинган «Муҳаббат можароси»да Маҳкам, «Беруний»да Беруний, «Узоқ яқин йиллар»да чекист, «Илондан сақлан!»да Ғофуров, «Оловли йўллар»да Завқий сингари бадиий фильмларни эслаш кифоя. Лекин жумҳурият телевидениеси томонидан суратга олинган қатор телеспектакллар, видеофильмларда Пўлат ака ижодининг янги қирралари очилган. «Улуғбек хазинаси»да Абдулатиф, «Қутлуғ қон»да Мирзакаримбой, «Диёнат»да Отақўзи, «Гирдоб»да Маҳамат чатоқ, «Ичкуёв»да Черкашин образлари ҳар жиҳатдан мукаммаллиги, етуклиги ва томошабинни ҳаяжонга солиши билан ажралиб туради. Пўлат акани томошабинлар гоҳ Отақўзи, гоҳ Маҳамат чатоқ деб аташлари бежиз эмас. Аслида санъаткор учун бундан катта мукофот йўқ. Шу боис ҳам Пўлат ака яратган қаҳрамонларнинг аксарияти ўзига ўхшаган тўғрисўз, ҳақиқатчи, чапани ва дангал. **У ёлғонни ҳам, ёлғончини ҳам ёқтирмайди, тўғриси ёмон кўради. Иккиюзламачи, такаббурни кўрса жини қўзийди. Аччиқ бўлса ҳам тўғри гапни шартта-шартта одамнинг юзига айтади.** Чунки узоқ йиллардан буён...

УЧИНЧИ МОНОЛОГ

— Халққа ҳамиша, ҳар қандай шароитда тўғри гапни баралла айтадиган ҲАҚИҚАТЧИ образини яратиш ниятим бор. Лекин шундай асарни ким ёзади?.. **Ҳозир кўпчилик одамларда диёнат, инсоф қолмади.** Орамизда мунофиқлар шунчалар кўпки, истаган вақтда, истаган томонга оғиб, сотилиб кетаверади. Шон-шуҳрат, мукофот ва мансабга интилиш кучли. Бу иллатлар яхшиликка олиб келмайди. **Ҳар қадамда ёлғон эшитавериб, худди ёлғончилар юртига келиб қолганга ўхшайди киши. Ё тавба, ё тавба! Одамларнинг ичида ёлғон тўқийдиган заводи борми?..**

Агар ихтиёр менда бўлса, барча алдамчи, виждонсиз, мунофиқ, ор-номусини сотганларга қарши тинимсиз курашиб, қонун йўли билан жазо белгилардим. Токи орамизда бундай ярамас кимсалар бор экан, чин озодлик, мустақиллик, ҳурлик ва поклик бўлишига ишониш қийин... Иншоолло, бугун бўлаётган яхши ишлар эртага одамларни ҳалоллик ва эзгуликка ундаса ажаб эмас!..

●

Атоқли санъаткор Пўлат Саидқосимов саҳнадан изланганларини топди, топиб она халқига ҳадя этди. **Халқи эса унга қалбидан жой кўрсатди,** юксак хизматларини эътироф этди. Бу — актёр учун улкан бахт! Пўлат ака **ҳақиқатнинг қули, инсоф ва адолатга дилбанд инсон.** Бу умрбоқий фазилатлар ҳали яратилажак янги образларда ўзининг теран ва мукаммал ифодасини топишига ишонамиз. Фақат унинг **қалбидаги, кўзларидаги диёнат чироғи** узоқ-узоқ йиллар порлаб турса бас.

Ашурали ЖЎРАЕВ

МАДАНИЯТ «ЎГАЙ СОҲА»МИ?

Ўзбекистон жумҳурияти Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маданият ходимлари малакасини ошириш институти ҳамкорликда уюштирган маданият ходимларининг анъанавий жумҳурият семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон маданият вазири Н. Ғойибов кириш сўзи билан очди. Маданият вазирлигининг режалаштириш, молия ҳисоб-китоб ва ҳисобот бошқармаси бошлиғи М. Герштейн вазирликнинг сўнгги 9 ойдаги иш фаолияти ва бозор муносабатларида ишлашга ўтиш масалалари ҳақида маъруза қилди. Сўнгра ҳисоб-китоб, иқтисодиёт ва бозор, янгича хўжалик юритиш шароитида маданият ходимларининг анъанавий жумҳурият семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни Ўзбекистон маданият вазири Н. Ғойибов кириш сўзи билан очди. Маданият вазирлигининг режалаштириш, молия ҳисоб-китоб ва ҳисобот бошқармаси



бошлиғи М. Герштейн вазирликнинг сўнгги 9 ойдаги иш фаолияти ва бозор муносабатларида ишлашга ўтиш масалалари ҳақида маъруза қилди. Сўнгра ҳисоб-китоб, иқтисодиёт ва бозор, янгича хўжалик юритиш шароитида маданият корхона ва муассасалари фаолияти, бозор шароитида маданият ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби қатор масалалар бўйича «Меъмор» илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари П. Шуб, Самарқанд вилоятаро кутубхона директори Л. Генкина, Маданият ходимлари малакасини ошириш жумҳурият институтининг кутубхонашунослик ва библиография кафедраси доценти Л. Холдоров ва бошқаларнинг маърузалари жиддий, кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ғоят қизғин ўтган семинар-кенгашнинг сўнгги куни «Маданият ва санъат муассасаларининг янгича хўжалик юритиш шароитига ўтиш масалалари» мавзуидаги давра суҳбати билан якунланди. Давра суҳбати Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари Т. Шамсиев, Ўзбекистон маданият ходимлари малакасини ошириш билимгоҳи ректори С. Каримов, Ўзбекистон Маданият вазирлигининг режалаштириш, молия ҳисоб-китоб ва ҳисобот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Герштейн ва бошқа масъул кишилар иштирокида ўтди. Ўзбекистон маданият вазири Н. Ғойибов кириш сўзи билан очди. Маданият вазирлигининг режалаштириш, молия ҳисоб-китоб ва ҳисобот бошқармаси

АЗРОИЛНИНГ АСБОБИ

ДЎХТИР: — Юринг, акахон, ичингиздаги бор касални айтиб бераман.

СПОРТЧИ: — Э, нафасингни иссиқ қил-е, менда касал нима қилади? Ўзим альпинист бўлсам, штанга кўтарсам, умримда дорихонага ҳемири сарфламасам.

ДЎХТИР: — Касал бўлмасангиз, энди бўлиши мумкин касални айтиб бераман. Ёпонни қурилмасини ўзимизнинг электрон асбобга дурагай қилдим. Юринг, буёққа ўтиринг. Жағингизни тираб, тўғри қаранг. Чироқни ўчираман. Ташқи оламни унутинг. Асабларингиз бўшашсин. Хотинниям, бола-чақаларниям ўйламанг. Йўталманг, акса урманг, қимирламанг.

СПОРТЧИ: — Нафас-чи, нафас олаверайми?

ДЎХТИР: — Олаверинг. Так-так, бошладик. Қимирламанг, токки улаяпман. Ҳа... Соппа-соғман дейсиз, бошингиз оғриркан-у?

СПОРТЧИ: — Оғриганмас.

ДЎХТИР: — Биқинингиз санчаркан. Ие, буйрак ҳам чатоқ-ку?

СПОРТЧИ: — Санчмайди.

ДЎХТИР: — Ошқозонда гастрит, ўтингизда тош... Ҳа, қойил аппарат-да, бу. Юрагингиздаги клапанларни ҳам кўраяпман. Воҳ-ҳо... Битташи кичрайиб қолибди-ку?!

СПОРТЧИ: — Сен қайси клапанни кўраяпсан?

ДЎХТИР: — Ие-вей, акахон, ҳаммада иккита бўларди, сизда учинчисиям бор-ку? Чатоқ-чатоқ...

СПОРТЧИ: — Нималар деяпсан? Бу мумкин эмас.

ДЎХТИР: — Ие, сариқ касалингиз ҳам бор экан.

СПОРТЧИ: — Э, бор-е, вазминлашиб кетдим. Вой бошим. Соппа-соғ кирувдим-а, бу савилингга.

ДЎХТИР: — Савил эмас, ёпонники бу.

СПОРТЧИ: — Ёпонники эмас, Азроилники де, э, бор-е...

АБДУҒАНИ АБДУҒАФУРОВ — МЕҲМОНИМИЗ



Драматург Абдуғани Абдуғафуров 1941 йили Ўш шаҳрида туғилган. Ўш Давлат муаллимлар олий-гоҳини тамомлаган. Ўш вилоят «Ленин йўли» газетаси редакциясида бўлим мудири, Бобур номидаги Ўш ўзбек музикали драма театрининг директори вазифаларида ишлади. Ҳозир у Ўш шаҳар Кенгаши раисининг муовинидир.

Муаллифнинг «Кулги зарби», «Оталар мероси», «Куйдирмаган кундош», «Виждон қўзғатгич», «Гипноз—2», «Топқир толмас», «Анқовлар чайқови» номли пьесалари Ўзбекистон, Тожикистон, Доғистон, Русия ва Қирғизистоннинг бир қатор театрларида саҳнага қўйилди. «Сиз бир ёндан, биз бир ёндан», «Оталар мероси», «Мукофот тақсимлаш» номли китоблари чоп этилди.

Абдуғани Абдуғафуров расмий ҳужжатларга кўра бу йил 50 ёшга тўлди. Шу муносабат билан бугун биз Абдуғани акани чойхонамизга таклиф этдик.



АКБАР ЮНУСОВ — МЕҲМОНИМИЗ

Акбар Юнусов илтимосимизга биноан ўзи ҳақида қуйидагиларни ёзиб берди:

Улуғ Ватан уруши бошланган йил туғилганман. Шахсга сиғиниш авжига чиққан йилларда мактабга бордим. Етуклик аттестатимни олиб энди мустақил ҳаётга қадам ташлаганимда турғунлик йиллари бошланди. Ҳуллас ҳаётимнинг анчагина қисми турғунлик йилларига тўғри келади. Дурадгор, суворакчи, пайвандловчи, юк туширувчи, бригадир, катта техник, омбор мудири, қурилишда бўлим бошлиғи бўлиб ишладим.

Қурилишда ишлаб юрганимда адабиётга қизиқиб қолдим. Аввал мақолалар ёздим. Ҳозир эса ҳикоя, ҳажвия, қиссалар ёзаяпман. Айримлари босилаяпти. Шунисига ҳам шукур.

ПЕШТАХТА УСТИДАГИ ОШКОРАЛИК

СОТУВЧИ ЕН ДАФТАРИДАН

● Бурнинг сассиқ бўлса ҳам, барибир кесиб ташлай олмайсанку. Қанча айбла, барибир зарурият бизни ОБХССга тиржайишга мажбур қилди. Фильтрли сигаретами, марҳамат.

● Тилимиз филфак, ақлимиз юрфак, кўринишимиз парвоий фалак бўлса-да, тиғ кўтариб, тиғ устида чопамиз. Кесиб олмасак, улар кесишади.

● Қўшнимга раҳмим келади, жамоат транспортида димиқиб ишга боради, бир кило суяксиз гўшт олиб қолса, бир ҳафта тиржайиб юради. Олимни шу куйга солган замонингга борман-да.

● Бу бечорани йигирма тийин учун қаерга судрайсан.

● Минг сўмлик гўшт сасиб қолгани учун: «Хароб қилдинг-ку, давлатни бир чеккасини», деб қора курсига ўтқазишди. Бутун бошли Оролни қуритганлар эса орден олиб гердайиб юришибди. Қани ҳақиқат?

● Дўконга келмасдан олдин қурилишда ишлаганман. Уларнинг барча сир-асрорини биламан. Ярим ойда бир челак сигарет қолдиғи чиқариш — план. Мажбуриятга эса доминони ураги-да кейин бақиришади: гўштда суяк кўп деб. Лекин билишмайдики, чўпон ҳам унга ўхшаб домино ўйнаш билан шуғулланганда, ўша суяк ҳам бўлмасди.

● Ишхонасида ҳеч иш қилмай миллионлаб сўмни ҳавога учиришади-ю, лекин дўконга кирганда 10 тийин олиб қолсам, катта жанжал кўтаришади. Одамнинг ўз моли бунча ширин бўлмаса.

● Сотувчини қуввати тилда, ошга ҳам етказади, бошини ҳам ейди.

● Тинчгина насибани териб юрувдим, қайта қуриш дўконни яланғоч, мени оч қолдирди.

БОЗОРДА

ҲОЗИРГИ БОЗОРДАН ЭСКИЧА РЕПОРТАЖ

Районимиздаги бозор гуллаб-яшнаяпти. Гўзал пештахталар, ойна ва металдан ишланган расталар кўзни олади.

Бозор ходимлари яқиндагина бўлиб ўтган қурултойдан руҳланиб план ва мажбуриятларни ошиғи билан бажардилар.

Районимизда иттифоқ миқёсидаги ташаббус қанот ёйди. Матлубот жамияти қурултойида таъкидланганидек, бозор системасига ўтиш амалга ошди. Дўконларда хоҳлаган нархда савдо қилинмоқда. Ташаббусга оқ йўл тилаймиз!

Инқилобдан илгари бозоримизда қовунларни доналаб сотишарди, муттаҳам бойлар торозига ҳам пул ишлатишмасди.

Ҳозирги бахтиёр сотувчилар граммларгача ҳисоблаб савдо қилишмоқда. Ғайрат ила қўли-қўлига тегмай меҳнаткашларнинг хожатини чиқаришмоқда.

Шодликдан юзлари балқиган аҳоли қовунларни кўтариб, тарвузларни қўлтиқлаб, шафтолини бағрига босиб, таксида келган бўлса, трамвайда уйларига қайтаяптилар.

Бозордаги матлубот жамиятига қарашли газмол, пойабзал расталари гавжум. Қурултойдаги қарордан руҳланган сотувчилар энг биринчилардан бўлиб бозор иқтисодиётига ўтиб олишган. Бир хил молнинг нархи ҳар дўконда ҳар хил.

Қурултой қарорларини амалга оширган раста аҳлига муваффақиятлар тилаймиз.

ЯНГЛИШ СУҲБАТ

Қанотбек хотинини қишлоқ туғуруқхонасига ташлади-ю, ишга югурди. Ишхонасида ярим соатлар ўтиргач туғуруқхонага телефон қилди.

— Алло, салом. Менга туғуруқхонани уланг. Алло, туғуруқхонами?

— Ҳа, туғуруқхона.

— Анорованинг кўзи ёридими?

— Ҳозир... Рўйхатдан топамиз...

Ҳамшира қиз аниқлагунча телефон бир-икки китир-китир қилди, икки марта «дут» деди. Эркак кишининг овози эшитила бошлади. Севгилисининг қўлини силаб ўтирган телефончи қиз янглишиб, Қанотбекни туғуруқхонадан олиб телеательега улаб қўйган эди.

— Нима бўлди, топдингизми? — ошиқди Қанотбек.

— Топдик. Касалини ҳам аниқладик, — хотиржам жавоб берди телевизор тузатувчи уста. — Сиз ташлаб кетганингиздаёқ ичини очиб кўрганмиз.

— Нима-нима? Нега ичини очасиз? Қанақа касал? — Қанотбекдан муздай тер чиқиб кетди.

— Олиб келаётганда бир оёғини қайириб, яна бирини синдирган экансиз. Эҳтиёт қилиш керак-да...

— Нима? Оёғи синди дейсизми?

— Ҳа, иккита янги оёқ солдик.

— Мен ҳозир етиб бораман, — хирилларди Қанотбек.

— Ҳали тайёр бўлгани йўқ, келмай қўяверинг, — деди уста.

— Бораман, ўз кўзим билан кўраман...

— Мунча шошқалоқсиз?! — Пўписага ўтди уста. — Биз ўзимиз бир-икки у ёқ-бу ёғини текшириб олайлик.

Қанотбекнинг жони халқумига келди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Телефонда яна ўша овоз эшитилди.

— Кеча бош мутахассимиз кўраётган аёл, чийиллаган товуш эшитилиб, бирдан қизий бошлади. Шундан кейин овози чиқмай қолди.

— Нималар деяпсиз? Қандай азобларга қолдинг, шўрликкинам. — Қанотбек ростмана ҳўнграб юборди.

— Йиғламанг, қанақа одамсиз? Бу бўлмаса, яна биттасини оласиз. Шунга ҳам йиғими?

— Аблаҳ одам экансан. Сендақа бағритош врач билан гаплашиб қўяман.

— Врач? Қанақа врач? Жинни-пинни бўлганмисиз? Мен телевизор тузатадиган устаман...

Телефон «дут-дут» қилар, Қанотбек эса, ҳушидан кетиб, ерда ағанаб ётарди.

ЭҲ, СИЗ ТАЛАБАЛАР

Абитуриентнинг кимлиги, қаердан келганини бир қарашда билса бўлади. Талаба бўлгач, бу ёш илмий дунёга мослашади. Ота-боболаримизнинг «сочи узун, ақли қисқа» деган мақолини чиппакка чиқариш учун, қизлар сочини қирқади. Навбат кўйлакка келади. Улар тор ва калта кийиниши давомида, кўйлак белга келгач, шим кийишга мажбур бўлишади.

Йигитларнинг сочи ўсади. Олдиришга вақт йўқ, кейин мода деб туриб олишади. Гоҳида соқол пайдо бўлиб, бирор талаба қизнинг танқидидан сўнггина қиртишланади.

Талабанинг соҳасини аниқлаш қийин. Иқтисодчи футбол тепади. География кларнет чалади. Математик шеър ёзиб, унга музика ҳам басталайди. Шифокор артист ҳаммани бақириб уйротади: «О, Дездемона! Ҳаётингизни севгидан суғурта қилдингизми?»

Биринчи курсда талаба дарсга лекция бошланмасдан келади. Конспект ёзади. Маршрути: институт — кутубхона — ётоқхона. Бир-икки йил ўтгач, у бўш қолиб зериксагина институтга боради. Маршрути шаҳарнинг ҳар хил нуқталари: кино — ателье мод — пардозхона...

Талаба яккарўзғор, лекин ғори бор, рўзи йўқ. Стипендияга уч кун қолса ҳам бор пулига гул сотиб олади-да, маъшуқасига ҳадя қилади. Кинодан сўнг шаҳарнинг нариги чеккасидаги уйига кузатиб, ярим кечада пиёда қайтади. Ашула ванг, лекин ашуланинг номини ўзи ҳам билмайди. Эртага, йўқ, кечирасиз бугун нонушта қилишга чўнтагида ҳемири ҳам йўқ. Қани энди «минг бир мўъжиза» пирожкадан уч пакет бўлса. Хаёлида нега шу пирожки пиширадиган цехга мукофот беришмайди, деган ўй.

Талабада яккаҳўжалик ҳисси, мол-мулкка ҳирс қўйиш, шахсий мулкчилик ҳисси ривожланмаган. Хонадаги ҳамма марса — каравот, стол ва стул жамоатники. Ҳатто кийимлар ҳам. Ким вақтли тўриб кийиб жўнаб қолса, жинси шим ўшаники.

Талабалар орасида энг кўп тарқалган юқумли касаллик — севги. Кутилмаган ҳолда жуда тез севиб қолади. Хотираси сусайиб, лекцияга бориш эсидан чиқади. Ўчта трамвай паттасига костюм-шим харид қилмоқчи бўлади. Шеър ёзади. Хаёлида севган маъшуқаси билан космик кемада сайр қилади. Математик формулалар орасида севги образини кўради. Баъзилар тезкор, кечқурун севиб, абадий ва метин муҳаббатини эрталаб йўқотиб қўяди. Йўқ, у муҳаббатда муқимсизлик, вафосизлик қилмайди. Муҳаббат шартли равишда тахи бузилмай бошқа қизга кўчиб ўтган бўлади.

Талаба имтиҳон даврида ўқиши кераклигини сезиб қолади. Бир кечада ярим йиллик конспектни кўчиради. Ёрдамчи адабиётга кўмилиб ўзини йўқотади.

Ҳақиқий талаба муваффақиятсизликдан илҳомланиб, иккинчи имтиҳонга ҳам тайёргарликсиз келади.

Талаба хоҳласа, хоҳламаса ҳам қашфиёт қилаверади. Ньютон формуласининг суратини маҳражига олиб тушади-да, «Оламнинг тортилиш қонуни» деб безрайиб тураверади. Бу «Оламнинг бузилиш қонуни» десанг. хурсанд. Қотиб-қотиб кулади.

Шундай химиявий формулаларни ёзадики, агарда реакциялар, ҳақиқатан ҳам, ҳаётда рўй берадиган бўлса, химия кафедраси билан домлалардан асар қолмай парчаланиб кетган бўларди.

Бечора классикларнинг ҳаёти ўзгариб, Байрон Лермонтов билан алмашиб қоларди. Асарларнинг муаллифи ўзгаради. Мабодо Навоий тирилиб, ўз ижоди ҳақидаги талабанинг фикрларини эшитиб қолганда борми, жаҳолат ва нодонликни кўраверибқўзи пишиб кетганлигига қарамай талабани қувласа, ажаб эмас.

Талабанинг олий ижоди — шпаргалка... Ҳамма ерда — чўнтакдан тортиб, пайпоқ ичида ҳам бўлади.

Сессия тамом бўлгандан сўнг, талаба албатта қасам ичади:

— Лекцияга бораман. Конспект ёзаман. Ҳар куни тайёрланаман. Адабиётларни ўқийман, — дейди у. Лекин эртасига эсдан чиқиб, кейинги сессиягача олдинги ҳаёт давом этади.

Талаба замон модасини, яратади. Дейлик талабанинг шими йиртилди, ямоқ солади-мода, юбкаси йиртилди, йиртилган жойга тугма қадайди-мода. Оёғига сиёҳ тўкилиб кетди. Ҳамма тирноғини шу сиёҳ билан бўяйди — мода .

Талаба фақат қоғозга эмас, ҳамма ерга ёзиб ижод қилади. Янги қуйилган бетонга, пардага, ётоқхона эшиги-ю, телефон буткасигача. Номлари тарихда қолишини исташади-да.

Талабалик олтин давр. Ўқишни битириб «Волга» миниб юрган академик, троллейбусда паттаси йўқлиги учун патта текширувчидан қочганини, район ошхоналар трестининг бошлиғи бир пайтлар бир неча кун оч юрганини эслаб кўзи нурга тўлиб, қалбида ширин дамларнинг ҳаяжони пайдо бўлади.

Яшасин талабалик!



Рассом С. ҲАМРОЕВ

ФАВҚУЛОДДА МУСОҲАБА

Олийгоҳ ичидаги тор йўлакда уч муаллим қизғин суҳбатлашарди. Шу онда «қониқарсиз» баҳо олиб, кўзига олам қоронғи бўлган талаба тўсатдан муаллимнинг бирини туртиб ўтди.

— Кечирасиз, домла, шошилинчда... — узр сўради талаба.

— Уят, ука, ниҳоятда уят,— ғазабланди туртилган муаллим.

— Сиз шу қилмишингиз билан бизнинг фавқулодда илмий мусоҳабамизни бузиб, ноёб фикрларимизни сочиб юбордингиз. Балки сиз шу онда, шу қилмишингиз билан бутун инсониятни улкан ихтиродан маҳрум қилгандирсиз. Балки сиз бу билан башариятни тош асрига, жаҳолатга етаклагандирсиз. Балки сиз...

— Кечиринг, домла, мени кутишаяпти, — талаба йиғлагудек бўлиб жўнаб қолди. Туртилган муаллим ҳамсуҳбатларига юзланди:

— Хўш, нима деятувдим! Ҳа, қарталарни шундоқ очсам, қаранг, ўттиз икки. Қандингни ур, Мўминтой дедимку бешта юз сўмликни ташладим. Афсус, унику учта туз — ўттиз уч экан...





Рассом М. ИЎЛДОШЕВ

ЖАВОБ

Қоровулхона ёнига оқ «Волга» келиб тўхтади. Ундан енги калта оқ кўйлакка қизил бўйинбоғ таққан дароз одам тушди.

— Ҳамма тушликка кетган, бўтам, — деди қоровул чол дароз кишининг «ҳеч ким йўқми?» деган саволига.— Ўтириб бир пиёла чой ичиб тур.

— Раҳмат, оқсоқол, қуйинг чойдан. Чанқаб турувдим, — курсига чўнқайди меҳмон.

— Сўраганнинг айби йўқ, бўтам, қандай хизматлар билан?

— Мен вилоят марказиданман. Идорамизнинг номи узун, айтганим билан барибир тушунмайсиз. Озиқ-овқат соҳасидамиз.

Қоровул тоға суюниб кетиб, яна саволга тутди:

— Кечирасиз, бўтам. Гўшт, гуруч, ун дегандек... Яқин орада сероброқ бўлармикин?

— Иҳим... Оқсоқол, очиғини айтсам, ижарачилик ва фермерлик ҳаракатини авж олдириб, деҳқон хўжаликларини барпо этгандан сўнг улар билан кооперативлар ҳамда кичик тижорат корхоналари ўртасидаги шартнома тўсиқларини олиб ташлаб, консенсусга эришмоқ, ретроспектик қарашларни бартараф этмоқ лозим. Оқсоқол, оғзингизни юминг! Хуллас, ортодоксал фикрловчи қайта қурувчиларнинг фавқулодда позитив ва негатив конфронтациясига менежер, бизнес, брокерлик ҳаракатини қарши қўямиз. Бунда бизга ассоциациялар ҳамда демократик ўзгаришлар туфайли эришганимиз плюрализм мададкор бўлади. Шундагина гўшт, гуруч, ун борасида ислоҳат ва иқтисодиёт реал кучга киради...

Қоровул тоға муштини оғзига тираб, мазза қилиб эснади-да «тушундим» дегандек бош ирғади.

Сибир қаерда?

БИЗНИНГ ОВЧИЛАР

— Савелий Михайлович, сиз фил овлашни ёқтирасизми?

— Сираям!

— Ия, нега?..

— Мана, кечаги куни бирини отувдим, ов халтамга сиғмай роса қийналдим.

ПАРИШОНХОТИР

Кўргуликни қаранг, — деди машҳур реалист ёзувчи Семичкин. — Касаткинникига кетаяпмиз-у, манзилгоҳини эсимдан чиқариб ўтирибман-а! Хоҳ ўлдиринг, лекин сира эслай олмаяпман — унинг уйи мактаб тўғрисидамиди ё мактаб унинг уйи тўғрисидами... Энди орқага қайтиб, аниқлаб келишга тўғри келади.

АҚЛЛИ ЎҚУВЧИ

ЎҚИТУВЧИ: — Э, тавба, наҳотки ҳеч ким менга Пифагор теоремасини исбот қилиб бера олмаса?!

ЎҚУВЧИЛАРДАН БИРИ: — Исботлаб беради.

ЎҚИТУВЧИ: — Ким, сизми?!

ЎҚУВЧИ: — Йўқ, еттинчи синфдаги акам!

ИККИЮЗЛАМАЧИ

— Холажон, бошқа юзингизни кўрсатинг...

— Вой, қайси бошқа юзимни?!

— Дадам сизни иккиюзламачи деяптилар-ку.

ВАГОНДА

— Коля, ойнакдан шабада кирмаяптими?

— Йўқ!

— Қийналмай ўтирибсанми?

— Албатта-да!

— Вагон йўлагидан ўтаётганлар безовта қилишмаяптими?

— Асло!

— Ундай бўлса, жойни бўшат! Мен ўтираман.

БИРИМИЗНИ ҲАЙДАШГАН

— Сиз анави, машҳур профессор билан ўқиганмисиз?

— Ҳа, биз бешинчи синфгача бирга ўқиганмиз, кейин иккимиздан биримизни мактабдан ҳайдашган.

ХОЛА КЕТАЁТГАНДА...

— Қани ўғлим, хола кетаётганда нима дейиш керак?!

— Худога шукр...

БОПЛАДИ

БУВИ: — Юрий, чекишни ташла! Чекиш, мен сенга айтсам, умрни қисқартиради.

НАБИРА: — Бекор гап, мана бобом! Роса чекканлар, лекин ҳадемай етмишга кирадилар.

БУВИ: — Э, Юрий, агар у чекмагандами, ҳозир саксондан ҳам ошиб кетган бўларди.

СУД ОРҚАЛИ

ЎҚИТУВЧИ: — Павлов, қани айтинг-чи, Сибир қаерда жойлашган?

ЎҚУВЧИ: — Осиёда.

ЎҚИТУВЧИ: — У ерга қандай қилиб борса бўлади?

ЎҚУВЧИ: — (бир оз ўйлаб туриб) Менимча суд орқали, ўртоқ муаллим!..

Урис тилидан Абдул АЗИЗ таржимаси



Рассом М. ЭШОНҚУЛОВ

ЎЙИНДАН ГАПИР...

Салим ашаддий футбол ишқибози. Мабодо футболдан гап очилиб қолса борми, пенсиягача жағи тинмайди. «Пахтакор» ютқизса эса... Келинг уни дилини хуфтон қилмайлик. Бугун футбол. Салим эрталабдан тайёргарлик кўра бошлади. Бир пайт нимадир бўлди-ю, томга чиқишга тўғри келди. Фалокат оёқ остида дейишади. Ишини битириб энди томдан тушаётган эди, сирғаниб бетон йўлкага тушиб оёғи синди.

Унинг оёғини гипслаганда футбол бошланган, уйига қайтиб олиб келишганда тамом бўлган эди.

Салимнинг қовоғидан қор ёғиб, кўргани чиққанларга ҳам рўйхуш бермай футболга бирга боришмоқчи бўлган дўстини кутиб эшикка термулди.

Дўсти келиб ҳайрон бўлди.

— Анқаявермай футболдан гапир, кейин ҳаммасини айтиб бераман, — деди Салим дўстига.

— Сенга айтсам, танишбилиш қилиб зўрға элликта лоторея топдим.

— Чалғимасдан футболдан гапирсанг-чи.

— Шошмай тур, ҳозир бир бошидан айтаман. Хуллас, сени роса кутиб охири ўзим жўнадим. Бундай қарасам, стадион тирбанд, ҳамманинг қўлида лоторея.

— Кимлар ўйинга чиқди?

— Бир пайт ўйин бошланди. Стадион жим. Ютуқни эълон қилганда ҳамма энтикиб қўлидаги лотореяга қарайди. Биттаси додлаб стадионни ўртасига тушиб чопиб қолди-ку. Йўқ, кулги остида орқасига қайтди. Битта рақами тўғри келмай қолибди. Қолганлар-чи бари сигаретани тескари ёндираверибди. Ўзим ҳам роса ҳаяжонландим сенга айтсам.

— Тўхта, ўйиндан гапир.

— Ўйиндан дейсанми? Элликта лотореямдан битта ҳам ўйин чиқмади. Алам қилганидан лотореяларни майда-майда қилиб йиртиб сочиб юбордим.

— Ўйин қандай бўлди?

— Айтаяпман-ку, ўйинда ютқаздим деб.

— Нима, «Пахтакор» ютқаздими? — деди ҳовлиқиб Салим. Дўсти бепарвогина қўл силтади.

— «Пахтакор»ингни ютган-ютқазганини мен қаердан билай?

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларига қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЁҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИЎЛДОШЕВ, Дадахон НЎРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Камол МАТЕҚУБОВ
Босмахонага топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 20.00

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64593. Буюртма 6299. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12